


ЯНГИ  
ЎЗБЕК  
НАСРИ

# ШОЙИМ БЎТАЕВ ЮЛДУЗЛАРГА ЭЛТАР ЙЎЛ



ҚИССА ВА  
ҲИКОЯЛАР



# ШОЙИМ БЎТАЕВ ЮЛДУЗЛАРГА ЭЛТАР ЙЎЛ



ҚИССА ВА  
ХИКОЯЛАР

~~8686~~



1226.9

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нацриёти

Тошкент – 2018

УЎТ: 821.512.133-3(081)

КБТ 84(5Ў)6

Б 99

Бўтаев, Шойим

Б 99 Юлдузларга элтар йўл: қисса ва ҳикоялар, Шойим Бўтаев / - Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2018. - 160 бет.

*Масъул мұхаррір  
Насимхон РАҲМОНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор*

*Тақризчилар:*

Шоира ДОНИЁРОВА, филология фанлари доктори;  
Илҳом ЮСУПОВ, педагогика фанлари номзоди, доцент;  
Барно ҲАСАНОВА, тадқиқотчи

Уруш олови бугунги кунда дунёning турли ҳудудларида бот-бот аланга олиб тургани ҳеч кимга сир эмас. Бир ҳовуч корчалоnlарнинг моддий манфаат илинжи қайси шаклда бўлмасин, инсоният бошига ҳамиша катта фалокатлар келтирган. Она деб юритилишига қарамай, пайдо бўлганидан буён бўлина-бўлина қўлдан-қўлга ўтиб келаётган Ер сайёрасининг бундай бебошвоқликлардан силласи қуриди.

Бу китоб шундай даврлардан бири, Иккинчи жаҳон уруши деб аталмиш муҳораба чекка бир қишлоқда қўй учида кун кўриб келган одамлар ҳаётига оғу соглани ҳақида. Ундан адабий усуллар эврилишларини эмас, ота-боболаримиз ҳаётига дахлдор ҳақиқатларни излашингиз шу маънода Сизга кўпроқ манфаат келтиради.

УЎТ: 821.512.133-3(081)

КБТ 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-07-549-8

© Шойим Бўтаев, 2018 й.

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти, 2018 й.

---

Дунёning ўнлаб мамлакатларидан юз миллионлаб одамларни ўз домига тортган Иккинчи жаҳон уруши Марказий Осиё минтақасидаги бир-бирига яқин, кўни-кўшичилликда яшаб келган халқлар бошига ҳам чексиз кулфатлар ёғдирди. Ўзининг ҳалол меҳнати билан кун кўриб, ўз бошига ёққан қорни ҳамиша ўзи кураб келган, мустабид тузум қатагони туфайли асл ўғлонларидан ажраб ҳали мотамзадалиги аримаган оддий ҳалқ яна огир жафоларга юз тутди. Фронтга жўнаган йигитларнинг кўни қайтмади, қайтганларининг қалбларидан эса уруши жароҳати бир умр аримади. Агар мардлар жасорат кўрсатишмаганида гала-ба туғи кўтарилемасди. Бу туғни жасорат кўрсатганлар эмас, жонини омон сақлаган қўрқоқлар кўтариб боришини жимгина кузатганча уларни олқишиламаслик учун санъатнинг қайси турида бўлмасин, тарихий воқелик ҳаққоний акс этмоги лозим. Қадим Шарқ донишманди лутф этганидек, ақл камол то-ниб, сиртдан жасоратни улуглаётгандек кўринса-да, ичдан қўрқоқликка ҳамполик қилмаслиги, энг сўнгги қахрамон яна барча замонларда ҳам жонини омон сақлаидан ўзга аъмоли бўлмаган қўрқоқнинг ўзи бўлиб қолавермаслигини ҳар қандай одам англаб етишии кераклиги, айниқса, муҳимдир.



---

## МУАЛЛИФДАН

Мен бу китобимга уруш мавзусидаги асарларимни киритдим. Уларни жамлаётиб, бир нарсага амин бўлдим: дунё даъвоси йўқолган жойдан дунё бошланаркан. Дунёга даъвогарлик қилганларнинг барчаси инсониятга фақат фожеа келтиришган, улар орасида энг доно ҳисоблангани эса жон таслим қилаётиб, бу дунёни забт этиб қўлга киритдиму нариги дунёга ҳеч нарса олиб кетолмаяпман — мана, кўриб қўйинглар, деган маънода тобутдан қўлини чиқариб кафтини очиб қўйишларини сўраган экан; нафсиламарини айтганда, бу инсоний васият ҳам жаҳонгирнинг ўзиники бўлмай, мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг бетимсол бадиий тафаккури дурдона маҳсули — башариятга тилаган орзуси, даҳоси белгисидир.

Шунаقا экан, дин даъвоси йўқолган жойдан дин бошланади.

Инсонийлик илдаоси йўқолган жойдан инсонийлик бошланади.

Адабиёт даъвоси йўқолган жойдан адабиёт бошланади.

Аммо ана шу соғ нуқтадан бошланажак ҳодисалар яна даъво қўзғаши, илдаоларга берилиши мумкинлигини асло унуммаган ҳолда, ўз ҳаддини билмоқлик қудуқчи ер ости сувига йўл очгани каби санъатга йўл очиши мумкин. Дарҳақиқат, касбу корлар ичида энг камгап одамлар ана шу қудуқчилардир. Чунки, улар ерни қазиётган пайтларида доимо сувга — мақсадга этиб борадиларми-йўқми, шундан ташвишга тушадилар.

Инсоният тарихидаги энг мудҳиш давларда ҳам яхши кунлар умиди бўлмаганида, эҳтимол, инсоннинг яратувчанлик, яшовчанлик қобилияти йўқолиб кетган бўларди.

Умид — қоранинг оққа алмашиниш жараёнидир; зеро, тонг олди палласи зулматини қуюқлашган дейиши баробарида энг теранлашган деб ат ш ҳам асло хато бўлмайди. Йигирманчи аср мудҳиш ҳодисаларга бой бўлган. Очарчилик, уруш, яна қаҳатчилик. Отам Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, мўъжазгина қишлоғимизга унинг ҳақиқатларини олиб келган бўлса, онам ўша қишлоқ четидаги ҳосили ўриб-йиғиб кетилган ангорларда бошоқ терганларини бот-бот эслаб гапиради. Қонимда ҳануз уларнинг изтироб-оғриқлари нола чекади. Бу нолалар қаттиқликни юмшоқлик билан, жоҳилликни донолик билан енгишга даъват этади. Бу даъват кечаги тажрибалардан келиб чиқсан эса-да, келажакка қаратилган, келажак учундир. Ўтмиш буюклиги боисидан бўладими, тубанлиги боисидан бўладими — ўзгаришга қодир эмас, унинг хотиржамлиги ва баҳти шунда. Унинг учун муносабатларнинг ҳам унчалик қизиги йўқ, чунки абадият билан юзма-юз турганда ҳар қандай муносабат бошқа ўткинчи ҳодисалар каби ўзининг аҳамиятини йўқотади. Ҳар қандай муносабатлар буни ўйлаб топганларнинг ўзлари учун эканлигини яхши билганидан ўтмиш теран сукут сақлайди. Аммо бу сукутда мангу ибрат яширин эканлигини ҳам унутмаслик керак. Ҳарқалай, фиравннинг қабрдан қилич кўтариб чиқиб яна дунё даъвоси қилганини ҳеч ким кўрган эмас, келажакда ҳам ҳеч ким кўрмайди.

Иккинчи жаҳон уруши силсиласида ҳали-ҳануз тугамайдиган оғриқлар, қони силқиб турган яралар мавжуд эканлигини ҳеч ким инкор этмаса керак.

Мен Берлинни кўрмаганман. Инсониятни фашизм асоратидан халос қилишган ота-боболаримиз эса фахрур гуурур билан биргалиқда бу шаҳар ўртасида ўтиб бўлмас деворни ўzlари тиклаб келгандек қандайдир хижолатпазлик ва уятни ҳис этишларини пайқар әдик. Берлин деворларининг қулаши, қавму қариндошлар, жондош-жигарларнинг чанг ва тўзон оралаб кўзёшу андух-изтироблар билан бир-бirlарига талпинишлари, бир-бirlарини бағирларига босишгани эса малҳам ўрнида хизмат қилган бўлса-да, хижолатпазлик ва уятни буткул қўтариб ташлай олмади — уруп кўрган авлод буни ўzlари билан олиб кетишиди.

Бундай оғриқлар, қони силқиб турган яраларни янгиламоққа ҳожат йўқ. Ҳали-ҳануз қуламаган ёинки қайта тикланган, қайта тикланаётган баланд деворларнинг икки томонида қариндошлар, қондош-жондош жигарларнинг тинимсиз оқаётган кўзёшларини пайқаб пайқамасликка олиб кетишлиар мавжуд экан, малҳамлар жуда-жуда зарурлигини эътироф этмоқ зарур. Дард давосини вакт ҳукмига ташлаб қўйиш ўлимга олиб келишини фахмламоқ учун эса донолик талаб этилмайди.

2012 йил, 7 декабрь.

---

---

# ЮЛДУЗЛАРГА ЭЛТАР ЙҮЛ



ҚИССА

---

Туркистан тизма тоғлари этакларида азал-азалдан сон-саноқсиз қишлоқлар сочилиб кеттган экан. Қаердаки булоқ бўлиб, тирикчилик имкони туғилса ўша ерларга одамлар уруғ-уруғлашиб жойлашиб кетаверишган экан. Кенагас, Иторчи, Мужун, Қизили, Хўжақўргон, Яхтан, Тўққизчелак, Қипчок, Қўшкент, Увок, Қўштоир, Қорасоқол, Яssi, Лакат, Қаландархона, Туркман-Найман, Янгишер, Тол, Яккабоғ, Манғит, Болғали, Ўроқли, Қайирма, Қарапчи, Кенгкўл, Кўчкина, Бўраган(Бўриеган), Тулкилиқ, Турк, Сават, Қуроқ, Жаркўргон, Кесакли, Қўрғонча, Янгиқишлоқ, Янгиариқ, Янгиқўргон, Мўғул, Оққарчифай, Чўянчи, Тарнов, Овчи, Уяс, Бобурчак, Тут, Тапқоқ, Баландчақир деган қишлоқ ва жойларнинг номланишида тарих, жўтробия, ҳикмат — бари-бари мужассам бўлган экан. Бундай номлар уруғни ёинки ўша жойга тааллуқли бўлган бирон бир ўзига хос маънони билдирап экан. Бу қишлоқларнинг одамлари тўғрисуз, содда, мард ва танти кишилар экан. Улар кийинишдан тортиб еб-ичишларигача қадим ота-боболарининг урф-удумларини сақлаб қолишган экан. Мол сўйиб, гўштини тунда қуритиб қўйишар ва унинг иомини «қақач» деб аташаркан. Улар ун ва сутдан қуртова, қотирма, чалпак, сутли чалпак, қаймоқли чалпак, лочира деган хилма-хил овқатлар тайёрлаб истеъмол қилишар эканки, эндиликда уларнинг қандай тайёрланишини, мазаси қанақа бўлишини айтиб-тушунтириб бериш мушкул экан.

Шунақа қилиб, ўша қишлоқлар қаторида Майдонча деб аталған кичкинагина қишлоқча ҳам бўлса-да, уни қўпчилик билавермаскан. Шунақа қишлоқ бор деса, эшитганлар ўйлаб туриб, номи қизиқ эканми, қишлоқнинг номи шунақа бўлиши мумкинлигини ҳеч хаёлимга келтирмаган эканман, нима, у ерда кураш тушиладиган ёки улоқ чопиладиган майдон ёки майдонча борми, дейишаркан. Шунда майдончаликлар ҳам кифт қисиб, йўқ, бизда унақа майдон ҳам, майдонча ҳам йўқ, лекин қишлоғимизнинг номи шунақа, шунақа бўлгандан кейин биз нима қилайлик, дея кифт қисишаркан ёлғон устида қўлга тушгандай бўлиб.

Шунақа қилиб, ўша катта урушдан олдинги кезларда негадир тепаликнинг қир учидаги жойлашиб олган Майдончада етти-саккизтагина хўжалик бўлиб, уларнинг ҳовли-жойларига сув чиқмагани учун қудуқ кавлаб, шу қудуқ сувидан ичишаркан, булоқларнинг суви етиб борадиган этакдаги кафтадеккина ерларида эса боғдорчилик билан шуғулланишаркан. Улар ўзларига тегишли томорқаларнинг ўртасига майизжолар қилишиб, ертоқдан чиққан ҳосилни шу жойда қуритишаркан, шираси тилни ёрадиган майизлар ҳам уларда бўларкан. Майиз деса тамом, энг камсуқум майдончаликларнинг ҳам тиллари ешилиб кетганча майизжода қуритиладиган майиздан тортиб иморат тўсинига узумни осиб ёки ток зангида уни қандай қуритиб майиз тайёрлаш мумкинлигини миридан-сиригача айтиб бера олишаркан. Бошқа мавзуларда сўз борса энг сергап майдончалик ҳам оғзига мум солволгандек жим-дим ўтиравераркан — мулла билганини ўқийди, деган гаплар ҳам ўша замонлардан қолган экан. Ток сояни хуш кўрмагани учун офтобни тўсмайдиган жойларни мўлжаллаб мевали дарахтлар экишаркан.

Мана шунақа тирикчилик ташвишларига күмилганча уларнинг бирор билан ишлари бўлмаскан, ахён-ахёнда қўллари бўшаган пайтларида қишлоқ ўртасидаги бўз тепачага чиқволишиб гурунг қилиб ўтиришаркан.

Авваллари ҳам шунақа бўлган экан.

Кунлардан бир куни ўша бўз тепачада гурунг қилиб ўтиришганда ёши саксонданми-тўқсонданми ошган, тиши тўкилган, кўрган-билгандар, еган-ичганлари ёдидан учиб, хаёли паришонлашиб қолган Бозор бобо деган майдончалик бир қария қуёшнинг уфқа ботишини томоша қила туриб, дабдурустдан ғалати бир гап айтиб қолипти.

«Нима дейсизлар? — депти у қуёш ботиб бораётган уфқ томондаги тепаликка кўзларини қисиб узок-узоқ тикилиб қараркан, кексалик туманлиги орасида уни базур илғаганича.— Ўша олисдаги тепаликнинг ортида ҳам одам яшармикан?».

Унинг бу гапидан ўтирганларнинг кулгиси қистаса-да, ёшининг хурматини қилиб кулишмабди. Бу тепалик Бозор бобо айтганидек унчалик олисда бўлмай, эшак билан ярим кунлик йўл экан, унинг нарёғида Суркат, Варсик, Муряқ, Чорбоғ, Обжувоз, Хўжаҳо, Басманда, Даҳкат, Ростровут, Угук, Фазантерак, Сароби, Пожинданқ, Пашиби, Пошкент, Сўфиориф, Сепула деган қишлоқлар бор экан. Суркатда сув тегирмон бўлиб, майдончаликлар буғдойларини ўша тегирмонда тортиб келишар экан, фақат у ерда тоҷиклар яшашаркан; майдончаликлар тоҷик тилида бирорта ҳам сўз билмаганликлари учун суркатликлар улар билан ўзбекча гаплашишаркан. Шунақа бўлгандан кейин, умрида кетмондан бўлагини кўрмаган Бозор бобонинг ҳалити гапи жуда ғалати туюларкан. Лекин бу ерда гап бошқа ёқда экан. Бо-

зор бобо неча йиллардан буён уйдан чиқмай хаста ётган, негадир шу бутун нималарнидир құмсаб тепаликка чиққан экан. Унинг нималарни құмсагани кейин-кейин маълум бўлган экан, шу ерда шаталоқ отиб юришган болакайларнинг ёши бир жойга етиб, офтоб ўлтирас ҷоғларда маъюслаша бошлишганида буни англашган экан. Бозор бобо ўша тепаликка чиқиб ўтирган маҳалида ўнг билан тушни, бу дунё билан наригисини аралашт ғриб юбораверадиган зҳволда бўлган экан. Шунақа бўлгач, қишлоқ четидаги тепалик дунёнинг чети бўлиб бўлиб қўрингани кўпам ажабланарли эмаскан, бунақа пайтларда ўз уйининг остонаси ҳам одамдан олислашиб кетаркан.

Шунақа экан.

Шунақа бўларкан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, одамнинг эси кирди-чиқди бўлса, оғзидан ҳам ҳар хил гаплар чиқиб кетавераркан.

Буни тушунган тушунар экан, тушунмаган тушунмас экан. Аммо тушунмаган ҳам кўп ўтмай тушуниб олар экан. Ҳамманинг бошида бор экан бу савдо.

«Бозор бобо қизиқ гап гапирасиз-а, албатта, одам яшайди-да, — депти шу даврада ўтирган, ёши қирқларни қоралаб қолган бўлса-да, ҳамон вужудидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган Ҳотам деган киши тушунтириш бераётгандек бўлиб. — Дунё кенг, албатта, тепаликнинг нарёғида ҳам, тепаликнинг нарёғини нарёғида ҳам одамлар яшашади».

«Ҳа, дунё кенг, — дея эътироф этипти Бозор бобо ҳалиги гапини уларни синаш учун айтганини намойиш этаётгандек бўлиб. — Кетаверсанг, кетаверсанг, чулчуглар яшайдиган маконларга бориб қоларкансан, аммо улар бизга ўхшаган одамлар эмас экан».

«Қанақа бўлмаса?».

«Улар чулчутлар».

«Ана-а, бўлди-да, чулчут бўлсаям яшаркан-ку, чулчут ҳам одам-да».

«Чулчут одам эмас. Агар у одам бўлганида ўнг елкасида Раҳмон, чап елкасида Шайтон ўтирган бўларди. Шайтон одамни йўлдан урмоқчи бўлиб қилиқ қилса, Раҳмон уни тўғри йўлга бошлиди. Шунинг учун одамнинг ҳаёти осуда кечади. Чулчут кўринишидан одамга ўхшаса-да, ана шу икки елкасидағи иккита фаришта масаласида одамдан фарқ қиласди».

«Ё товба, кўринишидан одамга ўхшаса-ю, икки елкасида икки фаришта бўлмаса у қанақа жонзод экан».

Шунда Бозор бобо аввал ўнг елкасига қўлини қўйиб:

— Бу ерда Раҳмон ўтирибди, аммо кўзга кўринмайди, — депти Раҳмонни кўз ўнгига келтираётгандек бўлиб, сўнгра чап елкасига қўлини қўйганча турушунириш берипти. — Бу ерда ўтирган Шайтон ҳам кўзга кўринмайди. Чулчутнинг икки елкасида иккита илон ўтиради.

«Ё товба, икки елкасида ўтирган иккита кап-ката илонни кўрмаса, нима, чулчутнинг кўзи йўқми-кан?».

«Ахир сен ҳам Раҳмон билан Шайтонни кўрмайсан-ку?»

«Раҳмон билан Шайтон бошқа-бошқа».

«Бўлди-да, у илонлар ҳам бошқа, кўзга кўринмайди, аммо амалини қилаверади».

«Хўш, Раҳмон билан Шайтоннинг амалини-ку билиб олдик, чулчутнинг икки елкасидағи иккита илоннинг амали нима экан?».

Бозор бобо кифт қисипти.

Шунда Зуфар қудуқчи деганлари бармоқларини бирлаштириб, кафтини илоннинг бошига ўхшатиб кўтариپти ва вишиллаб:

— Чулчутнинг икки елкасида ўтирган илонлардан бири унинг бош косаси ичига кириб миясини суради, — депти ваҳимали тарзда кулли ишонч билан. — Иккинчиси бўшаб қолган коса ичига ўзининг захрини солади.

«Ундан чиқди чулчутнинг мияси мия эмас, илоннинг захри экан-да».

«Ҳа, шунаقا».

Офтоб ўлтирас ҷоғда бўз тепачада бўлиб ўттан бу гурунг кўпчиликни ўйга толдирипти.

Офтоб ўлтирас ҷоғда дунёнинг бир пучмоғидаги Майдонча деган қишлоқ тепалигида гурунг қилиб ўтиришган бу содда кишилар аслида олис-олисларда ҳам гарчи тиллари бошқа-бошқа бўлса-да, ўзлари каби қалби тоза, ажойиб кишилар яшашларини, улар ҳам уруш-жанжаллардан безиб, тинчлик-хотиржамликни ҳар нарсадан устун қўйишларини, ўзлари каби изтироб чекиб, ғам-алам тортишларини тасаввур ҳам қилишмабди.

Тасаввур қила олишмас ҳам экан.

Негаки, муқимбой бу дўлвор кишиларга дунё ҳақида тез фурсатда жуда кўп чўпчаклар тўқиб айтилган экан, қулоқларига қўйилган экан: дунё-дунё дейишиади, нима бўпти дунё деганлари; мана биз-да дунё; биз-да фаровон; биз-да одамоҳун; мана, биз-да ҳаммаёқни яйратиб-яшнатиб қўйган; мана, биз-да буюк келажак сари бораётган; мана, биз-да тинчлик кабутарини тутиб қафастга соглан; қуёш ҳам бизда нур сочар; ой ҳам осмонга бизда кўтарилар; бизнинг юлдузлар у зулматларни чекинтирган; бизнинг

аждодлар-да оламни яраттан; энг улуғ кишилар ҳам бизда-да; бизда-да хазина-ю дафиналар; бобомиз ҳам бизнинг улуғ; отамиз ҳам бизнинг доно; онамиз ҳам бизнинг фаришта; бизнинг бошларда мураккаб жумбоқлар оддийтина ҳал этилган; бизнинг қўллар яратувчи; бизнинг оёқлар чопағон; бизнинг кўзлар чақноқ; бизнинг қулоқлар сергак... тўқилган экан, тўқилаверган экан. Биз, биз, биз бўлган экан; шунаقا бўлгач, ўзгалар олабўжидай кўринар экан, чулчут бўлиб кўринар экан ўзгалар.

Шунаقا экан.

Шунаقا бўлган экан.

Шунаقا-шунаقا бўлгач, бир оёғи ерда-ю бир оёғи гўрда бўлиб турган, шарти кетиб парти қолган Бозор бобонинг олислардаги чулчут ҳақидаги гап-сўзларидан олислардаги барча каби тоза одамлар хафа бўлмасликлари керак экан; бир жойда ўтириб қолган, четга чиқолмаган, уммонлар нафасини түя олмаган содда-дўлвор кишиларга дунёни олабўжи-чулчут қилиб кўрсатишган экан. Дунё ҳақидаги тасаввурни нотўғри шаклантиришган экан. Кичкина ҳовуздаги қора балиқча олис уммонларни хаёл қилганида кўз ўнгига фақат йиরтқич наҳанглар келар экан. Шунаقا экан. Шунаقا қилиб, Бозор бобо ҳассасига суюнганча амаллаб ўрнидан турипти.

«Энди мен борай».

«Майли, бобо».

«Эси кетган бу кексанинг оғзидан чиққанларини кўнгилга олманглар».

«Э, нималар деяпсиз, бобо?!».

«Офтоб ҳам ботди-я?!».

«Ҳа, бобо, офтоб ҳам ботди».

«Тепаликнинг ортига ботдими?».

«Тепаликнинг ортига ботди, бобо».

«У ерда ҳам одамлар яшашади».

«Ха, бобо».

«У ерда ҳам одамлар борлигини эсдан чиқарманглар».

«Хўп, бобо».

«Эси кетган бу кексани ҳам ёдга олиб туринглар».

«Хўп, бобо».

Теварак-атроф говгумлашиб, қоронгилик чўкиб бораётган экан.

Бозор бобонинг ҳассаси дўққилапти.

Бозор бобонинг хомуш гавдаси қоронғилик қўйнига сингипти.

Эртаси куни барча қишлоқларга жанозага хабар кетипти.

Бозор бобонинг жанозасига хабар кетипти.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, Бозор бобонинг қирқи ўтгач, майдончаликлар орасида ваҳимали миш-мислар тарқаб қопти, нима эмиш, бировга айтсанг ишонмасмиш, гитлерми-митлерми деган битта чулчут подшосининг миясига тўлиб кетган илон заҳри ўз ишини қилган эмиш.

Энди у миясидан ана шу захарни чиқариб ташламаса бўлмасмиш, шундай қилмаса бу заҳар миясининг қобигини ёриб юборармиш, шунинг учун у уруш бошлиб, ҳаммаёқни мурдага тўлдириб юборишига қасд қилибди. Шундан сўнг ер юзида ҳамма одам қирилиб кетиб, қиёмат қойим бошланармиш. Ер юзида эса кул тўзонидан бошқа ҳеч нарса қолмасмиш.

Бунақа миш-мислар майдончаликларнинг ҳам юракларига қўрқуву ваҳима солиб қўйипти. У маҳалларда одамларнинг ҳовлиларида тузук-қуруқ девору кириб-чиқадиган дарвозалари бўлмагани, уйлари

хам деразасиз, биттә эшиккина бўлгани учун ўша эшикларини ичкаридан маҳкам тамбалаб, гүёки икки елкасида иккита вишиллаган илон билан душман кириб келадигандек хавотирланиб қолишипти. Ҳотам деганларининг юраги ботир бўлганидан мабодо чулчутнинг қораси кўрингудай бўлса даф қилиш учун томга чиқиб ётадиган бўлипти. У маҳалларда томлар ҳам унчалик баланд бўлмай, устига шифер-тунника ёпилмас, шундокқина лойсувоқ қилиб қўя қолинар экан. Лойсувоқнинг лойи сомон аралаштириб қилингани учун, сомон орасига даладан илашиб келган ўт-ўланларнинг, лолақизғалдоғу чучмомоларнинг, бўтакўзу ялтирбошларнинг уруғлари ҳам лойга аралашиб томга чиқиб кетар экан. Шунинг учун навбаҳор ҷоғларида томлар ҳам гул-чечакларга бурканар экан.

Шунақа экан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, Ҳотам билан бирга унинг аёли Бувиш, ўғли Турсунмурод ҳам томга чиқиб тунайдиган бўлишипти. Томда тунашнинг ўзига хос гашти бўларкан. Тепада очиқ осмон, юлдузлар чарақларкан.

Ҳотам билан Бувиш олти фарзанд кўриб, уларни тупроққа топширишган, шундан юраклари зада бўлиб қолишган экан. Болалар туғилишар экан-у на кўз очишар, на чинқиришар, ўсал ҳолда Бувишнинг маммаларидан ошиб-тошиб кетаётган сутдан эма олмай митти юраклари беш-ўн кундан кейин уришдан тўхтаб қолар экан. Бу не синоат эканлигини доя хотинлар ҳам, фолбину қўшночлар ҳам била олмай доғда эканлар.

Турсунмурод уларнинг еттинчи фарзанди бўлиб, худди ўшанақа акалари каби туғилган экан. Эру хотин ирим қилиб, исмини шунақа қўйишишган экан. Эрта-ю кеч худога нола қилиб, кўз ёш тўкиб

Энди еттисидан бири бўлиб ёлғиз қолган мана шу жигарбандларидан айирмаслигини сўрашган экан. Мободо, борди-ю, шунақа бўладиган бўлса, энди уларда яшаш учун сабру қаноат ҳам, чидам ҳам, куч ҳам қолмаслигини айтишган экан. Ҳаттоки, Ҳотам, шунақа бўладиган бўлса бор худонинг борлигини инкор этишини, дўзаху жаннатини тан олмаслигини жаҳл устида айтиб юборган, сўнгра бу айтиб юборганларидан ўзининг кўнглига ваҳима тушиб остоная бош уриб йиғлаган, истиғфор айлаган, еру осмонни яратганга илтижолар қилиб, парранда-ю даррандалар, қурту қумурсқаларга ҳам жон баҳш этиб сахийлик кўрсатганда нега уни фарзанддан қисишини тушунолмай доғдалигини, мабодо гуноҳи бўлса унинг ўзини жонини олишини сўраган экан. Ўша куни уйқусида Бувишнинг тушига Қаратош ота қабри кирган экан. Қаратош ота қабри Қаратош ота қабристонида экан. У Майдончадан анча олисида бўлиб, буғдойзору бедазорлар орқали ўтиб борилар экан. Қабристонга кираверишда ер остидан зилол сув чиқиб ётган булоқ бор экан. Мана шу ерда ҳовуз қилиниб, ҳовуз атрофи толлар билан ўралган, зиёратга борганлар шу тол соясида ҳордиқ чиқариб, атаб олиб келган жонлиқларини сўйиб, шу ердаги бева-бечораларга тарқатишар экан. Қабристоннинг қадим деворлари остида вишиллаган-пишиллаган овоз чиқиб туарар экан, зиёрат кунлари қабристон қоровули Нематилло бобо девор кавакларига қатиқ қўйиб чиқар ва бирор билан гаплашаёттандек ўша кавакларга қараганча нималарни дар экан, илон билан гаплашар экан. У илонни ҳеч ким, ҳатточи Нематилло бобонинг ўзи ҳам кўрмаган экан. Аммо унинг қанақалигини, қандай тусда эканлигини аниқ билар экан, билар экан-у бирор сўраса, гапни бошқа ёқса бурар экан.

Шунақа әкан.

Шунақа бўлган әкан.

Шунақа қилиб, Ҳотам ва Бувиш зиёрат қилинадиган жума куни Қоратош ота қабристонига йўл олишибди. Ҳотам битта бичма улоқни елкасига ўнгариб кўтариб олипти. Бувишнинг қўлида чақалоқ Турсунмурод бор әкан.

Улар бепоён буғдойзор ўргасидаги ёлғизоёқ йўлдан ўта бошлипти. Буғдойзорнинг номи буғдойзор бўлгани билан бу ерда турфа ўсимликлар: бўтакўз, ялтирибош, сариқбош, наргиё ҳам қўшилиб ўсиб ётар әкан. Барча учун ризқ-рўз мўл әкан. Шу сабабли, бугдойзорни тўргайларнинг вижирлашлари, саъваларнинг сайраши, чумчукларнинг чурқиллашлари тутиб кетган әкан.

Бу турфа овозлар гўдак Турсунмуроднинг қулогига чалинипти, у ҳушёр тортипти, бу қушларнинг нима деяётганини тушунаётгандек кўзларини катта-катта очипти.

— Дадаси, — Бувишнинг ҳаяжонли товуши эшитилипти. — Ўғлингиз кўзини очди.

Бу хушхабар Ҳотамнинг кўзларидан дув-дув ёш оқизипти.

«Э, художон, — илтижо қилипти у бу хушхабарни қандай ҳазм этишни билмаётгандек. — Митти нокдек, митти олмадек, митти ёнгоқдек нарсаларга жон ато этиб, уларнинг ичига шунчалик ёқимли овозларни солиб қўйгансанки, саховатингдан ҳеч нарсани дариф тутмагайсан...».

Шунда қулоғига яна Бувишнинг овози эшитилипти:

— Дадаси, ўғлингиз осмонга қаради.

Ҳотам нимадир демоқчи бўлипти. Аммо овози чиқмапти.

«Э, художон, — бутун эътиборини яратганга қаратганча муроқабага киришипти у. — Осмон ҳам, осмонлар ҳам сеники, шу осмонингнинг бир четини кўришга имкон берганинг – бандангни ёрлақаганинг...».

Буғдойзор тугаб, бедазор бошланипти.

Бувишнинг қувончи ичига сифмас экан. Турсунмуродининг кўзларига термулар экан. Гўдагининг кўзлари осмондек беғубор экан. Кўз очмаган олтволоннинг кўзлари ҳам шунаقا бўлганмикан, деб ўйлаган Бувишнинг юраги гумирар экан, тошиб кетар экан, муnis кўзларидан оқиб бораётган ёшларни ўзи ҳам пайқамас экан.

Энди бедазор бошланипти. Буғдойзор олтиндек сарғайиб ётган бўлса, бедазор кўм-кўк экан, қараган одамнинг кўзи қувнар экан.

Улар бедазорнинг ўртасидан ўтган ёлғизоёқ йўлдан юра бошлашипти.

Олдинда бичма улоқни елкасига кўтариб олган Хотам юрипти. Улоқ бедани кўриб маърабди. Хотам энкайиб, беданинг тепа қисмидан, гулидан бир ҳовуч юлиб олиб улоқнинг оғзига тутибди, улоқ кавшанганча жимибди.

Шу чоқ ёлғизоёқ йўлнинг икки томонида иккита бедананинг икки хил овозда сайраши эшитилиб қолипти. Уларнинг икки хил овозда сайрашлари бежиз бўлмай, бири нар бедананинг овози бўлса, иккинчиси макиённики экан.

Висол иштиёқида ўртанган икки кўнгилники экан.

Бу талпинишнинг маъносини тушунгандай, беданалар сайрашиданми, бедазордан уфураётган ёқимли ифорларданми, Турсунмуроднинг кафтдеккина юзида, митти кўзларида кулгу-табассум ифодалари пайдо бўлипти.

— Дадаси, — Бувишнинг ҳаяжонли товуши эши-тилипти. — Үғлингиз кулди.

Бу хушхабар Ҳотамнинг қалбини шу чоққача ўзига номаълум хис-ҳаяжонларга түлғазиб юбо-рипти. Аввалига Ҳотам ўз қалбидан шунчалик түлқинланишлар, шунчалик тебранишлар бўли-ши мумкинлигига ҳайрон қолипти, ҳатто буларга дош беролмай қолмасмиканман, деб ваҳимага ҳам тушипти. Аммо шу ондаёқ қалбидаги бу нарсалар бежиз эмаслигини англаш, шукроналар келтирипти.

«Э, художон, — Ҳотам юраги кашф этган ҳайрат шукронасини яратганга етказишга ошиқипти. — Бе-дананинг нина учидек юрагига шунчалик ошуфтала-лик солган экансан-у, мен яна ўз ҳолимга ўзим ҳай-рон бўлиб ўтирибман-а?!».

Шунда қулоғига яна Бувишнинг овози эшити-липти:

— Дадаси, шошмай туринг, үғлингиз тамшан-моқда.

Ҳотам нимадир демоқчи бўлипти. Аммо овози чиқмапти.

«Э, художон, — теварак-атрофда ҳеч ким бўлма-са ҳам Ҳотам аёлининг гўдакка бермоққа тутинган яланғоч кўксини бегона кўзлардан пана қилмоқчи-дай бўлиб турити. — Баҳрамандлик ҳам сенинг марҳаматингдан».

Баҳрамандлик ҳам сенинг марҳаматингдан, депти Ҳотам.

Бувишнинг яланғоч кўксига шу чоқ жуда-жуда қарагиси келиб кетипти.

Унинг ҳидини бедазор ифорига қўшиб туйган-дек бўлипти.

Бувишнинг яланғоч кўкси бедазор ифорига қў-шилиб Ҳотамни масту мустағриқ қилипти.

Ўгирилиб қарашга ич-ичидан қанчалик кучли

истак тўймасин, Турсунмуродининг борлиги бунга изн бермапти, Ҳотам томоғи қуруқшаганча:

— Олдими? — деб сўрапти ҳаёт-мамоти шунга боғлиқдек.

— Олмоқчи бўляпти, — деган ҳаяжонли овози эшитилипти Бувишнинг.

Ҳотамнинг хотирасига беихтиёр никоҳнинг биринчи туни, уй ўртасига барча кўрпалар тўшалиб солинган тўшак келипти. Нега ногаҳон ҳаёлига бу келганига ўзи ҳам ҳайрон қолипти, балки Бувишнинг ҳаяжонли овози ўша тунни ёдимга солдимикиан, деб ўйлапти.

Ҳотамнинг кифтидаги улоқ маърапти.

У яна энкайиб бир қисим беда юлиб олиб улоқнинг оғзига тиқипти.

Улоқ тинчипти.

— Улоқни сўйишадими? — овози эшитилипти Бувишнинг.

Ҳотам унинг нега бундай савол берганига тушумабди.

— Улоқни курбонликка атадик, — дебди. — Сўйиб Қаратош ота қабристони атрофига келиб-кетиб юрувчи бева-бечораларга тарқатишиади.

Бувишнинг қувончи ичига сиғмас экан. Турсунмуродининг юз-кўзидағи тиниқ табассум-кулгу изларига термулар экан. Гўдагининг табассум-кулгуси шу қадар тиниқ ва соғ эканки, Бувишнинг ундан кўз узгиси келмас экан. Кўз очмаган олтovлоннинг табассум-кулгуси ҳам шунаقا бўлганмикан, деб ўйлаган Бувишнинг юраги гумирав экан, тошиб кетар экан, мунис кўзларидан оқиб бораётган ёшларни ўзи ҳам пайқамас экан.

Шунаقا экан.

Шунаقا бўлган экан.

Шунаقا қилиб, улар Қаратош ота қабри жой-

лашган қабристонга етиб келишипти. Одамлар булоқ бүйіда, ҳовуз теграсидаги тифиз ўстап толлар соясида гурух-турух бўлиб ўтиришган экан.

Улар узоқ-узоқлардан келишгандай экан.

Шу чоқ қабристон қоровули Нематилло бобо чиқиб келипти. Барваста, қандайдир ғалати тусдаги қизгиш соқолли бу қария күренишдан салобатли эса-да, шу қадар содда ва оқкүнгил киши эканки, қабристондан чиққан илонлар билан ҳам гаплашиб юраверар экан.

— Келаверинглар, — депти у зиёратчиларга қаратса. — Илон бор деб қўрқманглар, у чиққудек бўлса ўзим гаплашиб қўяман.

Илонлар тилини билган экан у.

Қоратош ота қабри қабристон ўртасида, дўнгликда экан.

Ҳаво осойишта, сокин экан.

Зиёратчилар Қоратош ота қабрига яқинлашгач, шамол турипти. Шамол ҳам одатдаги шамоллардан бўлмай, қандайдир ғалати тарзда увиллар, чийиллар, қайлардандир қандайдир муждалар келтираётгандек бўлар экан.

Шамол чанг-тўзон қўзғапти.

Бувиш гўдагининг юзини тўсмоқчи бўлган экан, Нематилло бобонинг, шамол туриб чанг-тўзон қўзғаса зиёратларинг хайрли кечгай, деган гапини эслаб қолипти ва бунда ҳам бир ҳикмат бўлса керак деб, ундай қилмапти.

Бу шамол ҳам, бу чанг-тўзон ҳам эру хотиннинг қалбларига аллақандай қувонч бағишилабди.

Қабрдан қайтишда озгина ёмғир севалаб ўтипти.

Бувиш гўдагининг юзини ёмғирдан тўсмоқчи бўлган экан, шунда қулоғига чалинган, худойим одамни тупроқдан яратища қирқ кун ёмғир ёғдирди, шундан ўттиз тўқиз куни қайғу ёмғири бўлди,

бир куни қувонч ёмғири бўлди, деган гапни эслаб қолибди ва ич-ичидан, худойим бу ёғдираётган ёмғиринг қанчалик давом этсаям боламнинг бошига фақат қувонч-шодлик келтирсинг, деб илтижо қилипти.

Севалаб ёғаётган ёмғирга қўшилиб унинг кўзёшлари тўкилипти. У Қоратош отанинг рухи қўллаб-қувватлашига чин дилдан ишонипти. Негаки, бу ерларга шу Қоратош ота илк бор қадам босиб келган, турнакўз булоқли, серўт яйловларни танлаб кўр ташлаган экан. Унинг рухи қўллаб-қувватлаши шундан экан.

Ўша куни улар яна пастга тушиб, ҳовуз бўйидағи тол соясида бошқа зиёратчилар қаторида ўтиришипти.

Бувиш булоқдан тўйиб-тўйиб сув ичипти.

Турсунмурод эса унинг қўксидан тўйиб-тўйиб эмиби.

Шунақа экан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, кунлардан бир куни майдончаликлар орасида вахимали миш-меш тарқаб, гитлерми-митлерми деган битта чулчут подшосининг миясига тўлиб кетган илон захри ўз ишини қилгани, энди у миясидан ана шу заҳарни чиқариб ташламаса бўлмаслиги ҳақида шов-шувлар тарқаганда Турсунмурод ўн етти ёшга тўлиб ўн саккизга қадам қўйган, туман марказидаги интернат-мактабни тугатиб, ота-онасининг етти ухлаб тушига кирмаган гапларни топиб гапирадиган бўлган экан.

Ўша куни томётоққа чиқиб ётишганда у тумандан патефон деган бир нарса кўтариб келиб, ота-онасига қўйиб берипти. Патефондан Тамараҳонимнинг қўшиғи янграй бошлапти. Шунда Бувиш,вой ўлмасам,вой ўлмасам, деганича ёқаси ичиға туф-

лай-туфлай, ортта тисарила-тисарила том қирғоғига етиб борганини пайқамай қолган, Ҳотам уни ушлаб олмаганда орти билан томдан қулаб тушиб асфало-софинга жұнаб юбориши ҳам ҳеч гап бўлмаган экан.

— Эсингни едингми? — олтovлонни тупроққа топширгани учун Ҳотам Бувишнинг күнглига қараб, юмшоқ гапириб юрган бўлса-да, ҳозир койиб юборищдан ўзини тия олмапти. — Энди одамлар орасида фалончи томдан йиқилиб ўлипти, деган гап тарқалсинми?

— Анавингиз... — кўрқа-писа патефон томон қўй чўзиб кўрсатипти Бувиш, — одамни кўрқитиб юборди.

— Нимасидан қўрқасиз, эна? — дебди Турсунмурод кулиб. — Бу, ахир, патефон-ку?

— Ўлси-ин... ичига жин кириб олган.

— Бу жин эмас, — дебди Турсунмурод патефоннинг сирини қандай тушунтиришга боши қотгандай бўлиб.— Бу қўшиқчи, лапарчи.

— Қўшиқчи, лапарчи бўлса ўзи қани?

— Ўзи йўқ, овози ёзид олинган.

— Ўзи бўлмай овози чиқса жин-да, — дебди Бувиш бўш келмай.

Турсунмурод у деса Бувиш бу дебди, Турсунмурод бу деса Бувиш у дебди, унга патефон нималигини тушунтиришнинг ҳеч имкони бўлмабди.

Шунда Ҳотам аралашиб:

— Ўғлим, қўй шу патефон-матефонингни, Майдончада эртага энантга ўхшаган битта-яримтаси қўрқанидан шайтонлаб-пайтонлаб қолса балога қолиб юрасан, — дебди.

Турсунмурод кулиб қўйибди.

Шу тун улар томётоқда тунашибди.

Бир маҳал Турсунмурод осмонга термулиб ётганча:

— Ота, фашистлар уруш бошлашса мени ҳам фронтга олиб кетишица керак, ахир ўн саккизга кирдим-ку, — деб қолибди.

Бу гапни эшитган Бувиш патефондан чиққан товушдан қўрқанидан ҳам баттар қўрқиб кетибди ва иргиб ётган жойидан туриб кетаркан:

— Сени нега урушга олиб кетишиади? — дея ваҳима аралаш бақирибди. — Йўқ! Мени ҳеч кимга бериб қўядиган болам йўқ... олтитасини бердим, мени ҳеч кимга бериб қўядиган болам йўқ!

Бувиш варажга тутгандек қалтирай бошлапти, ўзида бўлмай қолипти, ўзини йўқотипти.

Хотам уни амаллаб тинчтипти.

Турсунмурод нима қиларини билмай қолипти.

Бувиш увиллаб нола қила бошлапти.

Шу туни унинг ноласи қишлоқдошларига эшитилипти.

Бувишнинг... онанинг ноласи ўшанда илк бор қўкка таралиб, шу-шу тинмаган экан.

Шу-шу Бувишнинг, йўқ, Бувиш энанинг афсонаси бошланган экан.

Унинг ноласи Хотамнинг юрагини ҳам эзиб юборипти.

Ахийри, у ниманидир ўйлаб топгандек жойидан турибди-да:

— Бувиш, ўғлингни ҳеч ким ҳеч қаерга олиб кетолмайди, — депти.

— Сиз қайдан биласиз, унинг ўзи ўн саккиз ёшга тўлдим дәяпти-ку.

— У ўн саккиз ёшга тўлса ҳам, ўн тўққиз ёшга тўлса ҳам, йигирмага кирса ҳам сенинг олдингдан жилмайди.

Шунда Турсунмуроднинг ҳам кўнгли ниманидир сезгандек бўлиб:

— Ота, — депти. — Отажон! — депти. — Бу нима деганингиз? — депти.

— Бу шу деганим, — депти Ҳотам. — Биз сени буғдойзор оралаб олиб ўтдик, биз сени бедазор оралаб олиб ўтдик, биз сени энди уруш оралаб олиб ўтолмаймиз. Сен онангни ёнида қоласан, урушга мен кетаман...

— Отаси... — деб қолипти Бувиш.

— Бундай қылманг, отажон, — депти Турсунмурод. — Мен турганда сиз нима қиласиз? Ахир, мени бекорга буғдойзор оралаб олиб ўтдингизми, отажон, ахир мени бекорга бедазор оралаб олиб ўтдингизми, отажон.

— Ўғлим, — Бувиш бу гапларга чидолмасдан ўзини Турсунмуроднинг кўксига отибди.— Буғдойзор оралаб ўтганда сенинг осмондек қўзингни кўрдим, бедазор оралаб олиб ўтганда беғубор кулгунгни эшитдим.

Ўша тунда ҳеч қайсиси мижжа қоқмай осмонга, юлдузларга термулиб ётишипти.

«Э, худо, уларнинг кўнглига инсоф сол, — дея ўйлапти Бувиш. — Уруш бошланмасин. Тилаб-тилаб олган ёлғиз ўғлим кетиб қолса мен нима қиласан? Ўғлим қолиб отаси кетиб қолса биз нима қиласиз?».

«Э, худо, уруш бошланиб ўғлимиз кетиб қолса мен ҳам, онаси ҳам бир кун ҳам яшолмаймиз, — деб ўйлапти Ҳотам. — Яхшиси мен бориб, ўз хохишим билан кетсам, ўғлим шу ерда қолади. Мен кетсам, ёлғиз онасининг қаровчиси бўлган ёлғиз ўғил деб уни аскарликка олишмайди. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Пешонамда бўлса қайтиб келарман».

«Ота-онам мени шу ёшга етказиб кийинтириб бокди, — деб ўйлапти Турсунмурод. — Мен аввалроқ бориб ўз хохишим билан кетсам, отам қолади».

Улар шу тариқа хаёл суро-суро саратон осмонини бўзартиришипти.

Шу бўзарган тонгда Қоратош ота қабристонида кўз кўриб, қулоқ әшитмаган ҳодиса содир бўлипти. Қабристон қоровули Неъматилло бобо қўхна деворлар остига қатиқ қўйиб, тинчлантириб юрган илон ташқарига чиқиб келипти. Унинг танаси қизғиш аралаш яна аллақандай ғалати тусда товланиб туармиш, девор остидан бош томонидан бир қисмигина чиқиб туарар, улоқчи отнинг белидек йўғонликдаги танасининг қолган қисмининг қанчалиги номаълум, қанча бўлсаям ҳали девор остида эмиш. Бу чоқда Неъматилло бобо жудаям қариб мункиллаб қолган, тушларида нималарни дир алаҳсирап, тушидаям, ўнгидаям ўзининг на у дунёдалигини, на бу дунёдалигини билолмай ҳалак бўлар, уни кўргани киргандарни ҳам баъзан таниб, баъзан танимай қоларкан.

Қоратош ота қабристони девори остидан баҳайбат илоннинг бу тарзда чиқиб келаётганини қўрган қабристон қоровуллариям, зиёратчилар ҳам тумтарақай бўлишипти. Бу илон бир бошини чиқардими, энди чиқиб келмаса қўймайди, дейишипти. Шу теваррак-атрофдаги қишлоқларда яшаётгандар қўнглига ваҳима тушиб қолипти. Улар энди нима қилишларини билишмасмиш. Маслаҳат сўраб Неъматилло бобонинг олдига боришипти. Неъматилло бобо уларнинг гап-сўзларига пича қулоқ солиб турипти-да:

— Илоннинг инини қўзғашипти-да, — деб қўйипти.

Ўша куни Ҳотам ўрнидан туриб кийинганча аллақаёққа жўнатти.

Қаёққалигини айтмапти — у жуда дамдўз, индамас бўлиб олганмиш.

Отасининг уйда эмаслигидан фойдаланиб, Турсунмурод ҳам кийинганча аллақаёққа жўнатти.

Онасининг сұраб-сурштиришларига жүяли жавоб айтмапти — унинг күзларида аллақандай ўт ёнармиш.

Шу кундан бошлаб Хотам қандайдыр үйчан бўлиб қолган, бир бурчакка тикилгани тикилган, аҳён-аҳёнда ўғлига:

— Онангни эҳтиёт қил, — дер экан.

Турсунмурод эса аксинча, ўтиргани жой тополмай қолгандек хурсанд, бир гапириб ўн кулармиш. Хотам, ҳаттоки, ҳайрон бўлипти, мен ўз хошишим билан урушга кетаётганимни пайқаб, шу қадар хурсанд бўляптимикан, деб ҳам ўйлапти.

Аммо гап бошқа ёқда экан: ота ўғлига билдирамай, ўғил отага билдирамай ўз хошишлари билан урушга кетишни истаб ариза ташлаб келишган экан.

Уларнинг бу қилифи Бувишнинг шўри бўлган экан.

Шўргинаси бўлган экан онаизорнинг.

Шунаقا экан.

Шунаقا бўлган экан.

Шунаقا қилиб, орадан бир-икки ҳафта ўтар-ўтмас, Хотам фронтга жўнабди. Турсунмурод ҳайрон эмиш. Бу бўлиши мумкин эмас, деб ўйлармиш. Аммо отаси у билан хайрлашаётганда ҳамма сирни ошкор қилибди:

— Ўғлим, онангни деб шу ишни қилдим, олтволонни ерга берган онангни деб шу ишни қилдим, — депти.

Турсунмурод индамабди. Нима қилишни билмай боши қотигти. Ахир, энди у қанақа қилиб ўз аризасини қайтариб олади? Йигит лафзи қайда қолади?

Орадан кўп ўтмай кўнгиллилар қаторида Турсунмуродни ҳам фронтга олиб кетадиган бўлишипти. Бувиш ҳайрон экан. Ахир Хотам айтувди-ку, мен кетсам Турсунмурод қолади, иккимиздан бири-

миз қоламиз, қонун-қоидаси шунақа девди-ку. Шунда Турсунмурод барча сирни ошкор қилипти:

— Она, мободо отамни урушга олиб кетиб қолишмасин деб мен шу ишни қилувдим, — депти. — Ахир үғил турганда ота жангта киармиди?

Бу гап Бувишни лолу ҳайрон қилиб қўйипти.

Ота-бала иккисиям бир-бирини айман деб бир муштипарнинг икки қўлини бир тепа қилганча урушга жўнашипти.

Кўп ўтмай, айни қиши чилласида Бувиш ёстиқ дошидан қорахат олипти.

Ўша чоғларда қорахат деганларининг кеълиш йўли жуда мусибатли бўлар экан. Қиши-қировли, қаҳратон кунларда кўз илғамас чексизликларни, қир-адирларни қоплаган оппоқ қор музлаб ётар экан. Бу муз ҳеч эрий демас экан. Негаки, осмон канораларида бетиним равишда тўпланиб турувчи қўрғошин булутлар ортида қуёшнинг йўқолиб қолганига аллақанча вақтлар бўлган экан.

Қуёш йўқолган экан.

Йўқолган қуёш деган гаплар ўшандан қолган экан.

Туркистон тизма тоғлари туману булутлар қуршовида, қорга бурканганча уйқуга кетган экан. Токи тоғлар уйғонмас экан, бошқалар ҳам ғафлат оғушибдан қутулолмас экан. Бу бор гап экан, бу бўлган гап экан.

Шунақа қилиб, азал-азалдан Туркистон тизма тоғлари этагида юзлаб қишлоқлар сочилган экан. Кенагас, Иторчи, Мужун, Қизили, Ҳўжақўргон, Яхтан, Тўққизчелак, Қипчоқ, Қўшкент, Увок, Қўштоир, Лакат, Яккабоғ, Манғит, Болғали, Үроқли, Қайирма, Қарапчи, Кўчкина, Бўраган (Бўриеган), Сават, Жарқўргон, Қўргонча, Янгиқишлоқ, Янгиариқ, Янгиқўргон, Мўғул, Оққарчиғай, Чўянчи, Тарнов, Овчи,

Уяс, Бобурчак, Тут, Тапқоқ, Баландчақир, Суркат, Варсик, Чорбоғ, Хұжаҳо, Басманда, Даҳкат, Ростропут, Муряқ, Угук, Фазантерак, Сароби, Обжувоз, Пожинданқ, Пашиши, Пошкент, Сұфиориф, Сепула деган қишлоқларнинг тұғрисүз, содда, мард ва танти кишилари қатори майдончаликлар ҳам урушга кетишган экан. Шунинг учун бу қишлоқлар хувиллаб ётар экан.

Эрталаб туман марказидан қирчанғи бир от қүшилған арава йўлга чиқар экан. Бу араванинг ичита похол солинган экан. Мана шу похол устида кенагаслик Исмат почтачи ўтирар экан. Унинг этнида эски аскарча шинел, ўнг енги шалвираб турар экан, у урушга бориб дастлабки жанглардаёқ ўнг қўлидан ажраб келган экан. Исмат почтачи эрталаб туман марказидаги почтахонадан хатларни олар экан, кейин уларни то Кенагаста етгунча йўл-йўлакай қишлоқларга кириб тарқатиб кетар экан. Хат-хабар келмаган қишлоқларга тўхтамас экан. Жа-а тўхтаса отига ем беришу ўзи бирон нима тамадди қилиб олиш учун тўхтар экан.

Шунақа экан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, у аравада келатуриб баъзан мудраб қолар экан, баъзан қор кўрпаси остида буқчайиб ётган тепаликларни таниб қолар экан. Шаталоқ отиб юрганларини эслаб қолар экан. Шунда урушда, минглаб чақирим олисларда қолиб кетган ўнг қўли дарҳол шинелининг шалвираб турган енги ичига кириб олгандек бўлар экан, енгини тўлғазгандек бўлар экан, ҳаракатта келиб қолар экан. Нималарнидир ушлагиси келиб қолар экан минглаб чақиirimлар олисларда қолиб кетган ўнг қўли. Унга нималарнидир шипшигандек бўлар экан. Нима, мени ёдингдан чиқардингми, дегандек бўлар экан.

Шунда Исмат почтачининг күз ёшлари ўз-ўзи-дан қуиилиб келаверар экан.

Минглаб чақирилмалар олисларда қолиб кетган ўнг құли билан ғойибона тарзда гаплашгиси келиб қолар экан.

«Сени нега унутай, — дер экан аскарча шинелининг шалвираб турған ўнг енгини чап құли билан охиста силаганича Исмат почтачи. — Сенинг тупроғинг олисларда қолган, аммо рухинг ҳамиша мен билан бирга-ку? Сенинг қонинг, сенинг суягинг олисларда қолиб кетган, аммо ҳамиша илгаригидек кафтиндаги чизикларга боқиб очық йўллар қидираман, унинг жимирлашини, унинг қичишишини ҳис этиб тураман, сени нега унутай, ўнг құлим?».

Шунда изғириин оралаб олис-олислардан бир сарин ел ўтиб қоларкан. У Исмат почтаига нималарнидир шипшиб ўтгандек бўлар экан. Исмат почтачи нималарнидир туйгандек, нималарнидир ҳис этгандек бўларкан — аскарча шинелининг шалвираган енги қимиirlаб қолар экан, унга жон битгандек бўлар экан.

Шунақа экан Исмат почтачи.

У шунақа экан.

Шунақа қилиб, бир куни Майдонча тепалигига чиқаверишдаги катта ёнғоқ дарахти остида аравасини тұхтатипти. Бу дарахт намунча тарвақайлаб кетган бўлмаса, дегандек тепага, қарғалар қўкракларини изғиринга тутганча ўтирган яланғоч шохларга фаромушланиб боқибди.

Шунда баланд шохда ўтирган каттакон қарға баланд овозда қағиллаб юборибди, бу қарғанинг қағиллаши унга:

— Бу ерларда нега адашиб юрибсан? — дегандай бўлиб туюлибди.

Негаки, бу қарға бежиз қарға бўлмай, одамзодга

майиитни күмишни ўргаттан қарғанинг авлоди экан, юз йигирма йил аввал уни ёнғоқзорда бир киши ушлаб олиб құлға ўргатмоқчи бўлган, унга Шоҳид деб исм қўйган, шу исм билан чақирган экан. Анча вақт унга ғамхўрлик қилган экан, кейин ўзи тўсатдан бетбланиб қолиб қарғани қўйиб юборган, қўйиб юбораётиб:

— Шоҳид, менинг келгуси авлодларимдан ҳам хабардор бўлиб юр, — деган экан.

Шу-шу Шоҳид исмини олган бу қарға ҳамма нарсадан хабардор экан, ўзига меҳрибонлик қилган киши Ҳотамнинг бобоси эканлигини ҳам у яхши биларкан. Яхши билгани билан фойдаси йўқ, ҳеч нима айтолмас экан, ўзининг бип-бинойи Шоҳид исмини ҳам одамлар унутиб юборишганига ҳайрон қолар экан. Шунақа қарға экан бу қарға.

Исмат почтачи ҳали-ҳануз фаромуш ҳолда Шоҳиднинг саволига қандай жавоб берсам экан деб боши қотиб турган экан, унинг ёнидан қандайдир бир қария ўтиб қолибди ва унга бошдан-оёқ тикилиб:

— Қарғалар бу йил жуда кўп келишди, — дебди.

Исмат почтачи унинг бу гапини бош ирғаб маъқуллабди.

— Бу ернинг одамига ўхшамайсиз, — дея ўсмокчилабди ҳалиги қария.

— Кенагасликман, — дебди Исмат почтачи.

— Ҳа, Кенагасда тераклар кўп эди, — дебди қария.

— Кесилиб кетган, — дебди Исмат почтачи ҳафсаласизлик билан.

— Биздаям кўп дарахтлар кесилиб кетди, — дебди қария. — Қиши қаттиқ. Нима ёқишини билмайди одам. Мол-ҳоллар ҳам тезакламай қўйди, — кейин у

аравага қўшилган отга эътибор бериб. — Буям бир маҳаллар улоқчи от эди-я, — дебди.

— Ҳа, шунақа эди, — дебди Исмат почтачи унинг гапини тасдиқлаб. — Уни Туроб чавандоз минарди.

— Туроб катта чавандоз эдй-ю... — чайналибди қария гапининг давомини айтиш-айтмаслигини ўйлаб кўраётгандек, кейин нима бўлса бўлар, дегандек қўл силтаб, — фақат бирорларнинг отини чопиб ўтди-да, ўзи отга ёлчимади, — дебди.

— Кенагасда катта чавандозлар отга ёлчимаган, — дебди гапни қисқа қилиб Исмат почтачи.

— Шуниси чатоқ, — дебди қария, кейин туйқусдан эсига нимадир тушиб қолгандек. — Бу ерларда юрибсиз? — дея саволомуз нигоҳ билан унга боқибди, унинг бу гапи ҳали қулогига чалингандек туюлган қарғанинг овозига ўхшаб кетибди — фақат, қарға барибир қарға-да, одамга ўхшаб андиша қилиб ўтирумай дангалига сўрайди қўяди, кейин қолаверса, унинг нигоҳида қайвақт қандай маъно бўлишини ҳеч қачон пайқаб бўлмайди.

Қариянинг оғзидан шу кейинги гап чиқиши биланоқ ёнғоқ шохидаги қарғалар «қағ-қағ»лай бошлишибди.

Исмат почтачи яна бошини кўтариб қарабди.

Баланд шоҳда ўтирган Шоҳиднинг қағиллаган овози бошқалариникини босиб кетгандек бўлибди.

Бу чоқда қария ҳам бошини кўтариб тепага қараган экан, қарғалар туйқусдан, аввалдан келишиб олишгандек қағиллашни бас қилишибди.

Қария яна Исмат почтачига қарабди.

— Кенагасликман дедингиз-а? — деб сўрабди неғадир ранги қути учганча.

Исмат почтачи бош иргабди.

— Мободо Исмат почтачи эмасмисиз? — деб

сұрабди қария шунақа бўлиб чиқмаслигини ич-ичидан истаётгандек.

Исмат почтачи яна бош иргабди.

— Айтдим-а?! — дебди қария аввалдан хавотир олиб юрган қандайдир нохуш воқеанинг устидан чиқиб қолгандек. — Шунақа бўптиими?

Исмат почтачи яна бош иргабди ва қўзларига қалқиб келган ёшни яшириш учун тепага қараган экан, шу ондаёқ қарғалар басма-басига қагиллай кетишиби.

Қария нима қиласини билмагандек:

— Ким экан? — деб сұрабди.

— Хотам, — дебди Исмат почтачи. — Хотам Отакулов.

— Бечора Бувиш, — дебди қария.

— Энди нима қиласиз? — дебди Исмат почтачи.

— Энди мен борай, — дебди қария.

— Хўп, энди сиз боринг.

Қария қишлоқ жойлашган тепалик йўлида аста-секин ўрлай бошлабди. Исмат почтачи шу ерда кутиб қолибди. Бу чоқда қарғалар овози тиниб, улар кўкракларини изғиринга тутганча нега бунчалик узоқ умр кўришга маҳкум этилганликларининг сирини ўйлаб, чуқур мулоҳазага берилгандек кўринишаркан.

Шунақа экан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа бўлар экан.

Шунақа қилиб, бир маҳал тепаликда бир қора кўринипти. Бир қора эмас, бир шарпа кўринипти. Бир шарпа эмас, бир соя кўринипти. Бир соя эмас, бир рух кўринипти. Бувиш деганлари шу экан. Боёғишининг ёноқлари ичига ботиб, соchlари оппоқ оқариб кетган экан. У йўлга қарамай, қор демай, муз демай, оёғи остида нима бор-йўқлигини фарқламай Исмат почтачи томон келмоқда эди.

Йўл-йўлакай:

— Мен сени буғдойзор оралаб олиб ўтганимда кўз очган эдинг, — дер экан.

Изғирин унинг юз-кўзларига ифна санчиб ўтар экан, аммо у буни пайқамас экан, шамол унинг кўйлакларини тортқилар экан, аммо у буни пайқамас экан, бир-бирига ёпишиб қолгудек бўлган лаблари орасидан:

— Мен сени бедазор оралаб олиб ўтганимда тамшантан эдинг, — деган сўзлар тўкилар экан.

У аравага етиб келибди.

Исмат почтачи унинг кўзларига боқолмабди.

Унинг олис-олисларда қолиб кетган ўнг қўлининг кафти жимирилабди, мук тушиб қолган мана шу боёқишининг елкаларидан кўтариб олмоқ истагида жимирилабди Исмат почтачининг олис-олисларда қолиб тупроққа айланиб кетган ўнг қўлининг серчизиқ кафти.

— Мен уни... — пицирлабди Бувишнинг қуруқшаган лаблари.

Исмат почтачи аравасини келган йўлига қайтара бошлабди.

— Мен уни... — мангу ғуссага ботган, мангу мунг чўккан Бувишнинг кўзларидан шашқатор ёшлар оқибди.

Исмат почтачи аравага миниш олдидан ерга тасодифан тушириб қолдиргандек бир хат тушириб қолдирибди ва қирчангининг сағрисига қамчи уриб:

— Чух, падарланъат! — дебди.

Бир маҳаллар кўпкариларида юлдузларни кўзлаб энди қирчангига айланган улоқчи от қадам болсомабди, туёғига ботмон тош осиб қўйилгандек оёгини кўтаролмасмиш.

Аммо Исмат почтачи унинг бу ахволига қараб

үтирадиган ҳолатда әмас әкан. Қамчисини құтариб яна унинг сағрисига тарсиллатиб урибди.

— Чух, падарланъят!

Шундагина қирчанғи жойидан құзғалиби. Унинг күзларидан бир-икки томчи думалабди.

Арава үрнидан силжигач, Исмат почтачи тушириб қолдирған хат йўл устида яққол кўзга ташланибди.

Қорахат деганлари шу әкан. Бир шапалоқ қофоз әкан. Аммо еру кўкни ларзага келтира олар әкан. Ёнғоқ шохидаги қарғалар Исмат почтачи тушириб қолдирған хатнинг қорахат эканлигини сезгандек гоҳ басма-басига қағиллашар, гоҳ сукутга кетгандек жимиб қолишар әкан.

Бувиш ҳамон мук тушганча үтирап әкан.

Шу чоқ тепаликда бир қур одамлар пайдо бўлишибди. Чоллар, кампирлар, хотин-халажлар, бола-бақралар. Улар орасида Исмат почтачи билан таплашган ҳалити қария ҳам бор әкан.

Улар пастга тушиб келишибди. Ораларида хатта тушунадиган бир киши бор әкан. Шу Исмат почтачи тушириб қолдирған хатни йўл устидан олибди. Очиб, барчага ўқиб берибди. Ўқиб бераётib, ўкраб юборибди.

— Хотам акамиздан айрилиб қолибмиз, — деб ўкраб юборибди.

Шу чоққача хуши ўзида бўлиб турган Бувиш энди бунисига чидай олмабди. «Шилқ» этиб ўзини ташлаб юборибди. У хушидан кетган әкан. Ҳамқишлоқлари уни қўлларида құтариб олиб кетишибди. Улар жуда ҳамжиҳат эканлар. Оғир кунлар, бошларига тушган кетма-кет мусибатлар, айрилиқлар, ғам-кулфаглар уларни шунаقا қилиб қўйган әкан. Шунаقا бўлар әкан. Одамзод кўнгли ҳилвираб қолган кезларида, далва-далва бўлиб кетган чоқларида яратганга яқин-

лашар экан. Яратилмиш онларида ҳаёт уфқидан қадам ташлаб чиқиб келаётган одамзоднинг қалбига жойланмиш хиссиётлар шундан иборат бўлган экан, шундан иборат бўлгач шундай бўлиб қолар экан, унинг манмансираган кезлари чақалик аҳамиятсиз экан, зулматга йўғрилган қоп-қоронғи тунларнинг бирида у туйқусдан чўчиб уйғонар экан, бошини ушлаб қолар экан, кўксини ушлаб қолар экан, ана шу ондан бошлиб унда ёруғлик бўй кўрсатар экан.

Шунаقا экан.

Шунаقا бўлгач, шунаقا бўлар экан.

Шунаقا қилиб, боёқиши Бувиш ўзига келгач, анча фурсаттагача нима гап-сўз, нима воқеа-ҳодиса бўлиб ўтганини фаҳмлай олмай, бунга ақли етмай ётибди. Кейин аста-секин тасаввурнида бўлиб ўтган воқеалар жонлана бошлибди, қулоқлари остида қарғалар қағи́ллаши эшитилгандек бўлибди. Ахийри аллакимнинг ёстиқдоши номини тилга олиб дод согани ҳам эсига келибди.

Унинг бошида турганлар:

— Ана-а, ўзига келди, — дейишибди.

— Ўзингни қўлга ол, Бувиш, — дебди қадрдан овозлардан бири.

Бувиш нима гап-сўзлигини буткул эслабди. Мана шу, ўзингни қўлга ол, Бувиш, деган гап эшитилмаганда ўзини яна ташлаб юборай деб турган экан, қайтиб кўз очиши ҳам гумон бўлган экан. Шу гапни эшитибди-ю, дарҳол кўз ўнгига буғдойзор, бедазор жонланибди. Мен кетиб қолсан Турсунмуродимни ким кутиб олади, мен ҳам кетсан, ҳам отасидан, ҳам онасидан айрилган жигарбандим бу дунёда қандай чидайди, деб хаёл қилибди. Ёстиқдан амаллаб бoshини кўтарибди.

— Сув, — дебди.

Унга дарҳол сув тутқазишибди.

У бир қултум сувни оғзига олиб, ютолмай турған экан, күз ўнгидә буғдойзор оралаб ўтишәётганиңда гүдагининг күз очгани жонланиб, мен кетсам уни ким кутиб олади, деган хаёлни кечирибди ва амаллаб қултум сувни ютибди. Күзларига нур ингандай бўлибди.

Унинг бошида турғанлар бир-бирларига қарашибди. Нур инган кўзлар нон сўрагандай бўлипти. Аммо нон йўқ экан. Нон ўрнига кўмач бўлган экан. Унинг оғзига шу кўмачдан тутишибди. У бу луқманни ҳам ютолмай анча вақт оғзида айлантириб турибди, ҳатто қайтариб ташламоқчи ҳам бўлибди, ичидан уни шунга даъват этиб бир қуч ҳам келибди, ўқчиб юборишига озгина қолиб, кўзларини юмибди. Кўзларини юмган заҳотиёқ бедазор оралаб ўтишәётгандага гүдагининг тамшангани ёдига тушиб кўмач-луқмани ютиб юборибди. Юзига қон югургандай бўлипти.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа бўлар экан.

Шунақа бўлипти.

Шунақа қилиб, бир-икки кунда у оёққа турипти. Ирим-сиримини қилиб, ёстиқдошининг маъракасини ўтказипти. Энди у туну кун Турсунмуроддининг эсон-омон қайтиб келишини худодан тилай бошлипти.

«Эй, художон, — дер экан у қулбасида ўзининг ёлғиз эмаслигига ишонган куйи овозини чиқазиб сўзлаганича. — Олтөвлонни олдинг-а, отасини олдинг-а, энди шу ёлғизимни қолдирмайсанми? Шуни ям олсанг, мени нега яратдинг? Шунчалик азоб-уқубатларга ташлаш учунми? Бир мартагина марҳаматингни дариф тутма, художон. Мен уни буғдойзор оралаб олиб ўтаётib илитижо эттанимда марҳамат қилган эдинг, мен уни бедазор оралаб олиб ўтаётib

ильтіжо этганимда марҳамат қылған әдинг – әнди ёдінгдан чиқарма, художон! Үша буғдойзор оралаб үтган дардмандинг мен – Бувиш әдім, үша бедазор оралаб үтган хастанг мен – Бувиш әдім, әнди ҳам раҳминг келсин, художон!»

Мана шу ильтіжолар Бувишни әнди Бувиш әнага айлантирипти.

Бувиш әна ким десалар ана шу ильтіжолар одамларнинг ёдига тушадиган бўлипти.

Сочлари кумушдек, кўллари ток зангиdek Бувиш әна ёлғизи йўлига интизор бўлипти.

Шунақа бўлипти.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, Бувиш әна туну кун ёлғиз ўглиниг омон қолишини худодан тилаб ильтіжо қилиб ёлвораётган кезларида Турсунмурод ҳам жангда ҳалок бўлган экан. У отасининг қайга, қай манзил-мароҳилларга йўл олганини билмай туриб ўзиям үша ёққа кетган экан. Мободо, борса шахидлар бориши муқаррар бўлган беҳишт боғларида отасини учратиб қолса ҳайрон бўлар экан.

«Ота, отажон, сиз бу ерларда нима қилиб юрибсиз?».

«Бу ер мен сени онанг билан олиб үтган буғдойзоримиз, болам?!».

«Ота, отажон, сиз бу ерларда нима қилиб юрибсиз?».

«Бу ер мен сени онанг билан олиб үтган бедазоримиз, болам?!».

«Ота, отажон, унда нега онамни кўрмаяпман?».

«Сен кўз очишинг билан онанг ўзининг қувончи ортидан эргашиб кетди».

«Ота, отажон, унда нега онамни кўрмаяпман?»

«Сен тамшанишинг билан онанг ўз ҳиссиётининг ортидан эргашиб кетди».

Шунда шаҳид жанғчи яна норасида чақалоққа айланар әкан.

Шунда норасида чақалоқ яна күз очмоққа талпинар әкан.

Шунда шаҳид жанғчи яна сабийлигига қайтар әкан.

Шунда бегуноҳ сабий бешигига талпинар әкан.

Бешиги тепасида беҳол суяңган онани күраркан.

Бешиги тепасида милтираган юлдузларни күраркан.

Бешиги тепасида хиралашиб бораёттан ойни күраркан.

Бешиги тепасида сұнаёттан қүёшни күраркан.

Эврилмоқда бўлган дунёни күраркан бешиги тепасида.

Шунақа әкан.

Шунақа бўларкан.

Шунақа қилиб, Ислам почтачи туман марказидаги катта почтахонадан эгасига әлтиб бериши керак бўлган қорахатни олганида күз ўнгига дарҳол тепаликда жойлашган мўъжазгина қишлоққа чиқаверишдаги ёнғоқ дарахти, унинг шохидан жой олишган қарғалар, энг тепа шоҳда кўксини изғиринга тутиб ўтирган энг катта қарға келибди. Ўша катта қарғанинг қагиллаши асносида қулоғига урилгандек туюлган дағал савол яна қулоқлари пардасини тешиб ўтиб миясини зингиллатиб юборгандек бўлибди. У бошини ушлаб қолибди.

«Сизга нима бўлди, ўртоқ?».

«Ҳеч нима, толиқибман, шекилли».

«Сизга толиқиши мумкин эмас».

«Ҳа, албатта, менга толиқиши мумкин эмас».

«Ҳали бундай хатларнинг кети узилмайди».

«Мен уларни очмай йўлларга ташлаб кетаман».

«Ҳали бундай хатларнинг кети узилмайди».

«Қор босган тепаликдан тушиб келиб, мук тушган аёлни кўрдим».

«Ҳали бундай хатларнинг кети узилмайди».

«Унинг ўзи ёш бўлса-да, соchlари оппоқ оқариб кетган эди».

«Ҳали бундай хатларнинг...».

«Унинг қор устидаги тиззалари титраганини пайқар эдим».

«Ҳали бундай хатларнинг...».

«Унинг нигоҳидан қарғаларнинг ҳам нафаси ичига тушиб кетган эди».

«Ҳали бундай хатларнинг...».

«Менинг олис-олисларда қолган ўнг қўлимнинг кафти унинг пешонасига текканини хис этдим».

«Ҳали бундай хатларнинг...».

«Менинг тупроққа айланган ўнг қўлим шундай меҳрибонмиди?».

«Ҳали бундай хатларнинг...».

Шу чоқ Исмат почтачи яна, сизга нима бўлди ўртоқ, деган саволдан чўчиб ўзига келибди. У бошини чангallаганича аллақандай хаёлга берилган экан. Қорахаёл экан. Ҳаммаси қора экан. Хаёл қора экан. Хат қора экан. Қушлар қора экан. Исмат почтачи қора хаёлга берилган экан, шунинг таъсирида ўзига-ўзи ичида, ич-ичида гапириб ўтирган экан, аслида ичи ҳам қоп-қоронғи экан, ана шу қоп-қоронғи ичида ана шундай қора сухбат бўлиб турган экан.

Сизга нима бўлди ўртоқ, деган саволдан чўчиб ўзига келган Исмат почтачи бошини кўтариб қараса, тепасида қоп-қора соч-соқолли қоп-қора бир киши қоп-қора кўзларини унга тикиб турган экан. Исмат почтачининг қора сухбат таъсирида ўтираверғани унда хавотир уйғоттан экан, шунинг учун қандайдир қора воқеага ишора қилаётгандек:

— Тезроқ ҳаракатингизни қилиб борадиган жойингизга бориб олмасанғиз ҳадемай қоронғи тушиб қолади, — дебди у қоп-қора күzlари билан нималарнидир үлчашта, чамалашта жаҳд қилғандек аллақайларга сарософ назар ташлаганича. — Биласиз, кунлар бир тутам.

Исмат почтачи увишиб қолган оёғини уқаламоқчи бўлиб ўнг қўlinи чўзган экан, кафти қичишибди-ю бўш енги қимирламабди, шунда унинг эсига кафти олис-олисларда, қора тупроқ остида, қора тупроққа қорилиб қичишаётгани тушибди ва туйкусдан дили ёришиб, тупроқ остида бўлсаям қўл йўқолмас экан-а, деб ўйлапти. Шундай экан, ҳеч нарса йўқолмайди, одам ўлмайди, тупроқ остида бўлсаям ўзини эслатиб туради, нималардир қилмоқчи бўлади, деб ўйлапти. Шу ўйларни ўйлаганича аравага яқинлашипти. Унинг чиқишини кутиб бошини солинқираганча турган қирчангининг ёлини силаб, кўзёшлари чукур қора излар қолдирган тарашадек қотиб кетган унинг бетига, маҳзун кўзларига боқибди. От бети-ю кўзларининг бунақалиги бежиз бўлмаган экан, эгасининг доимий мунгли, ҳамишанги туссали кайфияти жониворга ўтиб шунаقا бўлган экан. Шунаقا бўлар экан. Исмат почтачининг ўзиям буни ҳис қилганига анча вақтлар бўлган экан. Шунинг учун унинг сағрисига аламидан аччиқ-аччиқ қамчи босиши баробарида йўл-йўлакай у билан дардлашиб, ҳасратлашиб кетадиган пайтлари ҳам кўп бўлган экан. Шу боис, у ҳозир ўз қалбидан кашф этганини, ўз инкишофини дарҳол отнинг қулогига ҳам етказиб қўиши фарз билгандай:

— Одам ўлмас экан, ошна, — дебди қачонлардир тарқ этиб кетган қувонч ифодалари юз-кўзларида акс этганича.

От секин пишқирганча, унга ишонқирамагандек қараб қўйибди.

— Шунинг учун қорахат-порахатларидан қўрқмаймиз, уларни энди йўлларда сочмасдан эга-эгалирига бераверамиз, — депти Исмат почтачи мухим бир нарсани кашф этгандек қувончининг чеки бўлмай. — Нима бўпти бу қорахатлари, одам бариниб ўлмайди-ку, деймиз, — депти. — Мана мен, қаранглар, ўнг қўлим йўғ-а, тупроқ остида мажаҳланиб қолиб кетган-а, аммо нима учун кафтларим қичишиб туради? — депти Исмат почтачи отга савол бераётгандек бўлиб. — Бу ерда бир иш бор, катта иш бор бу ерда... Энди анави лаънати қора қарғанинг қағиллашидан ваҳимага тушавермасак ҳам бўлади, ошна.

Шундай деб, у аравасига бошқача чаққонлик билан чиқиб олибди. Шитоб йўлга тушипти. Кўз ўнгида оппоқ қор бостан тепаликдан соchlари тўзиғанча тушиб келаётган аёл, ёнғоқ, қарға, қария жонланипти. Энди унинг мук тушиб турган аёлга айтадиган мухим гапи борлигидан ошиқар экан. Унинг қўлига қорахатни беради, аммо айтадики, ўғлингиз ўлмаган, у ҳамма нарсани сезиб-билиб ётади, тани далва-далға бўлиб кетган бўлсаям, суюклари мажаҳланиб кетган бўлсаям, у ўлмай ётади, тирикдай ётади, мангу тирикдай ётади, абадий тирикдай ётади, ҳеч ўлмайдиган тирикдай ётади. Энди унинг қор устида қор совуғини сезмай қалтираётган, муз устида муз захрини сезмай титраётган мук тушган аёлнинг тиззаларига ҳам, сизларнинг бундай қаттиқ қўрқишлигиниз асло керакмас, дейишга асоси бор экан, асосини исботлаб беришга исботи бор экан, исботига дастак қилишга аскарча шинелининг ўнг енгини шалвиратиб олис-олисларда қора тупроқга қоришиб кетган ўнг қўли бор экан.

Исмат почтачи қирчанғини қанчалик қичамасин, қора хаёллари қаъридан топиб олган таскин-тасаллиси билан ўзини қанчалик овутмасин, ҳали тепасида турган қоп-қора соқол-мўйловли қоп-қора одамнинг айтган сўзларида жон бор экан, бир ту-тамгина калта қиши кунларида қоронгилик ҳаш-паш дегунча ёприлиб, ўз домига оларкан.

Шунақа бўларкан.

Шунақа бўпти.

Шунақа қилиб, Исмат почтачи йўлнинг ярмига етганда гира-шира қоронгилик теварак-атрофни қоплар-қопламас, йўлнинг чап ёғидаги, Аравасой деб аталган бир маҳаллар кўпкари чопиладиган жойдан ястланиб ётган оппоқ қор юзасида искаланниб беш-олтита қора кўринипти. Исмат почтачи уларни бир-бирига илиқсан итлар бўлса керак, деб ўйлапти. Аммо шу чоқ аравага қўшилган қирчанғининг бадани дағ-дағ титраб, ҳаракатлари бошқача бўлиб қолипти, ёллари хурпайиб кетипти, босар-тусарини билмай қолипти. Унинг бундай хатти-ҳаракатларидан Исмат подачи уларнинг бўрилар эканини билипти. Ие, энди бу ёғи қандоқ бўлди, деб ўйлапти. Шу қиши бўрилар негадир жуда кўпайиб, устига устак жуда сурбет бўлиб кетишган экан. Қишлоқларга индамай кириб боришаверар, молхона-ю қўйхоналар томларини, деворларини тешиб, эшикларини бузиб киришдан ҳам ҳайқишишмас экан. Ҳид олишса бўлди экан. Ҳозир ҳам қирчанғининг ҳидини олишган экан. Кундуз куни бўлсаям майли экан, уларни ҳайдаб юбориш мумкин бўлар экан. Аммо сал қоронғи тушдими бўрилар қутуришар экан, бир кучларига ўн куч қўшилар экан. Айниқса, изғирин кечасида ҳаво очиқ бўлиб тепада ой ярақлаб турса уларнинг куни туғар экан. Нега бунақа эканлигини ҳеч ким тушунтириб беролмас экан.

Исмат почтачи яқынроқ қишлоқларнинг қайси бирига тезроқ етиб бориши мумкинлигини үйлапти. Мундоқ үйлаб қараса ҳаммаси ҳам яқин экан. Ҳү-үв беш юз одимдан сүнг келадиган йўлдан чапга бурилиб пича юрилса Суркат бошланар экан, олдинга қараб кетаверса бир-икки чакиримдан сүнг Варсиқ бошланар экан. Аммо ҳозир ана шу яқин қишлоқларнинг ҳаммаси олис экан. Негаки, қанчалик ваҳимага тушмасин қирчанғи ҳам илгариги Туроб чавандоздек донғи кетган марду майдонларни издиҳомлардан олиб чиқиб, шовқин-суронлар остида улоқни маррага олиб боргунча елдек учган, туёғи остидан ўт чақнаган улоқчи отлигини аллақачонлар ёдидан чиқариб, мана шу аравага, мана шу Исмат почтачига, унинг ғам-ғуссаларига қўниккан экан. Ғам-ғуссалар кучни олиб қўяркан, мадордан кеткизар экан.

Шунақа бўларкан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, қирчанғи жон-жаҳди билан аравани судраб пича ғайрат қилибди. Аммо бу чоқда бўрилар аллақачон йўл бўйига етиб келишган, уларнинг сардори қулоқларини диккайтириб Исмат почтачига кўзларини қадаб турган экан. Унинг кўзларида, бизга от керак эди-ку, сен нима қилиб турибсан, деганга ўхшаш маъно бор экан. Кейин у бурилиб ўтиб, ҳеч ҳайиқмай отнинг йўлини тўсибди. Тишларини иржайтирипти.

Исмат почтачи қамчини баланд кўтариб:

— Кет! — деб бақирипти. — Қоч йўлдан!

Аммо бу қийқириқ, аммо бу дўқ-пўписа бўрилар сардорига пашша чаққанчалик ҳам таъсир кўрсатмабди. Ваҳимага тушган қирчанғи қайси оёғи билан қаршилик қўрсатиши мумкинлигини ҳам унубтиб қўйганча бирйўла тўрталла оёғи билан ҳаракат қилган экан, бир туёғи музга сирғаниб гуп этиб ку-

лапти. Бүрилар бир қоп гүшт устига ташланғандек унга ёпирилиб ташланишибди. Исмат почтачи қирчанғининг орқа томонидан келиб аравага яқинлашиб қолган бүрилар сардорининг бошини мұлжаллаб бир қамчи сермаган экан, у кескин үгирилибди-ю, ғазаб билан үзини Исмат почтачининг устига отибди. Исмат почтачи шунда яна аскарча шинелининг шалвираб турған енги орасидан үнг қўлининг кўтарилиб чиқиб, бүрилар сардорининг бўғзидан ғиппа олганини ҳис этибди, унинг үнг қўли бүрилар сардорининг бўғзида агадул абад ёпишиб қолибди.

Шунақа бўлипти.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа бўлар экан.

Шунақа қилиб, эртаси куни Исмат почтачининг аравасини йўл ўртасида ағдар-тўнтар бўлиб ётганини кўришибди. Оч бүрилар отнинг тити-питисини чиқариб ташлашган, хомут-помут, юган-сувлиқ деганлари ҳар ёқларда сочилиб, Исмат подачи ҳам арава ичидаги қонга белангандча ўлиб ётган экан. Чарм бўлгани учунми ёинки от гүштидан қоринлари қаппайганидан кейин шунчаки ўйин ўйнабми, бүрилар Исмат почтачининг сумкасини тортқилаб кетишган, бир маҳаллар кўпкари чопиладиган Аравасой томонга кета-кетгунча сумкани парча-парча қилиб ташлашган, ундан сочилган қоғозларни, хатларни ҳам сочиб ташлашган экан. Кенагасликлар хабар топиб эртаси куни кун ёришганда шу жойга етиб келишибди. Исмат почтачининг ахволини кўриб, иchlари ачибди, хайрият, оч бүрилар боёқишини еб кетишмабди, дейишибди. Агар шундай воқеа содир бўлгудек бўлганида энг даҳшатлиси кейин бошланган бўлар экан. Негаки, бүрилар бир марта одам гүштидан татиб кўрдими, кейин бошқа жонзодга қайрилиб қарашмас экан, одамхўр бўлиб қолишар

екан. Одамхүр бўлиб қолган бўрилар ҳеч нарсадан тап тортмай, ҳид олиб уйларга ҳам кириб бораверар әкан. Исмат почтачининг ўлигини олиб кетишга келган яқинлари кейинчалик агар бўриларнинг отта ташланишларига қаршилик қилмай, у индамай бошқа томонга кетганида бўрилар индашмасди, жони омон қоларди, деб мулоҳаза қилишипти. Аммо уларни ажаблантирган нарса Исмат почтачининг юз-кўзларида қотиб қолган қандайдир қувонч аломатлари әкан. Шундай чокда даҳшат ўрнида қувонч бўлиши мумкинми, деган муаммо устида улар кейинчалик ҳам қанчалик бош қотиришмасин, бу саволга жавоб топишолмабди, кейинчалик ҳам тошишолмас әкан.

Шунақа әкан.

Шунақа бўлган әкан.

Шунақа бўлар әкан.

Шунақа қилиб, Исмат почтачининг майити билан овора бўлган одамлар бошқа нарсаларга, айниқса Аравасой томонга кета-кетгунча қор узра сочилиб ётган қоғозлару хатларга умуман эътибор беришмабди. Эътибор беришмагани ҳам яхши бўлган әкан. Чунки ўшанақа хатлар орасида Исмат почтачи ёнғоқ шохларида ўтиришган қарғаларнинг қағиллашларига қарамай Бувишнинг қўлига тутқазаман, ўғлинг тупроқ остида бўлса ҳам менинг қўлимга ўхшаб ҳамма нарсани ҳис этиб туради, деб уйлаб келаётган Турсунмуроднинг жангда ҳалок бўлгани ҳақидаги қорахат ҳам бор әкан. Манавинақа нохуш воқеалар содир бўлиб, ўша қорахат онаизорнинг қўлига тегмай қолаверипти.

Шунақа бўлган әкан.

Шу-шу Бувиш эна йўлга қўз тикаркан. Менинг ўғлим ҳақида ҳеч қандай хабар келмаган, отаси ҳақида келган, аммо ўғлим ҳақида келмаган — у тирик,

эрта-индин кириб келиб қолади деб йўлга кўз тикаркан.

Шунаقا экан.

Шунаقا бўлган экан.

Шунаقا қилиб, гурас-гурас бўлиб урушга кетганлардан бармоқ билан санаарлигини аскарлар қайтиб келишибди. Улар ҳам майиб-мажрух, бирининг қўли бўлмаса, иккинчисининг оёғи йўқ, шунаقا экан. Туркистон тизма тоғлари этакларига сочилган қишлоқларнинг вакиллари ана шу «зафар қучиб» қайтганларни кутиб олиш учун туман марказига от араваларда боришипти. Ўша, Исмат почтачига оч бўрилар хужум қилиб, унинг аравасига қўшилган отни пақъос туширишган жойдан ўтишаёттандар, аравага қўшилган отлар бир сесканиб тушар экан.

«Мен Ленинград деган жойда бўлдим».

«Шунаقا дэнг».

«Мен у ерда очлиқдан шишиб кўчаларда сочилиб ётган гўдакларни кўрдим».

«Оёқдан айрилибсиз-да, биродар».

«Аммо юрагимни ўша ерда топдим».

«Ў-ху...жуда олислаб кетган экан-да юрагингиз?!».

«Ха, унинг жуда олислаб кетганини гўдакларнинг нигоҳларидан илғадим, очлик ва совуқдан тарашибек қотган мурдаларни тарк этишга пайсаллаётган руҳларининг шарпаларидан пайқадим мен юрагимнинг жуда-жуда олислаб кетганини».

«Уни топиб олганингиз яхши бўпти, биродар».

«Билмадим, мен энди топган юрагим билан қандай яшашим кераклигини билолмай қолдим».

«Топиб олган юрагингизни олиб келаётган экансиз-да».

«Йўқ, топиб олган юрагимни қолдириб келяпман».

«Ие, у қайдада қолди?».

«Маъсум гұдакларнинг сұлғин чехраларида қолди».

«Шунақа денг».

«Тарашадек қотган мурдаларни тарқ этишга пайсаллаёттан рухларнинг шарпаларида қолди».

«Шунақа денг».

«Гулёноқларида нафрат чизилган аёлларнинг чехраларида қолди».

«Шунақа денг».

«Ташна лабларида ўлим изғиган ҳур қизларда қолди».

«Шунақа денг».

«Вайрона шаҳарларда...».

«Шунақа денг».

«Йўқолган қишлоқларда...».

«Шунақа денг».

«Нажоткор ўрмонларда...».

«Шунақа денг».

«Ўлим олиб учган ўқларда...».

«Шунақа денг».

«Мангуга...».

«Шунақа денг».

«Абадийга...».

«Шунақа денг».

«Ох, қандай чидайман энди...».

Берлинни зabit этиб, Европани озод қилиб, Японияни мағлубиятта учратиб, немис-фашист босқинчилари устидан «зафар қучиб» қайтишаёттан ғолиб жангчиларнинг айримлари йўл бўйларида ҳолсиз ўтириб қолишар экан, эгасиз қолган далаларга унсиз тикилганча нималарнидир ўйлашар экан, чучваранусха қалпоқларини бошларидан ечиб у билан кўзёшларини артишаркан.

Йўл бўйларида мангудишилар қоларкан.

Буни ҳеч ким пайқамаскан.

Шунақа экан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, урушдан қайтган ана шу хомуш одамлар сафида кейинчалик Берлин дорилфунунинг ўқитувчиси, халқаро миқёсдаги биолог олим, майдончалик Илёс Бўтакўзнинг отаси ҳам бор экан.

Бу қисмат экан. Тақдир ўйинлари шунақа бўлар экан. Майдонча тепаликларида уруш-уруш ўйнаб юрган болалик чоғларида немис деса тепа сочи тикка бўлиб кетадиган, ерга урса қўкка сапчийдиган Илёс Бўтакўз энди олмон тилида ўз она тилида гаплашгандай гаплаша олар экан, олмон маданияти, тарихи, адабиёти тўғрисида тўлқинланиб соатлаб сўзлар экан, ўзи биолог бўлгани билан Гёте ҳикматларини ўзбек тилига таржима қилиб юрар экан. Бир кун келиб уларни катта китоб қилиб чоп этиш нияти бор экан. Бу кейинчалик, Берлин деворлари қулаганидан кейин бўлган гаплар экан.

Шунақа қилиб, уруш тугаб, орадан тўрт йил ўтиб, Бувиш энанинг ҳовлисига шундоққина девор-дармиён бўлган каталакдеккина ҳовлида Илёс туғилган экан, эсини таниганидан уруш ҳақидаги гап-сўзлар қулоғига қўйилган экан. Эшитаётгандарни унга афсонадек бўлиб туюлган экан, бу воқеа-ходисалар гўёки узоқ-узоқ ўғмиш замонларида бўлиб ўтгандек экан. Тенг-тўшлари қатори дала-даштларда, қиямаликларда қўй боқиб, ўйин ўйнаб, қуёш ботиб қоронғилик тушганда ҳам Илёснинг уйга кириши амри маҳол бўлар экан. Ўзи ҳаммавақт болалар учун уйдан ташқарида бир сеҳр бордай туюларкан. Улар тол новдасидан милтиқ ясад олиб уруш-уруш ўйнашар экан, фашист бўлишгага ҳеч ким унамас экан, ҳамманинг ҳам совет бўлгиси келар экан, аммо ҳамма совет бўлиб олса уруш-уруш ўйнамоқнинг ҳожати қолмас экан, шунда қуръа ташлаб бу муаммони

ҳал этишаркан. Илёснинг катта биолог олим бұлиб кетишида күрган-кечирғанлари ҳам сабаб бұлған әкан. Илк баҳор тоғларыда пастдаги, ўша бир маҳаллар қарғанинг қағидашы Исмат почтачита савол аломати бұлиб туулған ёнғоқ остидан оқиб үтадиган ариқдан чөлак билан сув олиб чиқиб қияликлардаги қүшоёқнинг инига қуишишаркан, ин сувга тұлиши билан кенгурунинг әңг кенжә укасидек күринган қүшоёқ инидан сакраб чиқаркан. Катта-катта саросимали күзлари ваҳимага тұлған қүшоёқлар индан чиқибоқ ўнг келган томонға сакраб-сакраб қочишини бошларкан, унинг ортидан бир түп болалар қийқиришиб қува кетишишаркан.

Ана шавқу мана завқ!

Катталиги сичқондек келадиган жонивор ортидан бир гурұх болаларнинг қувиб юриши узоқдан қараган кишига жуда ғалати күринаркан-да. Қүшоёқ қувишга баъзан катталар ҳам қўшилиб кетишишаркан. Соқоли кўксига тушганлар эса бу жониворни инидан қандай чиқариш ҳақида йўл-йўриқлар беришаркан. Қүшоёқ инига оҳиста, товуш чиқармасдан яқинлашинглар, у жуда сезгир, дархол инининг оғзини ёпиб олади, кейин дарёни ҳайдаб келиб сув қўйсанглар ҳам фойдаси йўқ, дейишишаркан. Уларнинг бу насиҳатларыда, албатта, ҳикмат бўларкан. Қүшоёқ инининг оғзини ёпиб олса, тепадан қуилған сув қайтиб чиқаркан, шунда унинг инидан чиқишини кутаётгандар ҳафсаласизлик билан қўл силтаб:

— Э-ҳа, әшигини қулфлаб олибди-ку, — дейишишаркан.

Машхур биолог Илёс Бўтакўзнинг эсига ҳали-ҳануз шу воқеа тушиб тураркан, ўз соҳасининг катта олими бўлгани билан ер остидаги уясида миттигина бу жонивор қанақа әшик қуриб олиши мумкинлигини ҳали-ҳануз ҳечам тасаввур этолмай боши қо-

таркан, бундай чуқурроқ ўйлаб қараса, илм деганла-ри ана шундай бош қотиришлардан бошланар экан.

Иләснинг отаси ҳам уруш қатнашчиси, сержахә, ўрни келса ҳеч кимни аяб ўтирмас — аммо оқкүн-гил ва түгри киши экан. Онаси Қумри опа эса жуда меҳрибон аёл экан. У эри-ю ўғлини урушга жұна-тиб, ўзи якка-ю ёлғиз қолган, ғам-аламдан соchlари оппоқ оқарыб кеттган Бувиш әнадан ҳамиша хабар олиб турар экан. Бувиш әнанинг урушдан қайтмаган ёстиқдошига Иләсларнинг ота томондан узокроқ қа-риндошлиги ҳам бўлган экан.

Бу чоқда Бувиш эна, мана йигирма йилдирки, урушда дом-дараксиз йўқолган ўғли Турсунмурод-нинг лоп этиб кириб келишини кутар экан.

Мен сени Қоратош ота қабристони йўлида буғ-дойзордан олиб ўтаётганимда илк бора кўз очган әдинг, деб у билан ғойибона сўзлашар экан.

Мен сени Қоратош ота қабристони йўлида бе-дазордан олиб ўтаётганимда қиқир-қиқир кулган әдинг, деб унга ғойибона нималарнидир эслатмоқчи бўлар экан.

Ўғли уни эшитаётганига чин дилдан ишонар экан.

Шунаقا экан.

Шунаقا бўлган экан.

Шунаقا қилиб, Бувиш эна қоратолдан ясаб ол-ган ҳассасини дўқ-дўқ ерта урганча қабристон ёқалаб ўтган йўлда аста-секин қадам ташлаб боққа бориб келар экан. Бог қаровсиз қолмасин, Турсунмуро-дим келса әгалик қиласи, дер экан. Мана шу йўлда Бувиш әнанинг кораси кўриниши биланоқ катта-ю кичик дарҳол жимиб қолишар, қандайдир туганмас мусибатдан баъзилар чуқур хўрсинишаркан.

Кунлар илиши билан Бувиш эна боққа кўчиб ке-тар экан.

Ҳар-ҳар замонда қишлоқдаги ҳовлидан хабар олар, борища ҳам, келища ҳам ана шу қабристон ёқалаб үтган йўлдан юаркан.

Борища ҳам, келища ҳам маълум бир жойда тўхтаб, чўнқайиб үтирганча тиловат қиласар, ўзича нималарни дир пицирлар, үтганлар ҳақига дуо ўқиркан.

Кунлардан бир куни у эрталаб қишлоққа келипти. Кўрган туши таъсирида боғда үтиромапти. Худди-мудди аскарлик халтасини елкасига осиб олган ўғли келиб қишлоқдаги ҳовлининг эшиги оғзида кутиб тургандек, онам қаёққа кетиб қолдийкин, деб хавотирланаётгандек бўлиб туюлипти. Аслида, бу ҳақда Қумри опага ҳам, Илёсга ҳам, Илёснинг акаси Элёрга ҳам, ҳаттоқи уларнинг дадасига ҳам, ҳаттоқи, уларнинг амакиси Нўъмон қиришишга ҳам қайта-қайта тайинлаб қўйган экан. Турсунмуродимнинг қораси кўриндими, менга югураверинглар, деган экан, суюнчининг каттасини мендан олаверинглар, деган экан, Хотам боболарингиздан қолган тиллаларнинг барисини устларингга сочаман, деган экан. Унинг бу гапидан жўжабирдек жон бўлиб, амал-тақал қун кечириб юрадиган Нўъмон қиришиш гумонсираб, ўзи шусиз ҳам Хотам амакимизнинг бойликлариға бизнинг ҳам ҳақимиз бор, деб юрар экан.

Шунақа экан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, Бувиш эна қишлоқдаги ҳовлисига яқинлашайвергани сайин юраги ҳаяжондан дукдуқ урганича, қўллари қалтираб-титраб бир тавақали ҳовли эшигини итариб очипти ва мадори қуриб үтириб қолипти.

Негаки, у Турсунмуродининг келганига жуда-жуда ишонган экан-да, кўрган туши шунга белги

берган экан-да. Аммо уй, ҳовли у боққа күчганида қандай бўлса, шундай турган экан. Фақат супа остида ёввойи супурги, ёронгуллар ғовлаб кетган экан. Ҳовли этагидаги қудук ғалтагида Ҳотамнинг бобоси ёнғоқзорда ушлаб олиб қўлга ўргатмоқчи бўлган, сўнгра раҳми келиб қўйиб юборган Шоҳид ўй ўйлаётгандек бўлиб ўтирган экан. У бундан бир юзу йигирма йил аввал бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни хаёлидан кечираётган экан.

«Шоҳид, сен қачон одам бўласан?».

«Қафф...».

«Агар тўтиқушга ўхшаб бир сўз айта олсайдинг, барча ёнғоқзорларимни сенга бериб юборардим».

«Қафф...».

«Шоҳид, ишон, мен сени сўзлашингни жуда-жу да истардим».

«Қафф...».

«Шунда ақалли сенинг умринг кечган вақт тарихига ёлғон аралашмасди».

«Қафф...».

«Афсуски, сен сўз сўзлашни ўргана олмайдиган кўринасан».

«Қафф...».

«Агар сенда тирноқча фикр бўлгандайди, биргина ростгўй зот ўзинг бўлардинг».

«Қафф...».

«Шоҳид, майли, бор, менинг келгуси авлодларим ҳаётига биргина ўзинг гувоҳ бўла олишинг хурматидан сени қўйиб юбораман».

«Қафф...».

«Ҳатто раҳмат дейолмайсан-а».

«Қафф...».

Орадан бир юзу йигирма йил ўтиб Шоҳид ўша ҳовлидаги қудук ғалтаги устида ўй ўйлаб ўтираскан. Унинг оғзида нимадир бор экан. Яхшироқ зеҳн

солиб қаралса, бу қоғоз парчаси экан. Исмат почта-чиға оч бўрилар хужум қилган жойдан Аравасой томонга кетган далада қоғоз парчаларининг бехуда сочилиб ётмаганидан Шоҳид хабардор бўлган экан. У ана шу қоғоз парчаларини оғзида олиб келиб қудук ғалтагида ўтирганча пича дам олар, сўнгра уларни қудук ёнидаги тол остига кўмиб кетар экан. Шоҳид Аравасой томон кетган шувоқзору янтоқзор далада Исмат почтачининг чарм сумкасидан сочилган барча қоғозларни йигиб олишга жаҳд қилган экан.

Шунақа экан.

Шунақа бўлар экан.

Шунақа қилиб, толдан тўкилган қизғиши япроқлар ҳовли саҳнига сочилган экан. Супанинг бир четига аллақандай қуш ин қўйганини кўрган Бувиш эна ўзини андармон қилиш учун шу инга яқинлашипти. У бир тутам қуруқ пичан устида холхол кулранг тухумчаларни кўрипти ва тўхтаб қолипти, яқин бормапти, полапон очишга тайёргарлик кўраётган бўлса хуркиб юрмасин, депти.

У уйга кирипти. Кўрпаси йигишириб олинган танча устидаги патнисга зимдан назар ташлапти. Иккита нон, бир пиёла қаймок, нон устида беш-олти бўлак чақмоқ қандни Бувиш эна боққа кетишида қай тариқа қўйиб кетган бўлса, шу ҳолиша турган экан. Турсунмуродимнинг насибаси, деб ўйлапти Бувиш эна. У Турсунмуродим қўққисдан оч-наҳор кириб келиб қолса кўриниб турсин, деб патнис устига ёпилган доканинг бир четини сал очиб қўйган экан, очиқ жойдан кириб майшатини қилиб бўлган чивинлар чиқиши йулини тополмай, ўқтин-ўқтин дока остида гингиллаб туришган экан.

Бувиш эна чуқур хўрсинипти, докани кўтариб чивинларни ҳайдапти, улар зумда тўсинларга бориб кўнишипти.

— Ишқилиб, боламнинг насибаси ўзига насиб этсин-да, — депти Бувиш эна овоз чиқазиб.

У шу сўзларни жойнамоз устида, тандир бошида — қаерда бўлмасин, дуодай тақрорлаб ҳамиша юрак-юрақдан илтижо қилиб айтиб юраркан. Якка-ю ёлғиз ўғлиниң бу дунёдан насибаси ҳали узилмаганига дил-дилдан ишонгани унинг куюк юрагига сув сепгандай бўларкан.

Шунақа экан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, бу чоқда Бувиш эна ўз ғамини ўзи еб юрадиган момо бўлган экан. Шунақа қилмаса бўлмас экан, ёлғизнинг иши қийин экан, бундай ўйлаб қараса, ёстиқдошининг сояи давлатида юрганлари бир афсона экан энди. У ғимирсиганча ўтинг-чўпларни, таппи-тезакларни йифиб юраркан. Молхона ёнидаги таппиларни ўтган гал келганида ағдариб кетган экан, улар қуриб қопти. У сал буқчайганча уч-тўрт таппини устма-уст қўйиб ўтингхонага ташитти, эринмай тахлаб чиқипти, у ердан чириған сомон ва гўнг ҳиди анқиркан.

Бувиш энанинг қўли ишда-ю, паришон хаёли аллақайларда саросар кезаркан, ҳаракатлари суст экан. У ўз-ўзича аллақандай режалар қиласбошлапти, қолганини эртага, боқقا кетишимдан аввал йигиб-териб кетарман, деб ўйлапти. Бундай ўилашининг асоси бор экан. У обрез олдида чўнқайиб обдастадан сув қўйиб қўл ювар экан, Турсунмуродим лоп этиб кириб келиб қолса, ҳовлига одам тўлиб кетади, худойиси учун қозон осишганда ошпазлар ўтинг қидириб юришмасин, депти овоз чиқазиб.

Унинг бу овоз чиқазгани ўзи билан ўзи гаплашгани экан.

Шунақа экан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, Бувиш эна ўзи билан ўзи гаплашадиган бўлиб қолган экан. Ўзи билан ўзи ажабтовор гапларни топиб гапирар экан. Айрим воқеалар қўққисдан эсига тушиб қолсаям шундай қилар экан, бирон нимани режалаштиromoқчи бўлсаям шундай қилар экан. Ўзига ўзи айттар эканки, ўшанда аксига олиб, Қоратош ота қабристонининг эски девори остидаги қизғиши илоннинг оғзига чеълак-челак қатик ағдариб унинг нафсини қондириб юрган Неъматилло бобо касал бўлиб тўшакка михланиб қолмаганида эҳтимол у девор остидан чиқиб келмасди, дер экан. Ўша илон девор остида тинчгина ётганида уруш ҳам бошланмасди, дер экан.

Ёстиқдоши билан ўғли иккаласиям, бири болам қолсин деб, бири отам қолсин, деб ўз ихтиёри билан урушга кетишга ариза ташлаб келишганини эсласа, яна ўзи билан ўзи гаплашиб қолиб улардан домангир бўлгандек бўларкан, ахир отаси ўғлингизга бир оғиз айтиб шу ишни қилсангиз бўлмасмиди, деб ёстиқдошидан ёзғиаркан; ахир отадану онадан бемаслаҳат сен нега ўша ишингни қиласан-а, ўғлим деб, Турсунмуродидан гина қиларкан; ахир уларнинг йўлини тўсиб нима иш қилмоқчи бўлаёттаникларини сўрамайсанми девона хотин, деб ўзини-узи яниркан; бу мунозара ҳеч қачон тугай демас экан.

Бувиш эна рўмолини бошига елвагай ташлаганича ювиниб бўлгач, енглари шимариглиқ ҳолда обрез устига эски шолча ташлаб қўйипти. Шу маҳал кўча эшикнинг зулфини бетиним шиқирлаётгани қулогига чалинитти. Унинг юраги ҳаприқиб кетипти. Ана-а, айтмадимми, айтмадимми, деганича ўз-ўзича сўзланиб, ҳаяжонланганидан енгларини тушириб қўйишни ҳам унутганича кўча эшиги томон ошиқиб қопти. Эшикка яқинлашпайвертгани сай-

ин унинг құл-оёғи негадир ўзига бўйсунмаётгандек қалт-қалт титраркан.

— Ё худо, худованди карим, — деркан у ўзини босишига уриниб.

Ҳарчанд уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмаскан.

— Вой, ман ўлмасам, мангина ўлмасам, ичкаридан занжирлаб қўйибман-ку, — дея ўзини-ўзи янаганича Бувиш эна яна ҳаросат ичра сўзлай бошлапти.

Кейин беихтиёр:

— Турсунмурод, сенмисан, ўғлим? — депти эшикни очганча ҳам сабри чидамай.

Ташқарида жавоб бўлмапти.

Бувиш эна эшикни очипти-ю, ташқарида Турсунмурод эмас, Қумри опа турганини кўриб қандайдир ҳафсаласи пир бўлгандай бўлипти. Аслида, у Қумри опани ҳам ўз қизидай, жонидан ортиқ кўрар экан. Лекин ҳозир ташқарида у эмас, бошқа одам туриши керак экан, Бувиш эна уни эмас, ўшани кутиб олишга юргурган экан. Шу сабабли ўзини тутолмай тўсатдан йиғлаб юборипти.

Йиглай-йиглай:

— Кумрижон, мен ўйлапманки... — дер экан, сўзининг давомига нима дейишини билмай.

Қумри опа уни тушунипти. Шундаям индамай туришни ўзига эп билмай:

— Сизга нима бўлди, Бувиш эна? — деб сўрапти.

Бувиш эна ўзини тутолмапти. У эшик кесакисига беҳол-бемажол суюниб қолипти. Унинг кўзларидан дув-дув ёш оқипти.

— Билмадим, Қумри, билмадим-а, — дея кенг-ковул енгининг учи билан кўз ёшларини артинмоқقا тутинипти.

Қумри опа қандайдир ҳаёл оғушида унга бир-пас қараб қолипти. Энди унинг ҳам тўзғиган сочла-

ри устидан дурраси сирғалганча бўйнига тушипти, ёнди унинг ҳам ажин туша бошлаган кулча юзига номаълум андух кўланкалари соя ташлаб ўтипти, унинг ҳам кўзлари беихтиёр намланипти.

— Келтанингизни билиб, кўриб ўтай дедим, эна, — дея олипти, холос.

Бувиш эна кўз ёшларини артаркан:

— Ҳа-а, ке, — депти.

Улар бир-бирларининг елкаларига кўл ташлаб кўришишипти.

Бувиш эна уни ичкарига бошлаган экан, индамай әргашибига Қумри опанинг сабри чидамай, пайдарпай сўзлай бошлапти:

— Илёсим бир қултум сув ҳам ютолмаяпти-да, эна жон, — депти. — Нима қиссан экан, маслаҳат беринг, болагинам қийналганидан данақдек чақилиб боряпти.

— Томоги оғрипти-да, — депти Бувиш эна хаёли бошқа ёқларда бўлганича, Турсунмуродимнинг ҳам томоқ-помоги оғриб қолмадимикан-а, деган ўй чақмоқ каби унинг қалбига чизик ташлаб ўтипти.

— Шунақага ўхшайди, — депти Қумри опа унинг гапини тасдиқлаб. — Оғригандаям ёмон оғриган, нима қиларимни билмай сизнинг олдингизга чиқдим.

— Бола-я! — Беихтиёр ичидан ўт чиққандек бўлипти Бувиш энанинг. — Бола — балойи жон-да, Қумри.

У шу тариқа беихтиёр ўз дардини айтипти.

Қумри опанинг катта-катта, майин кўзлари унга мўлтайиб термилипти.

Қумри опанинг тўнғичи — Элёр, кенжаси — Илёс экан. Элёрининг бўйи етиб, овози дўриллаб қолган экан. Ўзи шунақа бўлар экан, овоз дўриллаши, бўй етиши, баданда тук пайдо бўлиши балоғат

белгилари экан. Булардан ташқари яна бир мухим белги бор экан, у әлу юрт манфаати йўлида ўзини аямаслик экан, Турсунмурод шунаقا бўлган экан.

Илёс акасининг аксича, ҳамма нарсага қизиқувчан экан, шамоллабми-нетибми тез-тез дардга чалиниб қоларкан, шу боис, Қумри опа унинг оппоқ юзи қизармаётганидан, гунгурсдай бўлиб юрмаётганидан надомат чекаркан.

— Куни бўйи қора тупроққа беланиб шаталоқ отган яланғоч-саланғоч болалар қилич-қамчиндеккина юради, — деркан Бувиш эна нималаргадир ишора қилганча. — Асраган қўзга чўп тушади, деганлари шуда.

- Нимасини айтасиз.
- Шу экан-да.
- Шу-да, ўзингиздан қолар гап йўқ, Бувиш эна.
- Сенинг ҳам жонинг тошдан экан.
- Мен ўз жонимни ўйлармидим, Бувиш эна, — Қумри опанинг мижжалари негадир намланаркан.
- Менинг жоним-жаҳоним шу икки болам-да.

Бувиш энанинг ёдига туйқусдан мухим бир нарса тушиб қолгандек:

- Нашвати қайнатиб ичирдингми, Қумри? — деда шошиб сўрапти.

- Э, шу ишни қилолмаяпман-да, — дедти Қумри опа этагини йиғишириб супа четига омонат чўкаркан. — Файзи сийним юборган икки чеълак нашватини офтобга ёйиб қуритиб қўювдим, шундан қайнатиб ичирмоқчи бўляпман-у, қани ютолса, — дедти афсус оҳангода енгининг учи билан мижжаларини арта бошларкан.

Қумри опа сал нарсагаям дув-дув ёш тўкаверар экан — ноилож ва забун қолганида аёл зотининг қўз ўшдан үзга суюнадигани-ю таянчи бўлмаслитини дориломон замонларда унинг ўзи хоби хотирига ҳам

келтирмаскан. Қумри опа ҳам наинки ўз яқинлари-нинг ғамхўр-мехрибони, балки етти ёт бетоналарнинг ҳам ғам-андуҳларини кўнглига яқин олиб юраркан, бирорларнинг азасида ҳам қуонганича, айтиб-айтиб йиғларкан, шунда ўзининг ҳам қалби бўшаб, қандайдир енгил тортгандек бўларкан. Кўнгил уйини зимиstonга айлантирган изтироблар қўзёшлар бўлиб аримаса ҳеч қачон аримаслигини, изҳори дил сифатида тарқ этмаса ҳеч қачон тарқ этмаслигини Қумри опа савқи табиий-ла ҳис этгани эҳтимолдан узоқ эмаскан. У гарчи ҳар икки гапнинг бирида аллақачон асфалософинга йўл олган қаттол душманни гўрида тик турғазиб қарғаб юрса-да, Фрейд деган аллома ҳам унинг бундай хатти-ҳаракатларини маъқулловчи китоблар битганини хоби хотирига келтирмаскан.

— Одам чин дилдан йигласа, кўнгли бўшаб енгил тортади-да, — деркан Бувиш эна ҳам Фрейднинг таълимотини билиб-бilmай беихтиёр қайтадан кашф этиб қўйганича.

Бувиш энанинг айтишича, қадим замонда бир савдогар йигит савдо иши билан олис-олис юртларга узоқ сафарга бориб-келиб юраркан. Тақдир насибаси қўшилиб, саодатли кунларнинг бирида у бўй етган қизга уйланипти. Келинчак ой деса ойдек, кун деса кундек гузал, бунинг устига андишали, иболи, эрининг гапини икки қилимас экан. Улар баҳтли ҳаёт кечира бошлишипти.

Кунлардан бир куни савдогар олис юртларга савдо карвони йўлга отланаётганини эшитипти-ю, ҳаловати йўқолипти. У хотинига то қайтиб келгунича уйдан чиқмай кутишни тайинлабди-да, хайр-хўшланишиб йўлга отланипти.

Кунлар ҳафталарни, ҳафталар ойларни, ойлар йилларни қаритипти ва орадан икки йил ўтгач савдогар йигит катта бойлик билан қайтиб келипти. У

қайтиб келипти-ю, лекин хотинини тополмабди, то-  
полмас ҳам экан, негаки, хотини у сафарга кеттани-  
дан сүңг ярим йил ичида гулдай сұлиб, ранги заъфа-  
ронлашиб жон берган экан.

Савдогар бундан жуда қаттық изтиробға ту-  
шипти.

Бироқ вақт деганлари менинг дардимдан бошқа  
ҳамма нарсага даво топар экан, дерди Бувиш эна күз  
ёшларини енгининг учи билан артиб оларкан жил-  
майишга уриниб, ўша савдогар йигит әнди бошқа  
бир аёлга уйланипти ва яна-тағин олис-олис юрт-  
ларға савдо карвони йўлга тушаётганини әшитиб,  
ўтиrolмай қопти.

У яна йўлга тушипти. Яна кунлар ҳафталарни,  
ҳафталар ойларни, ойлар эса йилларни қаритипти  
ва орадан икки йил ўтгач савдогар катта бойлик би-  
лан қайтиб келипти. Бу гал ҳам у сафарга кеттани-  
дан сүңг бир йил ўтгач хотини димқисма касалига  
тирифтор бўлиб ўлганидан хабар топибди.

Савдогар яна оғир ўйларга ботипти. У қанчалик  
ўйга ботмасин, нега бунақа бўлганининг сабабини  
аниқлашга ҳеч ақли етмабди. Шунақа қилиб, у учин-  
чи марта яна бир қизга жуфти ҳалол бўлипти. Кей-  
ин яна савдо иши билан олис сафарга кетибди.

Кунлар ҳафталарни, ҳафталар ойларни, ойлар йил-  
ларни қаритипти ва бу гал роппа-роса уч йил деганда  
савдогар ҳисобсиз бойлик билан уйига қайтиб келипти.

Уни хотини қарши олипти.

Ҳар гал сафардан қайтаётганида юраги зада бў-  
либ қолган савдогарнинг бу гал қувончига қувонч,  
шодлигига шодлик қўшилипти. У бунинг шукронаси-  
га элу юртта катта тўй-томушалар қилиб бериб,  
хотини билан ёлғиз қолганида унга аввалги воқеа-  
ларни айтиб берипти.

— Сиз олис сафарга кетган чоғингизда уйда ёлғиз

қолган боёқиши аёлларнинг ичи зардобга тұлиб, бунга дош беришолмаган, — деб, хотини савдогарга уларнинг ўлимининг сабабини тушунтирипти.

Савдогар ўзини мархумаларнинг олдида гунохкор ҳис этипти.

— Сен қандай тирик қолдинг? — деб базур овоз чиқазиб сұрапти.

— Мен ҳар куни хамир қорганимда, ундан кичкинагина зувала ажратиб олиб құғирчоқ ясар әдим, — дебди савдогарнинг хотини. — Сұнгра ана шу құғирчоққа ичимдаги дардларимни айтиб, күнглимини бўшатар әдим, агар шундай қилмаганимда мен ҳам узоққа бормасдим...

Шундай деб, у эрига юзлаб хамир құғирчоқларни құрсатибди. Бу құғирчоқларнинг бирортаси бутун әмас, күпи икки-уч бўлакка бўлиниб ётган экан. Аёлнинг айрилиқ дардлари жонсиз хамир құғирчоқларни шу куйга соглан экан.

— Йиғлайвер, — деркан Бувиш эна Қумри опага қаратса айтиб берган ривоятига хулоса ясаёттандек. — Йиғлаган ва сўзлаган одамгина юрагини бутун сақлаб қолади, ҳамма нарсани ичига ютганинг ҳолига вой. Мениям адo қилса биркунмас-биркун шу ичим адo қилади, ёндирса биркунмас-биркун шу ичим ёндиради... Майли, нимаики бўлсам бўлай, Турсунмуродгинамнинг оёғи остига бир мартагина ииқилиб кейин бўлай дейман-да. Мободо кетиб қолсам у келиб мени қайлардан излайди?

Бувиш эна шу сўзларни айтаркан, Қумри опа нари турсин, анов-манов қаҳри қаттиқ эркаклар ҳам ўзларини тутолмай йиғлаб юборишаркан.

Қумри опа-ку...

У кўча-куйда ёш болалар билан ҳам астойдил сўрашиб-кўришиб кетавераркан. Унинг тили учидা

бундай чоқда айтилиши лозим бўлган сўзлар ҳамиша шай туаркан.

— Вой айланайин-а сендан, бўйинг чўзилиб қопти-ку, — деркан у дуч келган боланинг елкасига меҳрибонлик билан қоқиб қўйганича. — Бувинг, онанг, амма, холаларинг яхши юришиптими?

У чўнтағидан бир ҳовуч-ярим ҳовуч туршакми, жийдами олиб боланинг қўлига тутқазгач, ўбдан сўраб-суриштиришларига бош иргаб тоқат қилиб турган болакайни шундан сўнг тутиб туришнинг бошқа иложи қолмаскан. Қумри опани Майдончада шунинг учун ҳамма бирдек эъзозлаб, хурматини жойига қўйишга ҳаракат қиларкан. У ҳозир ҳам Бувиш энанинг қаршисида киприкларидан узилган бир-икки томчи ёшнинг бетидан сирғалиб тушаётганини сезиб-сезмай, шоша-пиша ўз дардини тўкиб соларкан.

«Дадасига, дўхтирга олиб боринг, десам, кўл силтадилар, Бувиш эна».

«Нега, Қумри?».

«Ўша Пармон дўхтирнинг дўхтирилиги нима бўларди, кўк доридан бошқасини билмайди, дейдилар».

«Шунаقا де».

«Бироннинг кўзи оғрисаям — кўк дори, қулоги оғрисаям — кўк дори буюрармиш».

«Шунаقا де».

«Ҳамма айб ўзимда!».

«Сенда айб не қилсин, Қумри?!».

«Ўтисиз, тезаксиз қоладигандек, эрталаб по даҳайдарда подачига, подани бугун менга ётқизиб берасан, дедим».

«Шунаقا де».

«Пешинда подачи подани ангорга ётқизди».

«У ангор буғдойзорлигига буғдойзор оралаб ўт гандим».

«Илёсим подани қўриқлайман деб ҳориб-чанқаб муздай сув ичган экан, бир кечанинг ўзида рангини олдириди-қўйди-да».

«Хушҳол кампирга олиб борайлик, боғ қўшним-ку, у бунақа нарсаларга бирпасда даво топади».

«Сиз боқقا қўчганингиздан сўнг ўзимам ана бораман-мана бораман деб боролмай юрардим».

«Сениям ташвишинг кўп-да, Кумри».

«Нимасини айтасиз. Мен энди борай, боқقا қайтаёттанингизда Илёсимни ҳам олиб борамиз. Хушҳол кампирнинг қўли енгиллиги ўзимнинг эсимда бўлмаганини қарант-а!».

Кумри опа сўзлай-сўзлай чиқиб кетипти.

Ҳовлида Бувиш энанинг ўзи қолипти.

У бирпас ўтирипти.

Кекса тол остида нималардир қилаётган Шоҳидга қўзи тушипти.

Уни қаердадир кўргандек бўлипти.

Қўзига танишдек кўринипти.

Лекин қанчалик уринмасин, қаерда кўрганини эслолмапти.

Кейин Бувиш эна супадаги қуш ини атрофига нон ушоқларини сепиб қўйипти.

Ҳовли эшигини қулфлаб, калитни кўзга кўринарли жойга қистирипти.

Кумри опанинг дарвозаси томон юра бошлипти.

Шу чоқда кўча бошида бир ола буқачани олдига солиб келаётган Нуъмон қиртишни кўриб тўхтапти.

Нўъмон қиртиш деганлари қирқ-қирқ беш ёшлар атрофидаги бир киши экан.

Кўпам ёмон одам эмас экан.

У ҳам бошқа майдончаликлар сингари Бувиш энанинг ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қиласин.

Аммо...

Баъзан шайтоннинг гапига кириб қоларкан.

Ичида жини құзіб қолар экан.

Уруш тамом бұлған экан. Аммо содда одамлар азалий ва абадий муҳорабанинг фарқига боришимас экан. Бир маҳаллар Бозор бобо айттанидек, бу муҳораба Раҳмон ва Шайтон ўртасида кечаркан. Ичига жин кириб олгани боис Нұғын қыртиш күпинча ўзи билан ўзи гаплашиб юраркан.

Ҳақиқий Нұғын бир гап айтса, ичидағи жини бошқа гап айттаркан.

Нұғын қыртиш улардан қай бирининг сүзига қулоқ солишини билмай боши қотаркан.

Афсуси шунда экан.

Пушаймонлиги шунда экан.

Ҳозир ҳам у буқачани етаклаганча ўзи билан ўзи мунозара-муноқаша қилиб келаётган экан.

«Ә, Нұғынвой, шуям ҳаётми?».

«Шукр қил, оғайни?».

«Унақа дейишади, бунақа дейишади — ҳеч биридан наф ийк. Нұғынвой тирикчиликнинг ташвишини қил. Қолган гапларнинг чақалик аҳамияти ийк».

«Хой, күнгилни кенг қил».

«Күнгилдан нима фойда?».

Ўзи билан ўзи шу тариқа ғұлдираб гаплашиб кетаётган Нұғын исқирт юргани учун «қыртиш» лақабини ортирган экан. Аммо бу ҳали ҳолvasи экан. Күпинча ўзини ўзи әплөлмай, бир гапларни гапириб юборарканки, исқиртлигу қыртишлиги ана шунда яққол намоён бўларкан.

— Ҳа-а, қариндо-ош, — депти у Бувиш энага қўзи тушгач, салом беришни ҳам атай унугандек ишшайганича. — Боққа кетяпсизми?

— Боққа кетяпман, Нұғын, — депти Бувиш эна унга пича маллоланиб қараганича. — Қариндош дейсан-у, нега салом бермайсан?

— Э, шуниям күнглингизга олиб үтирибсизми? — депti Нұймон қиртиш нимадандир мамнун бұлғандек.

— Энди айтдим-да.

— Муни күрмайсизми? — дея юлқинаёттан буқачага ишора қилипти Нұймон қиртиш.— Сиз билан гаплашиб олишга ҳам қўймайди. Аслида нима кераги бор эди жонимни азобга қўйиб, деб ўйлайман. Тирикчилик қурсин. Оёғимни узатиб бир кун үтирай-чи, бирор бурда нон тутқазармикан?

У чексиз азобу изтиробга тушган одам қиёфасида жимиб қолипти.

Бувиш энанинг ҳам нимадир дегиси келипти.

Нұймонга қандай сўз айтсам кўнгли кўтариларакин, деб ўйлапти.

— Шукр қил, Нұймон, — депti Бувиш эна бундай сўз тонганига имони комил ҳолда. — Тўрт кўз тугал соғ-саломат юрганингнинг ўзи катта давлат билсанг.

— Тўғри-куя, — ғўлдирапти Нұймон қиртиш.

— Тўғрилигини билсанг, шуни эсдан чиқазма.

— Ҳа-а, энди-и...Биласиз-ку, менинг ҳам калламда мингта хаёл, ўшаларнинг биттаси билан бўлиб салом бермай үтган бўлсам, сиз дарҳол кўнглингизга олманг-да.

— Энди-а айтаман-да Нұймонвой, гина қилсам ҳам бошқа бирордан эмас ўзимни килардан қила-ман-да.

— Чу-у падарлаънат! — деб қичқирипти Нұймон қиртиш арқоннинг учи билан буқачанинг орқа оёғига тушираркан.

Бувиш эна Нұймон қиртишнинг бу қилиғидан ажабланғандек бош чайқай-чайқай, бориб Қумри опани чақирипти. У томоғига сочиқ ўраб, куннинг иссиқлигига ҳам қарамай чопон кийиб олган Илёсни эргаштириб чиқипти.

— Ая, ечаман, — дея ғингшипти Илёс чопоннинг енгидан қўлини чиқармоққа уринаётгандек бир ҳаракат қилиб.

— Ечмайсан! — таҳдид оҳангода дўқ ураркан Қумри опа. — Илгариги замонларда ота-боболаримизнинг эгнидан қишин-ёзин чопон тушмаган, шунинг учун касал ҳам бўлишмаган, — шу гапларни айтаётиб, у фикрини тасдиқлатиб олмоқчи бўлгандек, — тўғрими, Бувиш эна? — деб сўрапти.

— Қўй, Қумри, боланинг айтганини қил, ечгиси келаётган бўлса ечиб қўй, — депти Бувиш эна қандайдир хаёлга чўмганча. — Илгариги замонларни ҳавас қиласа, ундоқ-бундоқ дейсану, бизнинг ота-боболаримиз ниманиям кўришиптики, уларнинг ҳаётига ҳавас қиласан, касал бўлишса даволана олмай ўлиб ҳам кетаверишган, қўй, эслама, шу кунларга етказганига шукр қил.

Улар йўлга тушишипти.

Ангордан қайтаётган пода ортидан кўтарилиган қуюқ чанг бир муддат муаллақ туриб қоларкан, сўнгра кенг дала бўйлаб ёйилиб кетаркан.

Қип-қизарган уфқ чанг ортидан фирға-шира кўринаркан.

Ангордаги шувоқ шохларида паноҳ топган тўрғайлар сайрай бошлипти.

Даладан қайтаётган пода, уфқ яқинидаги отлар уюри, узун-қисқа бўлиб эшакка сомон тўла қолларни ортиб келаётган болалар, ботаётган қуёш, муздек шамол Қумри опага ўз таъсирини ўтказипти.

«Ана шу далаларда буғдой ўриб, хўп ҳайдаганларимиз эсингиздами, Бувиш эна?!».

«Нега эсимда бўлмасин, Қумри?!».

«Орипуф раис эди-я, эна?!».

«Ха, Орипуф раис эди».

«Кўлидан қамчи тушмас, қаҳри қаттиқ одам эди, эна».

«Шунаقا эди».

«Унинг қамчиси илондек биланглашидан зирилламаган, ҳайиқмаган одам йўқ эди, эна».

«Сен у пайтларда эсини таниб-танимаган ёшгина қизча Эдинг-ку, Қумри?!».

«Аммо ангордан бошоқ терганларимиз ёдимда, эна».

«Шунаقا де».

«Мен ҳаммасини аниқ эслайман, эна».

Улар шу тариқа гангур-гунгур сўзлаша-сўзлаша боққа етишипти.

Ҳаммаёқ кўм-кўк, салқин экан.

— Анави Шарофат холанинг боғими? — деб сўраб қолипти Қумри опа.

— Ҳа, — депти Бувиш эна.

«Мен сени Шарофатнинг боғидан етаклаб ўтаётганимда дарахт шохидан ерга тушиб ётган бир дона оқ ўрик олгандинг. Шунда койиб, бегона боғдан сўрамай мева олмаслик кераклигини айтганимда, ўрикни яна жойига қўйгандинг. Шарофатнинг боғидаги дарахт остида ҳамон оқ ўриклар тўкилиб ётади».

Бувиш эна она-болани шифтида қуруқ шох-шаббалар осилиб турган пасқамгина чайлага бошлипти. У кўпинча чайла ўртасига ёзилган кигиз устида бош бармоғини лабига босганча, кўзларини бурчакка қадаб унсиз ўтирас, шу тариқа кунларни қаритаркан.

Ҳозир у она-болани чайлада ёлғиз қолдириб, ўзи боғ қўшниси Хушҳол энани айтиб чиққани кетипти. Бироздан сўнг бурни катта, оппоқ соchlари патила-патила бўлиб серажин пешанасига тушган кампир — Хушҳол энани бошлаб келипти. Хушҳол эна Бувиш энадан Илёснинг томоги оғригани-ю Қумри

опанинг нажот излаб бу ерга келгани ҳақида билиб олипти. Йүл-йүлакай билғанларини қориёд қилиб келипти: «Гулафшону бадаҳшоннинг томири юракда бўлади. Етти хил бўлиб баданга тошади. Кўкиям бўлади, қорасиям бўлади, сарифиям бўлади. Етти хил донни — тариқни, буғдойни, арпани, сулини... сачратқоқи билан қайнатиб суртса...».

Қумри опа Хушҳол энага пешвоз чиқипти.

Улар қўришиб, сўрашишипти. Қумри опа ўғлига нима бўлганини, қандай оғриб қолганини Бувиш энага тушунтиргандай нафаси қайттудек бўлиб шоша-пиша қайтадан арзи ҳол этишга киришипти.

Хушҳол эна Илёсга яқин келиб:

— Жоним болам, а-а, де! — дея ингичка бармоғи билан унинг тилини босиб, томогининг тубига тикилипти. — Гулзундонак! Жоним болам, гулзундонак! — холоса чиқарипти сўнгра. — Гулзундонак уч хил бўлади, иссиқ-совуқдан ҳам бўлади. Жоним боламни иссиқ-совуқдан. Ёнғоқ, данак, асал-новвотдан ҳам бўлади...

Илёс бошқа сўз эшитмапти.

Хушҳол энанинг бигизга ўхшаган асбоби унинг томоғига санчилипти. Оғриқ жисму жонини ўртапти. Кўз олди қоронғилашипти. Бир оёғини Бувиш эна, иккинчисини Қумри опа босиб туришипти. Аясининг қўллари қалт-қалт титрапти. Илёс лахта-лахта қора қон тупурипти.

У ярим тунда кўз очипти.

Сандик устида липиллаб ёғчироқ ёнаркан.

Шифтда, бурчакларда соя ўйнаркан.

Бувиш эна... қўлида бир дона оқ ўрик, кафтини иягига тираганча Илёснинг бошида ўтиаркан.

«Мен сени Шарофатнинг боғидан етаклаб ўтаёт-танимда дарахт шохидан ерга тушиб ётган бир дона

оқ ўрик олғандинг. Шунда койиб, бегона боғдан сұрамай мева олмаслик кераклигини айттанимда, ўрикни яна жойига қўйғандинг. Шарофатнинг боғидаги дараҳт остида ҳамон оқ ўриқлар тўкилиб ётади».

Шунақа экан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа қилиб, бир қултумдан кўз очган вужуд.

Бир луқмадан тикланган вужуд.

Яна қайси ёмғирлар ёғмоқда?

«Сиз нега тўшакка михланиб олдингиз, Бувиш эна?».

«Мадорим йўқ...».

«Сиз...».

«Чарчадим...».

«Сиз...».

«Тоқатимда тоқат қолмади...».

«Сиз...».

«Сабримда сабр қолмади...».

Кумри опа кичкинагина дераза рўпарасида ўти-  
раркан.

Пойгакда икки киши тиззалашган экан.

«Бувиш эна, сиз ҳеч нарсадан хавотир олмай, хотиржам даволанинг, тузалиб кетасиз».

«Курбон чолга айтинглар, ўзининг токини сугор-  
ганда Бувиш кампирникига ҳам жилдиратиб сув  
қуиб қўйсин».

«Хўп, эна, ўзимиз ҳам бориб суғораверамиз».

«Ток жонивор увол бўлади».

«Хўп, эна...».

Шу чоқ Бувиш энаникига Нульмон қиртиш ки-  
риб келипти.

У остоңада тик турганча токчалардаги эски мис обдаста, лаганларга, тахмонга тўсиб қўйилган, Бу-  
виш эна ўз қўли билан тиккан сўзанага бирма-бир  
назар ташлаб чиқипти.

— Ахвол қалай? — дея оғзининг бир четини салпал очиб, ғалати тарзда илжайипти.

Бувиш эна бош ирғаб уни ўтиришга таклиф қилипти.

Нұймон қиртиш этигини пойгакдаги шолчага арта-арта, ечмасдан түрдаги күрпачага келиб ўтирипти.

У Қумри опа узатган чойни хўриллатиб ичаркан, Бувиш энага қараб:

— Юрагим оғрийди денг-а! — депти.

— Шунақа.

— Боғдан хавотир олманг, ўзимиз қараймиз.

— Турсунмуродим келгач эгасиз қолмайды.

— Бое бўлади-ю, эгасиз қоладими? — совуқ тиржайипти Нұймон қиртиш.

— Ҳотам акангизнинг боболаридан қолган.

— Ҳа, авваллари ёнғоқзор бўлган экан, мана энди токзор.

— Шуни айтаман-да.

— Энди мен борай.

— Яхши бор.

Нұймон қиртиш чиқиб кетипти.

«Ииғладингми, Қумри?».

«Йўқ, эна».

«Кўзингда ёш».

«Тутундан, эна».

«Хўл ўтин ёқма».

«Хўп, эна».

«Ўчиққа ўтин қалаганингда остига қуруқ хасчўпларни қўй».

«Хўп, эна».

Қумри опа туйқусдан ўкраб юборипти.

Шундагина унинг кўз ёшлирига тутуннинг ҳеч қандай дахли бўлмагани билинипти.

Күмри опа узалиб, бошини Бувиш әнанинг күксига яширипти.

Бувиш әна унинг соchlарини силапти, ёш қизни овуттандек овутипти.

Күмри опа қадрдан бир хидни түйипти. Бошини әнанинг күксига қаттиқроқ буркапти. Беихтиёр, алам ва армон билан, бир таскин истагандек, бслалыгини эслапти.

Күз ўнгіда каттакон бир тол намоён бұлипти.

Тол тагида соchlари жамалак бир қизалоқ намоён бұлипти.

У майда-майда тошларни олдига териб қўйганча тўптош ўйнармиш.

Унинг жамалак соchlарига толпопуклар тақилган эмиш.

Унинг отаси чўпон бўлган экан.

Шу сабабли, баҳор келиши билан уларнинг оиласи адирдаги равотга кўчишар экан. Атрофи пахса девор билан тўсилган қўтоннинг бир бурчагидаги уйчада ётиб-туришар экан. Тунлари уйчани ёритиб турадиган ёғчиrok, кираверишдаги пўстак, сут-қатиқ идишлари, паст-баланд ун қопчиқлари негадир унинг ёдига тез-тез тушиб тураркан. Жун қирқишига, қўзиларни ажратиб олишга келганлар гугурт, чой, қанд келтиришаркан, бир кун-ярим кун меҳмон бўлиб, кўй сутига тўйиб-тўйиб қайтишаркан. Супа остидаги ертандирни аяси кўй қийи билан қиздириб, чапати нонлар ёпаркан, қозонда қотирма пишишаркан, келганлар қотирма ўртасига сариёғ эритиб ейишини яхши кўришаркан. Устига кигиз ёпиб ташланган қозон-товоқлар олдида калласи катта, бўрибосар ит қоровуллик қилиб ётаркан. Дадаси кун бўйи Туркестон тизма тоғлари этакларидағи яйловларда кўй боқар, кечқурун чангта ботиб, толғин товушда «қур-эй, қур-эй», дея, ирғай таёғини боши узра айлантирганча сурувни келтириб қўтонга қамаркан.

«Нарироқ тур, қизим, сут түкиляпти».

Бу сигир соғаёттан онасининг товуши экан.

«Кел, Қумри, бирпасгина тиззамга ўтириш».

Бу супа четига чүккан отасининг чорлови экан.

Шунақа экан.

Шунақа бұлган экан.

Шунақа бұларкан.

Ота-она дегани бугун бору эрта йүқ экан. Борида билинмаган қадри йүғида ўртар экан. Бирорда уларнинг белгисини күрганды одамнинг жонини бергиси келиб кетаркан. Қумри опа Бувиш әнанинг құксига юзини яшириши шундан экан. Олтөвини тупроққа топшириб, еттинчисини туны құнлар бедор кутаётганды Бувиш әнанинг Қумри опани бағрига босиши шундан экан.

Бунда она-бола ҳислари жүш уаркан. Соғинч ҳислари ҳаприқаркан.

Қумри опанинг пешанаси, бурни нимадандир қичимсираёттандек бұларкан, тинимсиз ҳиқилларкан, юраги ториқаркан, тұлиб-тұлиб кетаркан.

Бувиш әнанинг бир бурдагина серажин юзида игна тешигидек базур билиниб турған күзларининг туб-тубида борлиғу олам әвриларкан. Азал ва абад әвриларкан. Замон ва макон әвриларкан. Әврилмакда бўлган мана шу ҳақиқатдан ўзгаси сароб экан. Ўзгаси хаёл экан.

Бувиш әнанинг құксига бош қўйган Қумри опа:

— Она, — деркан.

Қумри опанинг сочларини силаёттан Бувиш әна:

— Болам, — деркан.

«Она...».

«Болам...».

«Мен сизнинг бағрингизда кўз очганимда...».

«Мен сени буғдойзор оралаб олиб ўтганимда...».

«Мен сизнинг қўксингизга талпинганимда...».

«Мен сени бедазор оралаб олиб ўтганимда...».

«Мен сизнинг...».

«Мен сени...».

— Онажон...

Қумри опа ўзини босиб ололмас, унинг елкала-  
ри силкинар, Бувиш эна эса нам қолмаган нигоҳини  
олис-олисларга тиккаң экан.

— Болажоним...

Ташқарида шамол увларкан.

Нималарнидир қидираётгандек ўзини ҳар ёқлар-  
га, тешик-теликларга уаркан.

Қудук ғалтаги ғирчилларкан, бўш челяк та-  
рақларкан, ғалтак устида юз йигирма йиллик ва ун-  
дан аввалги тарих битикларини яширмоқчи бўлаёт-  
гандек Шоҳид шамолда юлқинаётган қанотларини  
йиғишириб олмоққа уринаркан.

Аммо юз йигирма йиллик ва ундан аввалги та-  
рих битикларини Шоҳид яширмоқчи бўлаётган бўл-  
са-да, уларни яширишнинг сира иложи йўқ экан.

Ер юзида Қобилнинг Ҳобилни тош билан уриб  
ўлдиргани, унинг майитини нима қилишни бил-  
май елкасида ортмоқлаб юрганидан бошланган одамизод  
муҳорабаси абадул абад бардавом экан.

Хеч тугамас экан.

Одам болалари Жин ибн ал-Жон менгизлик қон түкаверар экан.

Кимсасиз саҳроларда, ўрмонарда, дарёларда, уммонадарда, осмонарда жангы жадаллар давом этавераркан.

Шунақа экан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа бўларкан.

Шунақа қилиб, Шоҳид барчасидан хабардор экан. Чунки Қобил Ҳобилнинг мурдасини нима қилишни билмай елкасида ортмоқлаб юрган чоғида икки қарға ҳам бир-бири билан чўқишиб, бири иккинчисини ўлдирибди ва ўлдиргани ўлганининг устига хас-хашак ёпиб маййитни кўздан нихон қилибди. Қобил ҳам шундай қилибди, қарғадан ўрганиб Ҳобилнинг ўлигини ерга кўмибди. Шу-шу одам зодга маййитни ерга кўмиш расм бўлибди.

Итга едирмасмикан?

Итга едиаркан — барибир суюгини ерга кўмаркан.

Кушга едирмасмикан?

Кушга едиаркан — барибир суюгини ерга кўмаркан.

Оловда ёндиремасмикан?

Оловда ёндиаркан — барибир сўроғини ердан сўраркан.

Ҳавода чиритмасмикан?

Ҳавода чиритаркан — барибир сўроғини ердан сўраркан.

Сувларда оқизмасмикан?

Сувларда оқизаркан — барибир сўроғини ердан сўраркан.

Негаки, муқаррарликка ер жавобгар экан.

Ер — муқаррарлық макони экан.  
 Қиёматда ер ва одамзод юзма-юз тураркан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз Қобилга таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз Нұхға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз Қайсарға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз Искандарға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз Отилахонға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз Чингизхонға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз Темурбекқа таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз Наполеонға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз римликларға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз форсларға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз хұнларға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз ханларға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз туркларға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз Ажамға таниш экан.  
 «Қарғ...».  
 Бу овоз Адамға таниш экан.  
 Бу овозға ташна яна ким экан?!  
 «Қарғ...».  
 Бу овозға муштоқ яна ким экан?!

«Қарғ...».

Бу овоз яна кимга керак экан?!

«Қарғ...».

Бу овоз яна кимга лозим экан?!

«Қарғ...».

Бу овоз...

«Қарғ...».

Бу овоз...

«Қарғ...».

Бу овоз...

«Қарғ...».

Бу овоз...

«Қарғ...».

Ташқарида эсаёттан шамол тиниб қолипти.

Теварак-атроф говгумлашиб, кеч кира бошлапти.

Бувиш эна шу кеча бироз тинч ухлабди. Эрталаб оз-моз ўзига келгандек бўлипти. Илёсни олдига чақириб, қўлига ғижимланган уч сўмлик, бир сўмликлар тутқазипти.

— Капаратипга чоп, — дебди магазинни «капаратип» деб атаганича.

— Нега, эна?

— Уч-тўртта чопонлик, белбоғлик лас ол.

— Нега, эна?

— Бувиш энам айтдилар, дегин.

— Ласни нима қиласиз, эна?

— Белимда мадорим борлигида юртимга — отамнинг, онамнинг юртига борай. Сийнимнинг болаларига тўнлик элтиб берай, белбоғлик элтиб берай. Кийиб, боғлаб йиғлашсин.

— Хўп, эна.

— Шунақа қил.

— Хўп, эна.

Бувиш эна, «Отамнинг юрти, онамнинг юрти — менинг юртим» дегани қир ортидаги Иторчи қишлоғи экан.

Коровултепага чиқиб қаралса, нариги қир ён-

бағрида, сойлик бүйіда яkkам-дуккам сочиlgан шахсали-синчсиз, гувалали-синчли уйлар, әкин-ти-киңсиз, очиқ-сочиқ ҳовлилардати молхоналар, улар томига бостирилған пичан ғарамлари, гүнтепалар күринаркан.

Дов-дарахтлар жуда кам экан. Яkkам-дуккам толу садалар күзга ташланаркан.

Ана шу қишлоқни Иторчи дейишаркан. Асли Утарчи бўлиши керак экан, аммо Иторчи дейишга кўнишишган экан.

Мол қувиб юрган бошяланг, оёқяланг болакайлар; сойликдан, суви жилдирабгина оқаётган булоқларнинг сўнгти кўмилмай-қуримай қолганидан чеълак билан сув олиб чиқишаёттан узун-узун кўйлакли аёллар; тепаликларда гуппи чопон кийган, бошларига қийиқ боғлаган тўп-тўп эркаклар кўринаркан.

Булар иторчиликлар экан.

Сойлиқда бир вақtlар булоқларнинг сувини қониб-қониб ичган ўриклар энди сувсизликдан қуриб-қовжираган, кўкка маломат қилиб, қоқшол панжаларини узатиб туришгандек экан. Ҳар ер-хар ерда буришган-қуришган ток занглари очилиб-сошлиб ётаркан. Сув бўлмагач, әкин бекор экан.

Қишлоқдан сал юрар-юрмас сўнгсиз қирлар, поёнсиз даштлар бошланаркан.

Бувиш эна шуни соғиниб яшаган экан.

«Юртимнинг оҳанрабоси бор-да».

Бувиш эна шунга энтикиб яшаган экан.

«Тупроғи тоза, ҳавоси енгил».

Кейин-кейин, туққанини тупроққа қўявериб унинг Майдончага ҳам жигари, юраги боғланипти. Шамоллару қуюнларга манзилгоҳ бўлган талотўп саҳрони ҳам, гулурайхонлар, чечаклар қулф уриб турфа ранг тараттган боғу бустонни ҳам, харобазору ташландик, ободу нообод жойларни ҳам одамлар

юрт тутишса, нега ташлаб кетмасликларини, кета олмасликларини шундагина англаб етипти.

Авваллари у Иторчига бораётганида Турсунмуродни опичлаб, қўйлагининг барини липпаси-га қистириб, этагига беш-ўнта тош солиб олар экан. Жон ҳалпида югуриб чиққан саёқ итларга чап қўллаб тош отаркан, ўнг қўли билан Турсунмуродни маҳкамроқ ушлаб оларкан.

Шунақа қиласаркан.

Шунақа қилиб, Бувиш эна авваллари бўлиб ўтган шунақа воқеаларни эслай-эслай Илёс магазиндан келтирган ласни бўхчага тугипти. Рўмолини ўраб, махси-ковушини кийипти.

«Эна, кетяпсизми?».

«Ха, Қумри, эчкини соғиб тур».

«Хўп, эна».

«Сутни йиғиб ивит».

«Хўп, эна».

«Соғмасанг, сут тўлиб, эчкининг эмчаги оғрийди».

«Хўп, эна».

«Турсунмуродим келиб қолса, юртимга хабар юборинглар».

«Хўп, эна».

Бувиш эна қўлига ҳассасини олипти. Инқилаб-синқиллаб йўлга тушипти. Тор кўчадан тош йўлга чиқипти.

«Ассалому алайкум, Бувиш эна».

«Вaalайкуму ассалом. Юртимга кетяпман».

«Ассалому алайкум, Бувиш эна».

«Вaalайкуму ассалом. Сийнимнинг болаларига, Ҳайит укамга чопонлик, белбоғлик олиб борай-чи».

«Ассалому алайкум, Бувиш эна».

«Вaalайкуму ассалом. Чопон тикиб тайёрлик кўраверишсин».

«Ассалому алайкум, Бувиш эна».

«Ваалайкуму ассалом. Йиғлаб-иіғлаб, тепиб-тепиб күмишсін».

У тош йўлда ҳам яёв кетаверипти.

Ёнидан бир-икки катта-кичик машина үтипти.

Тұхтамапти.

Кампир ҳам қайрилиб қўл кўтартмапти.

Кетаверипти.

Бир енгил машина ёнгинасида тұхтаганини пай-қаса ҳам парво қилмапти.

«Йўл бўлсин, эна?».

«Иторчига, энанг айлансин, сийнимникига».

«Ўтиринг, эна, олиб бориб қўяман».

«Барака топ, болам».

«Бўхча-тугун кўтарибсиз, эна?!».

«Юртимга боряпман. Бир қадам олис — олис экан-да! Ўлимимга кийсин, деб чопонлик әлтапман».

«Йўлга чиққанда яхши ният билан чиқинг-да!».

«Биздай кампирларнинг яхши нияти ўзига яхши ўлим тилаш, болам».

«Майдонча билан Иторчининг ораси бир қадам-ку?! Юртим, юртим дейсиз, ҳаммаси бир юрт, бир әлат-да».

«Билмасам, болам».

«Одам ҳам кексараверса инжиқ бўлиб қоларми-кан, ё?!».

«Билмасам, болам».

«Хозир ким қаерда яхши яшаса ўша ерни юрт тутиб кетаверади».

«Билмасам болам».

Шу чоқ қишлоққа кираверишда, ёмғир-қорлардан уваланиб тушавериб, ўркач-ўркач бўлиб қолган, пахса девор билан ўралган қабристонга етиб қолишиган экан.

Бувиш эна негадир шошиб қолипти.  
 Ҳай боламлаб, қолипти.  
 Тұхтат боламлаб, қолипти.  
 Унинг бу ҳолатига ҳайдовчи бироз ҳайрон бұлипти.

Кейин машинани тұхтатипти.

Бувиш эна машинадан тушиб, дуо қилипти.  
 Машина яна ўз йүлиға кетипти.

Бувиш эна қабристонга яқиналашипти.

Бу жуда әски қабристон экан.

Ү қабристонга салом беріб кирипти:

— Ассалому алайкум, әй аҳли қубур!

«Ассалому алайкум, әй аҳли қубур!».

Үт-үланлар саловат айтишипти.

«Ассалому алайкум, әй аҳли қубур!».

Майса-тиёхлар саловат айтишипти.

«Ассалому алайкум, әй аҳли қубур!».

Юрган, юрганлар саловат айтишипти.

«Ассалому алайкум, әй аҳли қубур!».

Учган, юзганлар саловат айтишипти.

«Ассалому алайкум, әй аҳли қубур!».

Абри найсонлар саловат айтишипти.

«Ассалому алайкум, әй аҳли қубур!».

Саловат айтишипти...

«Ассалому алайкум, әй аҳли қубур!».

Саловат айтишипти...

«Ассалому алайкум...».

«Ассалому алайкум...».

«Ассалому алайкум...».

«Аҳли қубур...».

«Аҳли қубур...».

«Аҳли қубур...».

Бувиш эна қабристонға кириб борипти. Унинг бир бурдагина серажин юзида игна тешигидек базур билиниб турған күzlарининг туб-тубида борлиғу олам әвриларкан. Азал ва абад әвриларкан. Замон ва макон әвриларкан. Эврилмакда бўлган мана шу ҳақиқатдан ўзгаси сароб экан. Ўзгаси хаёл экан.

Қабристонда ўтлар ўриб олинмаган экан.

Тепачаларни бир-биридан ажратиш мушкул экан.

Аммо Бувиш эна ота-онасининг қабри қаердалигини кўз юмиб ҳам топа оларкан. У ҳар бир қабр ёнида дуо ўқий-ўқий аждодлари хоки пойига етипти.

Эй, художон, даргоҳинг намунча кенг; эй, художон, намунча ифорли; эй, художон, намунча шафқатли; эй, художон, намунча... намунча... намунча...

Қабристондан чиққач, Бувиш эна жар ёқалаб ёлғизоёқ йўлдан кетипти. Синглисисининг болалари қиямалиқда почаларини тиззагача шимариб чалма босишаёттан экан. Чалмахонадан иссиқ ҳовур кўтариларкан. Бу чалмалар қишида танга роҳат бўларкан. Таңдирни гуллатаркан. Ўчоқни обод қиларкан. Таңчани бозиллатаркан. Бундан ўтадиган ўтин дунёда топилмас экан.

Шунақа экан:

— Энам келдилар, энам келдилар, — деганича ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги қизча қўлидаги паншахани ташлаганича чалмахонадан югуриб чиқипти.

Узоқдан у тиззасигача яланғоч оёғига жигарранг этикча кийиб олганга ўхшаб кўринаркан.

Ундан сўнг бошқа болалар ҳам югуриб қолишипти.

Улар ҳам тиззаларигача яланғоч оёқларига жигарранг этикчалар кийиб олганга ўхшашаркан.

Бувиш эна уларнинг пешоналаридан ўпибди.

Дастлаб югуриб чиққан қизчадан аясининг қаер-  
далигини сұрабди.

— Опамизнинг сигири туққан әкан, қуллуқ бүл-  
синга кетдилар, — дебди қизча соддадиллик билан.

Бувиш эна кулиб қўйибди.

Қизчанинг соддадиллик билан айтган жаво-  
бидан кулиб қўйибдими, бошқа нарсадан кулиб  
қўйибдими — буни ўзи биларкан.

Ўзлари биларканлар!

Улар ҳовлига етишибди.

Қизча қўл-оёғини тезгина ювиб, оппоққина бў-  
либ олибди ва пешайвонга, сўрига жой қилибди.  
Кўрпачалар ёзибди. У қувончини ичига сиғдира  
олмас әкан. Бувиш энани қўярда-қўймай энг тўрга  
ўтқазиб қўйибди.

«Энажон, чарчаб қолмадингизми?».

«Йўқ, болам».

«Энажон, ёнбошлиб олинг».

«Хўп, болам».

Пешайвоннинг нариги ёғида тиззасидаги бароқ  
мушукнинг бошини силаганча қандайдир чуқур  
ўй-хаёлларга берилиб Ҳайит ўтирган әкан.

Ҳайитлиги қолмаган Ҳайит ўтирган әкан.

Урушда бир кўзи ўпирилиб кетган Ҳайит ўтирган  
әкан.

Урушда чап оёғи узилиб қолган Ҳайит ўтирган  
әкан.

Урушда ўнг кўли узилиб қолган Ҳайит ўтирган  
әкан.

Яримжон Ҳайит ўтирган әкан.

Хастақалб Ҳайит ўтирган әкан.

Қувноқ чеҳраси чуқур-чуқур ажинлар соясида  
қолиб кетган Ҳайит ўтирган әкан.

Кўм-кўк, тиник кўзлари изтиробнинг йилтира-  
ган чўғига айланган Ҳайит ўтирган әкан.

Малларанг соchlари оппок оқарыб кетган Ҳайит ўтирган экан.

Уруш түғрисида гап кетса асаби чидолмайдиган Ҳайит ўтирган экан.

У бир томонға қийшая-қийшая Бувиш әнанинг олдига келибди.

— Келибсиз-да, Бувиш опа, — дебди бир ёни билан сүрига чиқаётib.

— Келдим. Ўтирибсанми бир кунингни қилиб?

— Шу.

— Майли, сенинг ахволингга тушиб бўлсаям Турсунмуродим бир қора берсайди.

Ҳайит опасига ғалати қараш қилиб қўйипти.

— Ўрис хотин олиб ували-жували бўлиб кетган бўлса онани унутдимикан?

Ҳайит ерга қарабди.

Шу чоқ устига бўш кашай ташлаб олган эшагининг нўхтасидан тортганича ҳовлига Носир чўтириб келибди.

У сўри томонға бош иргаб қўйиб:

— Ассалому алайкум, — дебди.

Кейин эшагини ҳовли ўртасидаги отқозиққа олиб бориб боғлабди.

Кейин сўри томонға кела бошлабди.

Усти бошини қоқа-қоқа келибди.

— Тани жонингиз соғ-саломатми? — деб Бувиш эна билан ҳол-ахвол сўрашган бўлибди.

Ҳайит томон илкис назар ташлаб олиб:

— Сиз ҳам ўтирибсизми? — деб қўйибди.

— Носирвой, кел, — дебди Бувиш эна.

Носир чўтири сўрига чиқаётib:

— Бегона тупрөк, девона тупрөк, — деб қўйибди.

Улар дуо қилишибди.

Носир чўтири Бувиш эна узатган пиёлани ерга

қўймай ҳўриллатганча иссиқ чой ҳўпларкан, баша-расини буришириб:

— Агаротга кул тўкаётган эдим, — дебди мухим бир юмушни қойиллатаётгандек.— Шу ҳовлида кул сероб, деб эшитган жойим бор эди.

— Ким айтди? — деб сўрабди Ҳайит.

— Ҳа, энди эшитдим-да, — дебди Носир чўтири. Кейин гапни бошқа ёққа буриб: — Болам-чақам деб умр ўтаверар экан, — дея хўрсинибди. — Шуларни деб қонларни кечиб келдим-а. Ҳалиям тиним йўғ-а. Ўғил-қизим қариндош, мардана бўл ёлғиз бош! Эҳ, эски одамлар жа-а топиб айтишган-да!

Носир чўтири шунақа бўлгани билан анча-мунчада қийинчиликларни кўрган, паст-баландни биладиган одам экан.

Аммо феъли шунақа экан.

Феълни тузатиш қийин экан.

Букрини гўр тузатади деганлари шундан экан.

У пиёлага нон бўктириб ебди. Тиззаларига думалаб тушган ушоқларни тергилаб оғзига тиқипти. Кетам-кет пиёла бўшатиб чой ичипти. Ўзини бечораҳол кўрсатиб, болаларини оғзини кўпиртирганча ёмонлабди. У сўзлагани сайин Ҳайитнинг жаги билан ёноғи орасидаги без тинимсиз қимирлаб, иякли-ри пир-пир уча бошлабди.

— Кет-э! — деб юбориби у таҳдид билан.

— Ие, ие?! — деб қолибди Носир чўтири ўтакаси ёрилгудек бўлиб.

— Тур, жўна! — дебди Ҳайит олдинга ташланмоқчи бўлгандай бир ҳаракат-ла.

— Мен нима қилдим? — кифт қисибди Носир чўтири сўридан тушаётиб. — Нима ёмонлик қилдим?

— Ҳадеб ёмонлайверасанми?! Ўз болаларинг-ку?! Ўзингники-ку? Сен ёмонки, боланг шундай! Ҳаммаси ўзингдан, ўзингдан!

Шу гапларни айтади, Ҳайит ҳассасини Носир чўтирга милтиқ ўқталгандай ўқталган экан, у сўридан тушибоқ жуфтакни ростлабди.

Носир чўтири кетгач, орага ноқулай жимлик чўкибди.

Шунда Бувиш эна сўзга оғиз жуфтлабди:

— Ҳайи-ит... — дебди.

Ҳайит бошини солинқиратиб ўтираверибди.

— Ини-им!.. — дебди.

Ҳайит бошини кўтариپти.

Унинг юзи азобли экан.

Унинг қўзлари ғуссали экан.

— Мен сенга чопонлик келтирдим, — дебди Бувиш эна. — Сийним тикиб берсин. Ўлсам, етиб боргина.

Ҳайитнинг соғ кўзида ёш ҳалқаланипти.

Шунаقا бўпти.

Шунаقا бўлар экан.

Шунаقا қилиб, Бувиш эна туғилган қишлоғига бориб кўнглининг бир четини тинчитиб келибди.

Куз ўтиб, қиши келибди. Туркистон тизма тоғлари этакларига сочилган қишлоқлар туманлар бағрига сингиб кетибди. Қайларгадир жунаворган Шоҳид ҳам қайтиб келиб, қудуқ ғалтаги устига қўнибди. Бувиш энанинг кириб-чиқиб турганини куриб суюннипти мёнки бошқа бир муҳимроқ хабар етказмоқчи бўлибдими, ишқилиб, «қафф...» деб қўйипти. Шу чоқ пахса деворда устига иккита чапати нон бостирилган бир товоқ ош пайдо бўлибди. Товоқнинг ортидан қора телпак, қора телпакнинг ортиданг ўн уч-ўн тўрт ёшлиар чамасидаги боланинг соувқдан қизарган кулча юзи кўринипти.

Бола Бувиш энани чақирибди.

Эшитмай қолмасин деб овозини баралла қўйиб чақирипти.

Бувиш эна чиқипти.

— Товоқни бүшатиб беринг экан, эна, — дебди бола.

— Шунақами?

— Ҳа, ўртанинг товоғи-да.

— Кириб исиниб ол, болам.

— Кўки бобонинг, Нарзи момонинг насибалари-ни ҳам элтиб беришим керак, шошиб турибман.

— Тўй кимники, айланай?

— Наби амакиники.

— Қиз чиқаряптими?

— Келин туширяптилар.

— Шунақа де.

— Ҳа, эна.

— Илойим, қўша қаришсин!

— Айтганингиз келсин.

Бувиш эна товоқни бүшатиб берипти.

Бола изига қайтипти.

Бувиш эна унинг ортидан қараб қолипти.

«Мана, Набиям келин оладиган бўпти. Турсунмуродимдан каттамиди-кичикмиди?!» — деб ўйлабди.

Набининг онаси Сайрамбиби Бувиш энага дугона бўлган экан. Қаттиқчилик йиллари бир куни Бувиш эна Турсунмуродни етаклаб уникига кирипти. Сайрамбиби хувиллаб шамол изгиётган ошхонада қозон тўла кўк ўт қайнатяпти экан.

— Нима қиляпсан, Сайрам? — деб Бувиш эна қозонга ажабсиниб қараган экан.

— Ўт қайнатяпман, — деган экан Сайрамбиби.

— Нега?

— Болаларимга.

— Болаларимга дейсанми?!

— Ҳа.

— Бундан кўра қутурмоч қилиб бера қолмабсан-да.

— Бир ҳовучгина буғдойим бор эди.

— Еб қўйишидими?

— Уни қутурмоч қилиб пўстакка сочиб юборувдим...

Сайрамбиининг чиройли кўзларида ёш ҳалқаланибди.

— Нега пўстакка сочасан?

— Дарров тугатиб қўймай териб ейишсин девдим-да.

— Вой, ўйлаган нарсангни.

— Пўстак зумда талош бўлиб кетди.

— Энди буни ўйлаб топдингми?

— Ҳа.

— Ичларини оғритиб, болаларингни бир кечада ўлдириб қўйма тағин.

— Дадалари даладан бирон нима топиб келгунларича шуни қайнатиб турай, Бувишжон.

— Бу ишингдан наф йўқ.

— Шуни қайнатсам, чирқиллашмайди, йиглашмайди.

— Уларнинг кўзларини алдамоқчи бўляпсанми?

— Бошқа нима қилай? Онам овқат қиляпти деб ўлашади-да!

— Вой, Сайрам-ей?!

— Кутишади...

— Боёқишигина.

— Умид қилишади...

— Топган қилифингни...

— Эсимни ебманми уларга ўт бериб?!

Шунақа экан.

Шунақа бўлган экан.

Мана, бугун боёқиши онаизорнинг дилини эзганча пўстакдан жун аралаш қутурмоч териб оғзига солган,

бармоқларини сурганча күзларини жовдиратиб отасининг даладан бошоқ териб, илдиз териб қайтишини кутган болакай қатор-қатор қўйлар сўйиб, боғлаб боқилган сўқимлар сўйиб элга ош бермоқда экан.

Эй, художон, даргоҳинг намунча кенг; эй, художон, намунча ифорли; эй, художон, намунча шафқатли; эй, художон, намунча...намунча...намунча...

Шунақа экан.

Шунақа бўларкан.

Бир йиғлаган бир куларкан.

Бир оч қолган бир тўяркан.

Бир музлаган бир эриркан.

Одам ҳам шу экан.

Ер ҳам шу экан.

Совуқ кунлар ариб, ер кулипти.

Ялпизлар ҳидини таратиб хуш шамоллар эсипти.

Ўт-ўланлар қўкариб қолипти.

Болалар кўчаларда бойчечак айтишипти.

Бинафшалар очилипти.

Бинафшадай келинчаклар кўкламга кўрк бўлипти.

Чучмомолар очилипти.

Чучмомодай қизалоқлар кўкламга кўрк бўлипти.

Экин-тикин амалга кирипти.

Майдончанинг намхуш кўчаларида бойчечак айтиб юришган болакайлар ҳовлиларга кириб янги турмуш қурганларга некбин ниятлар билдиришипти.

*Хулли бўлсин, ҳулли бўлсин,*

*Бойчечакдай гулли бўлсин.*

*Келар йили шу маҳалда*

*Кўши кокилли улли бўлсин.*

Бегуноҳ, мусаффо күнгилдан чиққан ниятлар тезда ижобат бўлармиш.

Кўклам қуёши тошларда ҳам гиёҳ ундиргани каби серсаҳоват, бағрикенг халқ ўз яраларига ўзи малҳам босиб олишга қодир бўлармиш.

Ўзини ўзи даволармиш.

Негаки, қалби тоза эмиш, мусаффо эмиш, гардсиз эмиш, ғуборсиз эмиш.

Унинг мадорсизлиги мадор эмиш, унинг кучсизлиги куч эмиш, унинг маҳзунлиги энг қайғули шодлик эмиш.

Шунақа экан.

Шунақа бўларкан.

Шунақа қилиб, Ер бағрини ёриб, ўнгу сўл томонига уруғ сочиб бораётган, ўнг томонига уруғ сочганда бу биздан умидвор худонинг бандаларига деган, чап томонига уруғ сочганда бу биздан умидвор қум-қушларга, қурт-қумурсқаларга деган — барча умидворларнинг умидини ёруғ аъмолга айлантириб ризқ улашган ким экан?

Қўли қадоқ дехқон экан.

Бу ҳалол, тоза қўлларнинг ҳар қадоғида ҳаёт мавж ураркан; бу ҳалол, тоза қўлларнинг ҳар қадоғига юрган-юрганлар, учган-юзганлар минг бора тавоф қиласа арзиркан.

Дехқон етиштирган ҳосил ўриб-йигиб олинган ангорларда «ҳай-ҳай»лаб, эчки-сигирлар ортидан елиб-юрган, ҳар қадамида ибодат, ҳар қадамида сажда намоён бўлаётган ким экан?

Оши ҳалол, noni ҳалол подачи экан.

Канорасиз кенг далаларда, тоғу тошларда, чўлу биёбонларда қўр ташлаб, ўзи билан ўзи гаплашиб юрадиган, қўй-қўзиларсиз, дала-қирларсиз қўзиға ҳаёт зерикарли кўринадиган ирғай таёқли сода-дулвор киши ким экан?

Чүпон экан, чүлиқ экан.

Үзи сенда мана шу соддадил ажойиб одамларсиз күнгилни ошуфта қила оладиган яна ńималар бор, эй, аччиқлигидан лаззатга құмилган Ҳаёт?!

Ер остидан гуркираган дарёлар оқар экан, бу тиник сувларнинг ҳар қултумида ҳаёт мавж ураркан, ер остида ҳаёт мавж ураркан, бу ҳаёт йўлларини очишга жаҳд қилған ким экан?

Теша кўтарған қудуқчи экан?

Яна...

Ҳарф ўргатған муаллим экан.

Яна...

Ямоқчи экан.

Яна...

Қадоқчи экан.

Яна...

Ҳар бир инсон каттами-кичикми бир юмуш қи-  
ларкан. Абадият тоглари узоқ-узоқларда эмас, ана  
шу юмушлар туфайли инсоннинг ёнгинасида юкса-  
либ бораверар экан.

Абадият тоглари ҳам Туркистон тизма тоглари  
каби экан.

Туркистон тизма тоглари этакларига сочилған  
қишлоқларда ажойиб одамлар яшаркан. Уларнинг  
кўринишларига, ёноқларининг суюклари туртиб  
чиқиб, кўзлари косасида чуқур ботиб кетганига, қо-  
райган юзларини ажин кавлаб ташлаганига, ҳорғин-  
ликларига, содда-дўлворликларига қараманг экан,  
ва яна ажабланманг экан, азал-абад ҳаёт абадиятини  
яратиб келаётган мангуликка дахлдор халқ мана шу  
одамларнинг ўзлари экан.

Шундай бўлгач, уларга тавоф қилмоқ зарур экан.

Жуда зарур экан, доғда қолманг экан.

Шундай бўлгач, уларга таъзим қилмоқ зарур  
екан.

Жуда зарур экан, афсусда қолманг экан.  
 Шундай бүлгач, уларга меҳр зарур экан.  
 Жуда зарур экан, кечикиб юрманг экан.  
 Шундай бүлгач, уларга кек қилманг экан.  
 Улардаги олмоста дарз тушар экан.  
 Шундай бүлгач, уларни ажратманг экан.  
 Улардаги гавхарға доғ тушар экан.  
 Олмос ҳам уларнинг ўzlари экан.  
 Гавхар ҳам уларнинг ўzlари экан.  
 Бу тоғлар — Туркистан тизма тоғлари экан.  
 Қадимул айём дунё сахнида бирикмоқ орзусида-  
 ги ялакат вужуд экан.

Нұх авратини ёпган ягона орият, номус экан.

Ажралмас Рұх экан.

Шунақа экан.

Шунақа бүлган экан.

Шунақа бүларкан.

Шунақа қилиб, қиши ариб, күклам келипти. Кун-  
 лар татти бүлипти. Кампирлар бойчечакчилаңнинг  
 қопчиқларига ун солиб беришипти.

Мамнун қиёфадаги келинчаклар мушку анбар  
 бүйи анқиган рұмолчалар тақдим қилишипти.

Бувиши эна уй түсінларига кузда Элёр билан  
 Илесста айтиб, Турсунмуроднинг насибаси деб узум-  
 дар осдириған экан. Улар майизга айланиб, бандла-  
 ри чириб узилиб тушипти. Пұстак узра сочилипти.  
 Кампир уларни супуриб олмабди. Ирим қилипти.

Одамзод ҳар хил экан.

Бу бежиз әмас экан. Азалда, жаннатдан бадарға  
 өтилған Одам Ато үйқусида түш күрган экан. Тушида  
 пүтфаси ерга томиб, тупроққа қоришиған экан. Мана  
 шу обимандан Яъжуж ва Маъжуж яралған экан. Она  
 қорнини күрмаган экан. Киндиги балчиқдан унған  
 сассиқ алаф сингари кесилған экан. Шу важдан ин-

сонға ота томондан яқын әса-да, она томондан бегона экан. Одам болалари үн улуш бұлса, шундан түккіз улуши Яъжуж ва Маъжуж экан, қолган бир улуши инсоний экан, унга ҳам жин ва шайтон оралаб, инсоннинг азалий қиёфасини бузиб юборған экан.

Ё, валлоху айлам!

Шунақа экан.

Шунақа бұлған экан.

Шунақа бұларкан.

Шунақа қилиб, Нұсьмон қиртиш баҳор келиши биланоқ Бувиш әнанинг қабристон ёнидан үтган ёлгизоёқ ийлдан аста-секин қадам ташлаб үз боғи томон кетаёттеганиң күзи тушипти. Ерга тушган нутфа үз ишини қилипти. Қонға кирған шайтон үз ишини қилипти. Нұсьмон қиртишнинг негадир күнгли ғашланипти.

Кимсасиз бир кампирда каттакон боғ бұлса-ю, бола-чақаси оғзини жодидай очиб, ейман-ичаман деб турған одам яқын қариндош бұла туриб, шу боғни үзиники қилиб ололмаса, шу адолатданми?

У шу фикрини қишлоқ оқсоқолига айтипти.

— Биласиз, Бувиш кампирнинг ҳеч кими йўқ, менда әса бир этак бола-чақа.

— Хўш, нима бўпти?

— Бари ейман-ичаман, дейди.

— Бола бўлгач шу-да.

— Бу ёғига бўлмай қоляпти.

— Мен нима қилиб беришим мумкин?

— Шу-у... Бувиш кампирнинг боғини менинг номимга ўтказиб берсангиз эди.

— Э, офарин.

— Бу боғ авваллари ёнғоқзор бўлған экан.

— Хўш, нима бўпти?

— Уни яна ёнғоқзор қилардим.

- Ҳовлингизни какра, ёввойи супургилар босиб ётибди.
- Бизнинг ҳовлида шундан бошқа нарса ўсмаган.
- Шу боққа қараб қолдингизми?
- Жойи яхши-да.
- Боринг, бу гапни бир айтдингиз, иккинчи айтманг.

Шунақаси ҳам бўлган экан.

Шунақаси ҳам бўларкан.

Шунақа қилиб, Нуъмон қиртишнинг ўзи айтганми ёинки бошқа бирор орқали етиб борганми, ишқилиб, шунақа гаплар Бувиш энанинг қулогига ҳам етипти.

Боз устига қишлоқда ҳам боғ хусусида ҳар хил миш-мишлар тарқаб қопти.

«Бувиш эна боғини Нўъмон қиртишга берипти».

«Нўъмон қиртиш тортиб олипти денг».

«Эсиз, шундай боғ».

«Хотам бобо бу боққа қанақа қарап эди-ю».

«Ота-бобосидан қолган мулк эди-да».

«Мулк ҳам эгасига насиб этмаса қийин экан».

«Юртда одам қолмагач тўнғиз тепага чиқипти».

«Бувиш энанинг боғини Нўъмон қиртиш олди нима-ю, эгасиз қолди нима?!».

«Шундай боғ эгасиз қолди денг».

«Бувиш энанинг боғини хомталаш қилмаслик керак».

«Хотам бобонинг, унинг ота-боболарининг руҳлари чирқирамасин».

«Орага оқсоқол қўшилганмиш».

«Қаранглар-а, Бувиш энанинг ёлғиз ўғлигаям насиб этмади-я».

«Турсунмуродим»лаб кампирнинг ичи тўкилди».

Қүёш ўлтирада когда Майдонча тепалигига яна одамлар чиқиб келишипти.

Булар ҳам майдончаликлар экан.

Аммо қандайдир бошқача экан.

Әхтимол Бозор бобо тирилиб келса уларни танимас экан.

Әхтимол Ҳотам бобо тирилиб келса уларни танимас экан.

Әхтимол Зуфар қудуқчи тирилиб келса уларни танимас экан.

Әхтимол Исмат почтачи тирилиб келса уларни танимас экан.

Әхтимол Турсунмурод тирилиб келса уларни танимас экан.

Улар ҳам майдончаликлар экан. Аммо авлод алмашиниши баробарида қарашлар, күнгиллар, нигоҳлар, интилишлар — бари-бари алмашып ултурған экан.

Бувиш эна улар орасида ўқтинг-ўқтинг ўзини бетона сезар экан.

Чукур-чукур хұрсинар экан, ўзимницилар-а, дер экан, аммо улар юрагини сиқар әди, кеттиси келар экан, бироқ ёлғиз ўғлининг илинжи уни ушлаб турада экан. Эрта-индин кириб келиб қолади, деб хомтама бұлар экан. Яна ўша томётоққа чиқиб ётишини орзулада экан. Юлдузларга термулиб ётишини хаёллар экан.

Сомон йўлига термулиб ётишини хаёллар экан.

Унга шунинг ўзи кифоя экан.

На боғ, на мулк, на моликона даркор экан унга. На дунё, на уқбо керак экан унга.

Осмон узок экан.

Ер қаттиқ экан.

Юлдузларга әлтар йўл — сомон йўли экан.

Сомон йўли экан.

Сомон йўлидан қаралса пастда душман қароргоҳи ястланган экан — бир-бирини ғажир экан, ер экан.

Қишлоқ оқсоқоли тепаликка чиқиб келиб, Нуғмон қиртишни қисди бастига олипти.

— Бувиш әнанинг боғи ҳақида яна оғиз очсангиз, хафа қиласман, Нуғмон ака, — депти.

Аммо гап бунда әмас экан.

Ҳар бир дарахт ҳам әгасини танир экан.

Ҳар бир гиёҳ ҳам әгасини танир экан.

Үнинг меҳрини ҳис этар экан.

Әгаси кетса гарибона қолиши шундан экан.

«Шу тут ҳам күп яшади-да, Бувиш эна!».

«Тут билан чинор күп яшайди, болам».

«Шунақами, Бувиш эна?!».

«Барибир, бир кунмас-бир кун адo бұларкан».

«Шунақами, Бувиш эна?!».

«Ичиdan тутаб-тутаб бораркан».

«Шунақами, Бувиш эна?!».

«Ичидан ёниб-ёниб бораркан».

«Шунақами, Бувиш эна?!».

«Бора-бора ёниб кетаркан».

«Шунақами, Бувиш эна?!».

«Адо бұларкан...».

Шунақа бұларкан.

Шунақа бұлған экан.

Шунақа экан.

Шунақа қилиб, Бувиш әнанинг уйдан чиқиб, йүқолиб қолганидан әнг аввал Қумри опа хабар топибди.

Бир коса овқат күтариб чиқиб, Бувиш әнани ҳеч қаерда тополмабди.

Овозини баралла қўйиб чақирибди:

— Бувиш эна-а!

Хеч ким жавоб бермабди.

Құхна қудук ғалтагида үтирган Шоҳид:

— Қафф, — деб қўйибди.

Унинг Шоҳидлигини Қумри опа қайдан ҳам билсин?!

Супурги кўтариб ҳайдамоқчи бўлипти.

Шоҳид учиб бориб толга қўнибди.

Қумри опа ранги пахтадек оқарганча уйига югуриб чиқипти.

Элёр билан Илёснинг ҳам ўтакасини ёриб юбораёзипти.

— Туринглар, болаларим, эналарингга бир нима бўлганга ўхшайди, — депти қалт-қалт титраганича.

— Энажонларингга бир нима бўлганга ўхшайди!

Майдончада шов-шув тарқапти: Бувиш эна йўқолиб қопти!

Қидирилмаган жой қолмапти — далаларни, ўруқирларни титкилаб чиқишипти. Топишолмапти. Ҳамманинг юзига қайғу соя ташлапти.

Барчанинг нигоҳида: «Қўшни қишлоқларнинг одамлари эшитишса нима дейишади?! Ёлғиз кампирни йўқотиб, эл орасида қандай бош кўтариб юрамиз?!», деган маъно бор экан.

Қумри опа туйқусдан Бувиш энанинг Турсунмуродни қандай сақлаб қолишгани ҳақида қайта-қайта айтиб берган ҳикоясини эслаб қолипти. Ўша куни уйқусида Бувишнинг тушига Қаратош ота қабри кирган экан. Ҳотам ва Бувиш зиёрат қилинадиган жума куни Қаратош ота қабристонига йўл олишган экан. Ҳотам битта бичма улоқни елкасига ўнгариб кўтариб олган экан. Бувишнинг қўлида чақалоқ Турсунмурод бор экан.

Улар бепоён буғдойзор ўртасидаги ёлғизоёқ йўлдан ўтишган экан.

Улар күм-күк бедазордан ўтишган экан.

— Дадаси, — Қумри опанинг қулоғига Бувиш әнанинг ҳаяжонли товуши әшитилипти. — Үғлингиз күзини очди.

Қумри опанинг әсига Бувиш әнанинг күзларидан ёш оқизиб айтган гаплари тушипти:

— Дадаси, үғлингиз осмонга қаради.

— Дадаси, — Бувиш әнанинг ҳаяжонли товуши урилипти Қумри опанинг қулоғига. — Үғлингиз кулди.

«Үғлим күз очган жой — жаннатим, Қумри».

«Үғлим кулган жой — беҳиштим, Қумри».

«Мен унинг талпинишиларини құряпман, Қумри».

«Күксимга бошингни қўй, мен унинг тамшанишларини ҳис қиляпман, Қумри».

«Мен борсам, буғдойзор оралаб Турсунмуродимни құтариб бораман, Қумри».

«Мен кетсам, бедазор оралаб Турсунмуродимни құтариб кетаман, Қумри».

Қумри опа Қоратош ота қабристони томон югурипти.

Қумри опа оёғига шатирлаб урилаёттан ўт-ўланларга парво қилмай Қоратош ота қабристони томон югурипти.

Қумри опа нам ерларда тойғона-тойғона Қоратош ота қабристони томон югурипти.

Қумри опа Бувиш эна бўлиб Қоратош ота қабристони томон югурипти.

У белоён буғдойзор оралаб кўксига жигарбандини босиб югурипти.

У кўм-кўк бедазор оралаб кўксига дилбандини босиб югурипти.

Югар, Қумри!

Чоп, онажон!

Онажоним, етсанг фақат сен етасан; онажоним, эришсанг фақат сен эришасан; сен ўтган буғдойзорларинг жаңнат йұллари онажоним; сен ўтган бедазорларинг беҳиштнинг ўзи, онажоним!..

Югур, Қумри!

Чоп, онажон!

Онажоним, күрсанг фақат сен күрасан; йұқолған маъволар сен туфайли мангалик ридосини кийсин онажон; сен туфайли унут туйғулар төғларни ларзага соглай, осмоналарни титраттай, онажон!..

Югур, Қумри!

Чоп, онажон!

Мен сенинг меҳринг ортидан буғдойзор оралаб ўтайин, мен сенинг меҳринг ортидан бедазор оралаб ўтайин — ахир, мен сенинг улғайған ўғлинг — Турсунмуродингман!

Чоп, онажон!..

Илөс ҳаллослаб, күзларидан ёш оққанча онаси-нинг ортидан югурап, унинг құлидан акаси Элёр ушлаб олган экан. Ака-ука бетиним ҳиқиллашар экан.

Қишлоқ аҳли Қумри опанинг ортидан етиб бориб қараашсаки, Бувишиң эна Қоратош ота қабристонидаги Қоратош ота қабри пойида мук тушиб ёттан экан. Бу ерда сарин шамоллар эсіб турған экан, севалаб ёмғир ёғаёттан экан. Одамлар дархол Бувишиң энани ўраб-чирмаб олишипти.

Үраб-чирмаб олинған Бувишиң энани Илёснинг отаси чақалоқ каби құтариб олғанча қишлоққа олиб келипти.

Уларнинг ортидан Бувишиң энани қидириб чиқишигандай майдончаликлар әргашипти.

Бувишиң энани бедазор оралаб олиб ўтишипти.

Эна хиёл қүзларини очипти.

Бувиш энани буғдойзор оралаб олиб ўтишиptи.  
Энанинг лабларига табассум ингандай бўлипти.  
Осмонга термулиб қолипти...

Бувиш эна кўзи очиқ кўз юмипти.

Уни қишлоққа, уйга олиб келишганда тепалик остидаги ёнғоқнинг баланд шохид ўтирган Шоҳид жанозага кеч қолмайин дегандек қанотларини папиллатиб учиб келиб Бувиш энанинг ҳовлисидаги кўхна қудук ғалтагига қўнипти.

Одамлар ҳовлига кириб келишиptи.

Шоҳид барчадан бурун овоз солипти:

«Қафф...».

Во-ой жигарим!

Кумри опа уни қудук ғалтагидан ҳайдапти.

Шоҳид тол шохига бориб қўнипти.

«Қафф...».

Во-ой қизалоғим!

Кумри опа уни тол шохидан ҳайдапти.

Шоҳид том бошига бориб қўнипти.

«Қафф...».

Во-ой онажоним!

Кумри опа уни төм бошидан ҳайдапти.

Шоҳид ҳеч ҳайиқмай, ҳеч қўрқмай супа четига келиб қўнипти.

«Қафф... Қафф... Қафф...».

Шоҳиднинг овози Майдончани тутиб кетипти. У юз йигирма йиллик ва ундан олдинги тарихни айтмоқчидай чиранаркан.

Кўз юмган Бувиш энанинг қулоғига жанозада дод солаёттандарнинг овози етипти, чарх ураёттган руҳи қарғанинг овозини илғагандай бўлипти.

Ниманидир тушунгандай бўлипти, ниманидир эслагандай бўлипти — Шоҳидни танигандай бўлипти.

«Қарға, Қарғажон...»

Шохид ҳам буни билгандай, сезгандай бўлипти.

Қайта қайтмас бўлиб учиб кетипти.

«Эй, Қора Тарих!

Учиб бораётган, эй, Қора Тарих!

Сен нималарга гувоҳ бўлмадинг?!

Нималарга гувоҳ бўлмоқчисан, учиб бораётган,  
эй, Қора Тарих?!»

2012 йил, декабрь.

---

# ҚОРА СОВҮК



ХИКОЯЛАР

---

## ОТАМ НЕГА ЖИМ?

Бунақа ҳангомалар узун қиши кечаларига ярашар әди.

Том ортидан “дук-дук” қадам товуши эшитилса:

— Ана-а, гирой бова келяптилар, — дея ҳовлиқар әдик.

Күп ўтмай қалин қора лас чопонининг елкалари-га қўнган лайлак қорни қоқа-қоқа у энкайиб эшикдан кириб келар ва танча устига қийиқчаси орасида даставез қилиб келтирган туршагу жийдаларни сочиб юбориб:

— Олинглар, эрмак қилинглар, — дея сахийлик кўрсатарди.

Кейин танчанинг тўр томонига ўтиб жойлашар, оёғига иссиқнинг тафти урилиши билан:

— Ох, ох! — деганича хузур қилганини эътироф этарди.

Онам ва сингилларим нариги уйга ухлашга кириб кетишмагунча, отам билан у ёқ-бу ёқдан таплашиб ўтиради.

Аста-секин танчанинг чўғи ҳам сусайиб, совий бошларди.

Ана шунда унинг ёдига бу йил қишининг қаттиқ келгани тушиб қолар, бунақа совуқ фақат уруш вақти-дагини бўлганини отамга эслатиб, кейин тўсатдан:

— Ўша маҳалларда ўзимиз ҳам жа-а қорувли әдик-да, — деб қоларди. — Ҳар кифтимизда ўртамиёна одамнинг уч-тўртгаси bemalol давра курса бўларди...

Отам жилмайиб қўярди.

У отамга нимадандир хавфсираётгандек қараб:

— Ё, нотүгрими? — дерди таҳдид оҳангида.

— Тўғри, — унинг гапини тасдиқларди отам.

— Ана-а, шуни айт-да, — дерди у ўзининг айбилини отамга ағдармоқчи бўлгандек. — Нима қиласан гапни опқочиб?

Отам индамай қўя қоларди.

Мен бўлсам, оғзимни ланг очганимча унинг мошгуруч соқолига, ингичка қон томирлари “тўрлаган” юзига, салқиган қовоқлари-ю қўй қўзларига, елкасига... ақалли битта одам сифиши ҳам гумон бўлган елкасига ҳайрат аралаш боқиб ўтирадим.

Ташқарида аёз.

Дарахтлар шохидаги сумалаклар ларzon-ларzon.

Нариги уйда ойим, укаларим донг қотишган.

Хидир бува туришни хаёлига ҳам келтирмайди, болишни ўмровига тортади.

— Уста Мамасоли катталарга жилпонглаб-жилпонглаб мошин олди, — дейди отамни қандайдир ўзини қизиқтирган машваратга тортмоқчи бўлаётгандек. — Э-э, камбағал қолавераркан-да камбағалигича! Бири икки бўлмаскан-да! Мана, мену сен. Хизматимиз кимникидан кам? Айт! Кимникидан кам?

У кимлардандир домангир бўлади. Танча устида думалаб ётган попукли, остига мис қопланган носқовогини олиб, кафтига қоқади.

Танчанинг у бурчагида отам ёнбошлаган.

Мен пойгақда.

Отам:

— Тур, ёт энди, болам, — демайди, деса, уч-тўрткунгача тумшайиб юришимни билади.

Хидир бува пишиллайди:

— Билашан-ку, а-а? Уйушни аптиниям кўйганмаш...

У танчанинг күрпасини күтариб носини туфлайди. Оғзининг четларини бош бармоғи билан артаркан, ҳовлиқиб давом этади:

— Уруш вақтида зигир ёғи құммат эди. Уста Мамасоли жувоз хайдаб бойиб олди. Бир куни жувознинг ўқи уста Мамасолининг кунда устида турган чап билаги устига тушиб мажақлаб юборибди. Илмоққа яхши илмаган-да! Күрдингми, гап қаёқда?! Ялпизланиб ўзини пронтовикка ўтказиб олгани билан сирини биламан барибир...

Кўз ўнгимда жувознинг ўқи остида қолган қўлини чиқаролмай “вой-вой” лаб турган уста Мамасоли бутун қиёфаси билан жонланиб, этим жимиirlашади.

— Шуларнинг каттачилик қилганига күясан-да, а, — ичи нимадандир ториқиб кетгандек хўрсинади Хидир бува. — Кал Мусанинг нафасига яқинлашиб бўлмайди ҳозир, уруш пайтида паранжи ёпиниб жон сақлаганини ким билмайди? Ҳамма билади, билади-ю, ҳеч ким буни гапирмайди. Фани чўлтоқ-чи? Фани чўлтоқ қўлига пахта қўйиб отган. Э, товба, шуям гап бермайди-я, — Хидир буванинг сап-сариқ тишлари орасидан “қочқин” у “қўрқоқ” ларнинг сирлари тўкила бошлайди. — Шуни айтадилар-да, сув келтирган хору кўза синдирган азиз, деб. — У отамнинг чап елкасига — шалвираб турган бўш енгта ўгринча назар ташлайди. — Саниям қўлинг урушда қолган-ку, — дея маслаҳат беради. — Ҳукуматга арза қилиб бор-да, орtingдан манам борай, шунча хизмат қилиб битта мошин минисак минибмиз-да, а?!

Отам тилга киради.

— Оббо, Хидир полвон-ей! — дейди.

Сира бир-бирига ўхшамайдиган феъли бор-да иккаласиниям. Ҳайронман, қандоқ ўртоқ бўлиб қолишган экан.

Хидир бува "кўмиб келган қаҳрамонлиги"нинг устини тинимсиз қимираётган лаблари билан оча бошлайди:

— Урушга кеттанингдан кегин, ўртоқ, маниям юрагимга олов тушди. Чидолмадим. Ҳа-а, чидолмадим! Патирнинг бир четидан тишлаб олган луқмани кўз ёшимга қўшиб зўрга ютдим. Ишон, зўрга ютдим. Кемтик патирни раҳматли онагинамнинг кўлига тутқаздим-да, йўлга тушдим. Орқамга қарамадим. Ҳа-а, қарамадим! Сезиб турибман, аммо-лекигин онамнинг кўзларида ғилт-ғилт ёш... Ўзим ҳам йиғлаб юбормай деб қарамадим. Шундан кейин бошланиб кетди. Машқ қилдирди, кегин жанг майдони, кегин... кегин... Э-ҳе! — у калласини қимиратиб, пешонасига шапиллатади. — Неларни кўрмади бу бош. Одамнинг боши — сойнинг тоши эмиш, сойнинг тоши бўлганда ҳам минг сойники бўлса кераг-ов!

Хидир буванинг ҳикояси мени оҳанрабодек ўзига жалб этади. Назаримда, отамдан кўра Хидир бува анча улуғвордек.

Аллақандай ўқинчни хис этаман.

Ташқарида аёз.

Танча муздек.

Отам жим.

Хидир бува оқ оралаб қолган мўйловини бармоқлари орасида секин-секин товлай бошлайди.

Мени уйқу босиб, Хидир буванинг товуши секинлаша бошлайди, оғзи қимираётганини ғира-шира ҳис қиласан. Сўнгра уни қоронғилик ютади. Кўз ўнгим жимирлашиб, қалқиб кетаман...

Ташқарида аёз.

Хидир бува ҳикоясининг энг қизиқ жойига келган бўлади.

— Шу десанг, ўртоқ, ўзимизниkilар ҳам қочар-

кан-э! Каттадан-кичиғи орқасига қарамайды, де! Кам әдик-да!.. Мүр-малахдек немис келяпти, тумандек бостириб... Энг олдинда Гитлер!

Отам нотинч құзғалиб құяди.

— Оббо, Хидир полвон-ей!

— Ҳа-да.

— Оббо, Хидир полвон-ей!

— Рост, аnavи Гимлер, Гибелс деганлариям бор.

Отам кулимсираб ёқа тутамлайди.

— Ё, валлохи аълам?!

Хидир бува ҳақиқий қаҳрамон қиёфасига киради, томирлари бўртиб турган кўлларини мушт қилиб, танча устига құяди, кўзларини бурчакка, бир нуктага қадайди.

— Мен ҳам қочмоқчидим, — гўё ўзининг афсонавий қаҳрамон эмаслигини, ҳар қандай буюкда ҳам инсонга хос камчилик бўлишини уқтиргандек давом этади: — Лекигин... Лекигин бузук танкни ичида командир пусиб турган экан. У pistолетни ўқталиб қочаётганларга “қайт” дейди, ҳеч ким қулоқ солмайди. Ўрис борми, чулчут борми, ҳамма қочяпти қарасам — жон ширин-да. Мен ҳам энди қочмоқчи бўлиб турувдим, командир тўппончанинг нақд оғзи ни менга тўғрилаб: “Сангинов, қочаман деб ўйлама, кўксингдан дарча очиб қўяман, пулемётнинг ёнига бор”, деди.

Мен қанча уринмайин, бузук танкнинг ичида тўппонча ўқталиб турган командирни тасаввур этолмасдан, Хидир бувага зичроқ қадаламан.

— Пепонада ёзилган экан-да, дедим ўзимча, — у хикоясида давом этади, — аммо-лекигин шарафли ўлим эканлигини билардим. Ҳа-а, билардим! Таваккал, деб пулемётнинг ёнига бордим, ётдим. Қўлим тепкида. Юрагим дук-дук уради, де. Немис тумандек бостириб келяпти. Қўзимни юмдим... Э-воҳ, ха-

ёлимда туғилган қулбам, иккаламиз алаф ташиган тепаликлар, адирлар, улоқ чопиб юрганимиз сойликлар келади. Қўзимни очаман. Немис тумандек яқинлашиб қопти...

Хидир бува чайналади, оғзидаги конфетни ютишга кўнгли бўлмай шимиб юрган болакайдек маза қилиб сукут сақлайди. Тоза танг қилиб, кейин улаб кетади:

— Ана ўшанда Гитлерни қирқ-эллик қадам нарида кўрдим. Қўшиннинг олдида келаётган экан. Тишларим ғижирлаб кетди! Мендан ўтиб бўпсизлар, ортимда она юртим, дедим, сизларга хужум қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман, деб тепкини босаверибман-босаверибман, бир маҳал мундо-о-оқ қарасам, арраланган теракдек бўлиб немисларнинг ўлиги қа-а-ато-о-ор чўзилиб ётиби...

Отам негадир кулгусини яширмоқчи бўлиб, кафти билан оғзини тўстанча:

— Оббо, Хидир полвон-ей! — дея ўзи билган гапни такрорлайди. — Гитлер ҳам ўлди, де?

— А, йўқ, — дейди Хидир бува кулли ишонч билан. — Қисталоқни олиб қочиб кетишган экан, заҳар ичиб ўлганини кегин кинода кўрдим.

— Оббо, Хидир полвон-ей!

— Кўзларимга ишонмай қолдим. Ёв қочга, бузук танкнинг ичидан командир чиқиб келди, ранги пахтадек. Мени қучади, ўпади, йиглайди, ҳақиқий геройсан, дейди қисталок.

Ташқарида аёз.

Отам жим.

Жунжикиб кетаман. Нега отам ўз қаҳрамонликларидан гапирмайди, дея алам билан ўйлайман. Балки Хидир бува айтмоқчи, Ғани чўлтоқса ўхшаб...

Хаёлимга илкис келган бу фикрдан кўзларим ярқ этиб очилар, мудраб ўтириб сесканиб кетардим.

Хидир бувага ҳавасим келади.

Танча четида ўтирган отам күзимга жуда ғарип, ожиз күринар, унга қандайдир раҳмим келаётгандай бўлар эди.

— Ҳа-а, — Хидир бува афсус ва надомат билан бош чайқайди, — командиримиз мени қучиб, ўпид, ҳақиқий қаҳрамонсан, деб йиғлаб турганида бир дайди ўқ келди-ю, унинг курагидан уриб, қулатди. Оғзидан қон келди-ю, жон берди. Геройлигимни у билан бирга кўмиб келдим, ўзим кўмдим! Ҳа-а, ўзим кўмдим!

У туйқусдан жимиб қолади.

Отам ҳамон сукутда, лекин кўзларида оғир ғам юки.

— Юрипмиз-да! — Хидир бува хўрсинади. — Ялпизланиб-ялпизланиб уста Мамасоли мошин олди, жувознинг ўқи остида қолган қўлини урушда бўлган деб ёзdirган-да...

Ташқарида аёз.

Хидир буванинг оғзи қимиirlайди, гаплари эши-тилмайди. У қачон туриб кетгани-ю чироқнинг қачон ўчганини, ўрнимга ким ётқизиб қўйганини билмай қоламан.

Баҳор келиб, кунлар илиди.

Дарвоза олдида турганимча хат ташувчи ҳозиртина ташлаб кетган телеграммани қайта-қайта ўқийман.

Ҳамон гўдак эканман.

Узун қиши кечалари танча атрофида нақадар ҳаяжонли, серзавқ кечарди. Отам, отажоним дунёнинг бетами ишини жимгина сўйлаб ўтирган экан бу кечаларда.

Хидир бува...

Ҳамон эслайман узун қиши кечаларини.

Хидир бува машина олиб, гердайиб юрибти. Гоҳи-гоҳида маърака-маросимларда унинг сўзлари қулогимга чалиниб қолади:

— Ўша маҳалларда ўзимиз ҳам жа-а қорувли эдик-да, ҳар кифтимида ўртамиёна одамнинг тўртта-бештаси бемалол давра курса бўларди...

Отамнинг номига келган телеграмма: “Хурматли куролдош дўстимиз Исо Одилов! Сизни 19-тепаликни эгаллашда фаол қатнашганингиз учун тақдирлашган, лекин баъзи сабабларга кўра топширилмай қолган “Қизил Юлдуз” орденингизни олиш тантанасига таклиф этамиз. Полк командири И. Е. Заикин”.

Ҳарфлар орасидан нималардир чиқиб, кўзларимга қадалади...

Беихтиёр куз ўнгимга болишни ўмровига тортиб нималарни дир айтаётган Хидир бува келади.

Оғзи қимирлайди, гаплари эшитилмайди.

Ташқарида аёз.

Танча муздек.

Кеча узундан узоқ.

Отам эса...

У ҳамон жим.

1979 й.

## МАКТАБ ҚОРОВУЛИ

Эшниёз чол эрта уйғонади. Намозини ўқиб, мол-ҳолларга қарайди-да, чойини ичиб мактаб томон жунайди. Унга йўлда саҳархез кишилар дуч келади. Чолнинг қаёққа отланганини қуриб-билиб турган бўлишса-да, салом бериб, кўнгил учун сўрашади:

- Ишгами, Эшниёз ота?
- Ишга.

- Э, яшанг.
  - Эрмак-да.
  - Нимасини айтасиз.
- Эшниёз чол мактаб қоровули.

Баъзилар, сизга шу даҳмазанинг нима кераги бор, оёқни узатиб ётмайсизми, дейишади. У беозоргина илжайиб, ўрганиб қолганман-да, мактаб болаларини күрмасам туролмайман, деб очиғини айтиб қўя қолади.

У ўз мулк-моликонасини текшираётган заминдордек дастлаб мактаб ҳовлисини бошдан-оёқ айланниб чиқади.

Тонг қоронгусида қоғоз парчалари, хас-чўпларни битта қолдирмай йигиштириб олишига бошқалар ҳам ҳайрон қолиб, чолнинг кўзи қандай кўрапкан-а, деб ажабланишади.

Сўнгра майдончадаги гулларга сув қўяди.

Иши тез тугайди.

Йўл бўйидаги қадимий чинор улканлигидан мактаб ҳовлисининг деярли ярмига олачалпоқ соя ташлаб туради.

Унинг остида ерсупа бор, Эшниёз чолнинг супаси, дейишади. У ишини тугатиб, қоровулхонадан шолча олиб чиқиб супага ёзади. Чордона қуриб ўтиради. Бирин-кетин муаллимлар ҳам кела бошлайди. Улар чолга қуюқ салом бериб ўтишади. Баъзилари сўраб қолади:

- Ҳаммадан аввал келиб олган экансиз-да?
  - Эшниёз чол хижолатомуз жилмаяди:
  - Энди-и... мактаб эшикларини очиб турайлик дедик-да.
  - Омон бўлинг, отахон.
  - Илмингизга худо барака берсин.
- Эшниёз чол яна кимларнингдир келишини ин-

тиқ кутаётгани унинг юз-кўзларидаги ифодалардан яққол билиниб туради. Кутаётгани — болалар. Мана, ниҳоят, болаларнинг ҳам қораси кўринади. Уларнинг баъзилари мўмин-қобил кўринса-да, бари шумтака — бир-бирларини туртишиб, қувлашиб-қочишиб кела бошлашади. Эшниёз чолнинг ортига келиб яширина диганлари ҳам топилади, ундейлар зўравонни чолга кўрсатишиб:

— Бобо, қаранг, — дея ўзларини унинг паноҳига оладилар.

Бундай лаҳзаларда чолнинг боши осмонга етади. Унинг мамнун эканлигини насиҳатга ўта бошлаганидан ҳам билса бўлади. Ҳуштак чалманглар, ҳуштакни ўғрилар чалиб, бир-бирларини чақиради, дейди у. Бир-бирларингни туртманглар, ургандан туртган ёмон, дейди. Болалар салом бериб ўта бошлашганида, у беихтиёр ўрнидан туриб кетади, кўзлари чараклайди, қўлинин кўксига қўяди:

— Ваалайкум ассалом. Баракалла, баракалла.

Қий-чув тиниб, дарс бошлангач, у ёнбошлайди. Тилининг остига бир чимдим нос ташлаб олиб, қандайдир хаёлларга берилади. Ўтган-кетганга, қани-и носдан битта отсинла-ар, дея манзират қиласи. Нос олиб юрмайдиган носкашлар илжайиб келаверишади. Нос баҳонасида у ёқ-бу ёқдан сухбат ҳам кетади.

— Бу йил пичан қалай бўлди?

— Чалғи кутиб белта уриб ётипти.

— Дуруст-дуруст. Подани суғоргани ҳалиям Ҳасан ҳовузга олиб боришаётими?

— Ҳа, ҳалиям ўша ёққа олиб боришаётти.

— Бир замонлар биз ҳам подани Ҳасан ҳовузда сугорардик.

Подада боққан йилларини эслаб, Эшниёз чол хаёлга чўмади, кўз ўнгидан дашту далаларнинг ман-

заралари ўтади, димоғига турфа гиёхларнинг ҳиди уфургандек бўлади, оғир хўрсинади. Сухбатдошининг туриб жўнаганини пайқамай ҳам қолади.

Эшниёз чол баъзан зерикади. Қаёқларгadir кетгиси келади. Қаёққаям борарди? Қолаверса, иши шу — мактабга қоровуллик, ўтириши керак. Фаррош аёллар у ёқ-бу ёққа супурги уришади. Сўнгра қўлбола ёғоч ўриндиқда қатор тизилишиб ўтирганча ғийбатни бошлашади. Эшниёз чолнинг қулоги динг бўлади, баъзида қулогига чалинган гапларнинг бердисини эшитишга ичиди қизиқиши кучайиб бораётганини пайқайди-ю, астағфирилло, астағфирилло, деганича истиғфор айлайди.

Кейин негадир:

— Ҳай, қуриб кетсин-а! — деб қўяди.

Ёғин-сочинли кунларда супа бўшайди.

Чинор ҳам алланечук мунғайиб қолгандек кўринади.

У танаффус бўлишини сабрсизлик билан кутади. Қўнғироқ чалиндими, бас, болалар чолнинг олдига ёпирилиб келишади. Бир-бирларига гал бермай чувиллашади:

— Бобожон, битта эртак айтиб беринг.

— Биттагина...

— Э, қўйинглар-э, — чол қўл силтаб, қиёфасига жиддий тус бермоқчи бўлади-ю, эплолмайди, илжайиб юборади.

Юзига қон тепади.

Болалар тиқилинч қилавергач:

— Қўймадиларинг-да, — дея жисму жонига таралган аллақандай хузурданми, бошқа нарсаданми, кўзларини бир оз қисганича ўйланиб қолади.

Болалар ялинаверишади:

— Жо-он бобожон!

— Айтгингиз келиб турибди-ку.

Қора-қура мунчоқ кўз болакайларнинг мўлтайиб туришлари унинг кўнглини юмшатади. Дадилланиб, икки тиззасининг устига иккала кафтини тираб... тантанали сукутдан сўнг бошлайди:

— Шу-у Гермонияда кетяпми-из, қўлда бешотар! Бир пошист ўтди олдимиздан — ҳаҳҳ дедим! Пешонасидан ўқ тегди пошистнинг — йиқилди, чўзилди, жон берди! Ортидан яна бири келяпкан экан. Уям уҳ дедиую кетди...

— Кейин-чи, кейин?

— Шошманглар. Гапнинг бердисини эшитинглар-да!..

Болалар жим бўлишади. Қийшанглаб-қийпанглалётганларини туртишиб, дўқ уришиб тинглашга мажбур қиласилар.

Сукунат.

Эшниёз чолнинг кўзлари яна ўша-ўша ғалати ифодаларга тўлади. Эртаги ҳам ўша-ўша. Унинг урушда кўрган-билгани шу. Қахрамонлиги-ю хотираси ҳам шугина, холос. Уруш ҳақида бошқа гап айтмолмайди.

Эшниёз чол бир пиёла қайноқ чой илинжида қоровулхонага кирди. Печкадаги оловнинг тафтидан икки бети қип-қизариб кетганича қоровулхонадаги тахта караватнинг ўртасида Ҳамида деган фаррош аёл жун титиб ўтиради. Бир томонида урчук, иккинчи томонида пўстак парчаларидаи сочилган титувсиз жун. У ўгирилиб Эшниёз чолни кўрди-ю, ёш болани тергаётгандай:

— Эшикни ёпинг, эшикни, — деди.

Эшниёз чол эшикни ёпиб останада нима қиласирин билмагандек хижолатомуз туриб қолди.

— Қаёқларда юрасиз-а? — тергашда давом этди фаррош.

- Орқа ҳовлидайдим.
- Директир сүради сизни.
- Ҳалигина күрүвди-ю.
- Билмасам, дарров учрашынлар, деди.

Эшниёз чол кифт қисди. Йил үн икки ой унинг директор билан шошилинч учрашадиган иш-юмуши бўлмасди, шунга ажабланди.

Директор ўз хонасида нималарни дир ёзиб ўти-  
парди. Чол томоқ қирди.

— Келинг, — директор креслога ястаниб ғалати  
илжайди.

— Шу... Ҳамида айтдики... — чол энди сўз  
бошламоқчиди, директор шу лаҳзада туйқусдан  
ҳол сўрашга ўтиб қолди:

- Аҳвол қалай?
- Тузук...

— Михдек бўлиш керак! — директор кўзларини  
чақнатиб бош бармоғини кўрсатди. — Бугун армия  
ташкил топган кун-а? Учрашув қиласиз, хабарингиз  
борми?

Эшниёз чолнинг бундан хабари йўқ эди. Нима  
деярини билолмай иккиланиб қолди.

— Шунаقا, — директор ўзининг сўзини ўзи тас-  
диқлаб давом этди. — Болаларга ота-боболаримиз-  
нинг жасоратлари ҳақида сўзлаб берсангиз. Ахир,  
урушда бўлгансиз. Немис-фашист босқинчила-  
ридан бир нечтасини ер тишлатгансиз. Танклару  
пушкалардан ҳам бир-иккитасини яксон қилган  
бўлсангиз керак. Ўкувчилар даврасида ана шулар-  
ни айтиб бериш керак-да, энди. Эсдан чиққан жой-  
ларига қўшиб-чатиласа ҳам майли, ёлғон айтдинг,  
деб бирор ёқангиздан тутмайди, келишдикми? —  
директор ишшайди.

Эшниёз чол қизариб кетди ва ўйланиб қолди:

нимаям дерди? Директор сўраяпти-я, кўпчиликка йўл-йўриқ кўрсатадиган катта одам, йўқ деб бўладими унга? Ер остидан қанчалик тикилмасин, у директорнинг ҳазиллашаётганини ҳам, жиддий айтиётганини ҳам фарқлолмади.

Қулоғига яна ўша сўз ўқдек урилди:  
— Келишдикми?

Эшниёз чол сесканиб бош иргади.

Шундан сўнг чиқиб ўз ишига машғул бўлди. Учрашув ўтказиладиган синфнинг пеккасига кўмир қалади, ўт ёқди.

Каттакон қаҳрамонни кўрап әканмиз, дея кириб келишган болалар олдинги парталарда ўтириш учун талашиб-тортишиши.

Директор қаламининг орти билан столга ура-ура тўс-тўполонни тинчитди. Кейин у армия тўғрисида, уруш ҳақида гапирди, ҳозирги кун билан боғлади.

— Мана-а, бугун шу муносабат билан ўтказила-  
диган учрашувимизга, — дея асосий мақсадга кўчди  
у, — мактабимизнинг заҳматкаш қоровули Эшниёз  
Тошниёзовни таклиф этганмиз. Марҳамат, сўз сизга,  
ўртоқ Тошниёзов!

Болалар бирваракайига ие, деб юбориши.

Эшниёз чол ўрнидан турди.

У нажот кутаётгандек теварак-атрофга мўлтираб нигоҳ ташлади. Йўталди. Қўлларини қаерга қўйишни билмай дам кўксига чалиштириди, дам саланглатиб осилтириди. Бироз титроқ товушда ҳикоясини бошлади:

— Шу-у, Гермонияда кетяпмиз, қулда бешотар!..

«Гурр» кулги кўтарилиди. Чолнинг оёғидан мадор қочиб, кўз ўнги қоронғилашди. Болаларнинг кулги-си уни ҳайрон қолдирган эди. Ҳар гал танаффусда, биттагина айтиб беринг, деб ялиниб-ёлворадиган болаларнинг ҳозирги ҳолати унга тушунарсиз эди.

Чол директорга қаради. У құлидаги бояғи қалам билан столни тақиіллатди.

Болалар жим бўлишиди.

— Давом этинг, — директор негадир чолга ҳам ўқрайиб қаради.

— Бир пошист ўтди олдимииздан, — «давом этди» Эшниёз чол, — ҳаҳх, дедим. Пешонасидан ўқ тегди пошистнинг — ииқилди, чўзилди, жон берди! Ортидан яна бири келяпкан экан, уям уҳ деди-ю кетди... — сўнгти жумлани чайнаб, қийнала-қийнала айтди.

Синфни бошга кўтаргудек қаҳқаҳа янгради. Эшниёз чол янаям ҳайрон бўлди. Жойига ўтирмоқчи бўлганди, директорнинг афти бужмайиб:

— Тамомми? — деб сўради.

— Тамом бўлди, тамом бўлди, — чолнинг ўрнига болалар чугурлашиб жавоб беришиди.

Директор пешонасини қашиганча ўридан турди.

— Ўртоқ Тошниёзов фалон-пистон фронтларда шундай-шундай қаҳрамонликлар кўрсатган, — дея ўзининг уруш ҳақида эшигтан-билганларини айтиб бергач, директор учрашув тугаганини маълум қилиди.

Болалар ўзларини эшикка урдилар.

Эшниёз чол уларнинг чиқиб бўлишиларини кутди. Директор йўл бошлиасин, ҳар қалай раҳбар одам.

— Бешинчи «А»га йўлаб бўлмайди — музхона! — гўлдиради директор папкасини кўлтиғига қистиракан, унга тегишли қилиб.

Эшниёз чол тушунди. Енгил тортди. Ташқарига йўналди. Кўмирхонадан кўмир тўла челак ва куракчани олди. Муаллимлар хонасининг рўпарасида Сайднинг ерга урса кўқка сапчийдиган невараси ўқидиган синф; унинг дастидан арзу дод қилмаган му-

аллим йўқ. Шу болани кўрса Эшниёз чолнинг юраги ғалати бўлиб кетади. Ўғлимга деб, унинг онасиға нон ҳам синдириб қўйганини эслайди, Сайднинг ўғли қандайдир жигаридай туюлади.

Эшниёз чолнинг мижжалари намланди.

У бориб бешинчи «А»нинг эшигини очди. Болалар дув ўтирилишиди. Чол ўнғайсизланди. Муаллимга қаради. У бош иргаб машғулотини давом эттираверди. Чол дераза ёнига борди. Чўнқайиб чўян печканинг кулинни тозалай бошлади. Қулоғига муаллимнинг сўзлари кириб турди. Бу сўзлардан у ҳеч вақони англамаётган бўлса-да, зап илми бор-да, барака топкурнинг, деб ўйлади. Ишини тутаттач, Эшниёз чол чеълакни кўтариб чиқиб кетди. Куракчани печка устида унутиб қолдирди. Бу ташқарига чиққанида хаёлига келди. Қайтиб кирмади. Чеълакни ерга қўйиб белбоғи қатидан носқовоғини олди ва кафтига бир чимдим нос тўқди.

Уни хаёл элитди. Кўз ўнгида ранго-ранг ҳалқачалар жимирилаша бошлади. Пешонасидан негадир совуқ тер чиқиб кетди. Айни шу лаҳзада қандайдир юмуш билан йўлакка чиққан директор у томон кела бошлади. Чол каловланиб қолди.

— Ўзи икки фашист ўлганидан кейин нима бўлувди? — деди директор кинояли тарзда Эшниёз чолнинг оқариб кетган юзига қараб қўйиб. — Шу бўлган гапми ўзи? Урушга борганинг ўзларийам тўқишиша кераг-ов! Наҳотки, иккисиниям ўзингиз отган бўлсангиз? Тушингизда эдими, ўнгингиздами? — директор шундай деб изига қайтаркан, барча саволларнинг жавобини ўзи топгандай, — гапниям эплолмайсиз-а, — деганича хулоса қилди.

Эшниёз чол шомда уйига келди. Кампири танча четида белини тўнга ўраб, инқиллаб ётарди. Чолнинг унга ичи ачиди, бироқ тилида:

— Ётаверар экан-да, — деда түнғиллади.

Кампирнинг кўзлари ялтиради, ўрнидан қўзғалишга уриниб:

— Жўрттага ётипманми, чол, омонатини тезрок ола қолса эди, — деда хира кўзларida ёш кўринди.

Чолнинг юраги ториқди. Ҳовлига чикди. Тўлин ой муздек нур сепарди. У сомонхонага кириб, тоғрага сомон олди, оғилга олиб келиб, сигирнинг охурига солди, охуридаги нишхўрдни ёшакка ташлади. Қайтиб уйга кирганда, кампир уйкуга кетганди. У аҳён-аҳёнда ихраб, гўлдираб, инқилаб қўярди. Эшиниёз чол танчанинг кўрпасини қўтариб косов билан чўғни қўзғади. Танчанинг бошқа бурчагига ўзи ёнбошлади. Уйкуси келмади. Кампирига айтган гапи учун афсус чекди.

Учрашувни, директорни кўнгли ғашланиб эслади.

Эшиниёз чол субхи содиқда уйғонди. Қор қалин ёғибди. Куруқ таппи келтириб, ўчоққа қалади. Ўт ёқди. Молларга қараб келгунча қумғондаги сув қайнаб, таппидан қўр тушганди. Қўрни танчага солди. Дастурхон ёзди. Чой дамлади. Шопиёлада кампирига илиқ сув келтирди, олдига дастишўй қўйди.

— Ўзим чиқардим, — деди кампирни ийманиб.

— Соғайиб ол, кейин чиқасан, — деди чол кечаги аччиқ гапи учун узр сўраётгандай.

Улар жимгина нонушта қила бошлашди.

— Ишга бормадингиз? — кампирнинг меҳри ийиб Эшиниёз чолга саволомуз қаради.

— Энди бормайман.

Кампирнинг чехраси очилди.

— Яхши қиласиз...

Бироқ орадан ярим соат ўтар-ўтмас Эшиниёз чол маҳсисини кия бошлади.

— Қаёққа? — деб сўради кампир.  
 — Бир кўчага чиқай-чи, — деди чол.  
 У маҳси устидан тўзибгина қолган калишини илди-да, ташқарига чиқиб кетди.

1981 й.

## НОМУС

Ўзининг дурадгорлик ашқол-дашқоллари солинган эскигина қора сумкасини кўтариб, ҳассасини негадир ерга жаҳл билан “дўқ-дўқ” урганича, уста оқсоқлана-оқсоқлана бироннинг ҳовлисига кириб борди.

Унинг эгнидаги ранги-туси ўчиб кетган гимнастёрканинг икки кўкси орден-медалларга тўла эканлигидан оқсоқланиши ҳам, ҳассани ерни тешиб юборгудек уриши ҳам бежиз эмаслигини пайкаш қийин эмасди. У урушнинг бошидан охиригача қатнашиб иш кўрсатиб қайтганлардан, зардаси-ю ўзини тутиши ҳам шунга яраша эди.

У урушдан қайтгач, икки-уч йил ҳеч ишга қўли бормай юрди-ю, кейин эски касби — дурадгорлиги ёдига тушиб қолди, асбоб-ускуналари солинган сумка оғилхонада қандай қўйиб кетган бўлса, шундай турган экан, уларни олиб, мана энди иш бошламоқчи.

У кириб келган ҳовлидан ҳам урушга ота-ўғил кетиб, қайтишмаган. Қирқ ёшида ҳам эридан, ҳам ўғлидан айрилиб, икки қўли бир тепа бўлиб қолган боёқишиш аёлнинг намгарчиликдан уйи нураб, шуннинг томини очиб таъмирлаб олмоқчи эканлигини устага айтишувди, мана, у келиб турибди.

Уста ҳеч қаёққа қарамай, ўзини кутиб олиш учун чиққан аёлга ва унинг ортида турган ўн икки-ўн уч ёшлардаги қизалоққа эътибор ҳам бермай, ҳовли-

нинг ўртасигача юриб борди-да, ўсик қошларининг ўртасини түгунча қилиб, пешонасини тириштирган-ча негадир олхўри дарахтига қараб:

— Чакка кўп ўтибди-да?! — деди нималарнидир башорат қилмоқчи бўлгандек.

Олхўрининг тепа шохи шамолда қимиirlаб қўйди.

— Томсувоғида сомони кам бўлган шекилли, — деди аёл куйлагининг елкасига солинган катта ямоқни қўли билан яширишга урингандек ҳадеб елкаси-ни ушлаб-ушлаб қўяркан.

Уста негадир жаҳл билан:

— Ёмғир ҳам жа-а ёғди-да, — деди ва кейин. — Ўзи неччи тўсинли эди? — деб сўради ниманидир эсига туширмоқчи бўлгандек.

— Етти тўсинли...

— Ҳа, дуруст, каттагина экан.

— Ҳаммамиз сифишиб ўтирадик-да, — деди аёл кўзлари намланганча марҳум эри ва ўғлини ҳам на-зарда тутиб.

— Тўсинлар бутми, чиримаганми?

— Арча тўсинлар, яхши турибди.

— Васса-чи?

— Қамиш ташаймиз.

— Қамиш вассадан кейин.

Аёл нажот истаётгандек теварак-атрофга аланга-лаб, ҳовли этагидаги қоратолни кўрсатиб:

— Толни кесамиз, — деди.

— Ким эккан? — деб сўради уста ўрнидан қи-мирламаган бўлса-да, ҳассасини негадир ерга дўк-дўқ уриб қўйганча.

— Ўзи-им.

— Унда майли, кессак кесаверамиз.

— Сомон ҳам йигиб қўйганмиз, — деди аёл уйи-

ни таъмирлашга тайёргарлигининг пухта бўлганини билдираётгандек.

— Пулларинг ҳам борми? — деб сўради-ю, уста саволининг бемаънилигидан ўзининг жаҳли чиққандек ҳассасини ерга янаем дарғазаблик билан урди.

Вассанинг иложини қоратолга кўзи тушиб топган аёл энди пулнинг ҳам иложини қилмоқчи бўлгандек теварак-атрофга олазараклик билан қараб олди-да:

— Йўқ, — деди ва нигоҳида қандайдир норозилик аломатлари пайдо бўлди.

Уста пешонасини тириштириди.

— Мен ишилаёттанимда ҳар куни қишлоқнинг кексаларидан битта-битталаб олдимга чақирасизлар, — деди у аёлга илкис қараб қўйиб.

Аёл унинг нега бундай деяёттанининг боисини тушунди ва маъқуллаб бош иргади.

— Кимни айт десангиз, мана, Руқия бориб айтиб келади, — деди у ортида турган қизчани кўрсатиб.

Қизча қандайдир муҳим юмушни бажариб, яшаётган уйларининг таъмирланишига ҳисса қўша олишидан суюнгандек синик мамнунлик билан илжайиб қўйди.

— Кимниям айтарди, — деди уста қандайдир пинҳоний нияти яширилган сохта камтарлик билан. — Мана, бир куни Мўмин чолни айтиб келади, ўзларингизга ҳам қариндош...

— Мўмин бобонинг ўзлариям айланиб келиб қоладилар, — деди аёл устанинг таклифини маъқуллаб.

— Унда янаем яхши, — уста қишлоқ қарияларидан яна кимларнидир кўз ўнгига келтирмоқчи бўлгандек, лабини чўччайтирганича, — яна бир куни Рazzоқ бобони айтар, — деди.

— Хўп бўлади, — дея аёл бошини эгди.

Аёлнинг мана шундай сомеона ҳолатидан фойдаланиб қолишни күзлаган уста шунчаки қүшиб кетишни истагандек:

— Мулла Боймуродни айтар... — деди-ю, тек қотди.  
Аёлнинг туйқусдан тузи үчди.

У ортида турган қизчага:

— Бор, итга сув бер, — деди.

Қизча кетди.

— Мулла Боймуроднинг дарвозасига ҳеч ким ийүқлаб бормайди, — деди аёл. — Унга мениям куним қолгани ийүқ.

— Нега? — бақириб юборди уста.

— Негалигини ҳамма билади.

— Бас! — деб қичқирди уста хассаси билан негадир олхўрининг танасига тарсиллатиб тушириб қолиб. — У менинг акам, у урушга бормаған бўлса, мана мен борганман, у хизмат қилмаган бўлса, мана мен хизмат қилганман! Олти йиля юрдим, оёғимдан ажрадим! Мана буларни кўксимга беҳуда тақиб қўйишгани ийүқ!

— Мени эрим қайтмади, — аёл, сеники нима бўпти дегандек устанинг оёғига ва кўксисда ярқираб турган орден-медалларга нафрат билан қаради. — Ўғлимдан ажрадим!

Аёлнинг кўзларига ёш тўлди.

Туйқусдан устанинг жаҳлидан, дўқ-пўписасидан асар ҳам қолмади.

У кўксини яшиromoқчи бўлгандек елкаларини қисиб, энкайиб олди.

Аёл ортига буриларкан:

— Ҳо-ой, Руқия, — деб чақирди қизини, устани эсдан чиқаргандек бўлиб. — Итга сув бердингми?

Уста ҳассасига амаллаётгандек суюниб, сумкасини зўрга кўтаргудек бўлиб чиқиб кетаркан, туйқусдан хаёлига нимадир келиб қолгандек ортига

бурилиб, аввал ҳассасига, кейин олхўрига хавотирланиб қаради — дараҳт шоҳларидаги ғунчалар энди-энди барг чиқара бошлашган эди.

2009 й.

## КОРА СОВУҚ

Талаба ёзги таътилга чиққач, кунаро мардикор бозорига бориб, ўнг келган майда-чуйда юмушларни бажариб юрди. Бир-икки даъфа темир йўл вокзалида кўплашиб вагондан юқ ҳам туширишди. Шу тариқа бироз пул ишлади ва туғилган қишлоғига жўнамоқчи бўлди.

Унинг қишлоғи тоғнинг этагида. Тепаликлар ва адирлар бағрида жойлашган.

Талаба шаҳар дўконларига бир-бир кириб, катта бойваччалардек кўзига кўринган нарсаларнинг нарх-навосини сўраб-суринтириб юрди, аммо ҳеч нарса харид қиласади.

У оладиганини қишлоқ дўконидан олишни ўйлади. Шуниси маъқул экан.

Шундай қилиб, талаба туғилган қишлоғига бормоқчи эди.

У ўқиётган институт вилоят марказида жойлашган. Вилоят марказидан туман марказигача автобусда уч соатлик йўл. Туман марказидан у ёғига — талабанинг қишлоғигача машинада ярим соатда етиб олса бўлади-ю, аммо транспорт масаласи чатоқ, уч-тўрт соатлаб кутиб қолиб кетишиям мумкин.

Талаба ҳаммасини ҳисобга олди: эрта саҳар йўлга чиқса, машина кутишу бошқа оворагарчиликлар билан туш маҳали ёки бир-икки соат ҳаяллаброқ қишлоғига етиб бориб, дўкон олдидаги бекатга тушса бўларкан. У, ҳатто, дўкон ёнидаги пахса девор

остида носвой капалаб қатор тизилганча ҳанома-лашиб үтирган тенг-түшларини, умрини шунда гап билан үтказаётган бошқа ҳамқишлоқларини ҳам хаёлан тасаввур этди. Улар билан қай тариқа күришиб-сүрашишни күз ўнтига келтирди. Мободо, Тилла бобо деганлари ҳам шу атрофда үралашиб юрган бўлса, уни танимасликка олганича:

— Ие, ие, Тоживоймисан? — деб сўрайди.

— Ҳа, Тоживойман, — дейди у.

— Қара-я, жа-а кўп ўқиб юбормадингми? — деб ўсмоқчилайди Тилла бобо.

— Ҳали яна бир йил бор.

— Дуруст, дуруст. Еб, ичиб — танини қилиб юрда, ишқилиб, отанг ҳам жўжабирдай жон, пул беринг деб уни қийнама...

Шундай қилиб, талаба эртаси куни тонг саҳардан йўлга чиқди.

У қишлоғига ўз мўлжалидан ярим соат барвақт етиб бориб, дўкон олдида автобусдан тушди. Талаба толиблиқ қилиб юрган кезларида бу дўконни пахса девор остида үтирганлардан бирори ҳали ўз тасарру-фига олиб унинг бир бурчагида буғдойнинг тенг ярмини кепакка айлантириб берадиган тегирмон қурмаган, тракторни мойлайдиган қорамой каби чигит ёғи чиқазиб берадиган мойжувозини ҳам шу бинога тиқиширмаган кезлар эди, у чоқларда дўконни дўкон эмас, магазин дейишар, магазин пештахталарида ҳар тури нарсалар кўз-кўзланиб тургани билан қишлоқ аҳлиниң ҳаммасиям у ерга кириб боришига юраги бетламасди, нега деганда курғур пул деганларига бу ерлар олислик қиласмиди, шувоғу янтоқзорлар оралаб үтган йўллардан йил ўн икки ойда ҳам етиб келолмасди. Лекин болалар ланка ўйнамоқчи бўлишса, тепиш қулай бўлсин деб ланканинг остига илгариги замонлардаги каби юпқа тош

эмас, чақа ёпишириб тепиб юришарди. Айниқса, Зокир лайлак деганлари хўп ланкавоз эди, бир тепища оёқ узмай чошгоҳда бошлаган тепишини говгумда тутатарди. Шу сабабли, унинг пойафзали ҳамиша тўзиб юрарди. Ланкага ёпиширилган чақанинг рақамлари ўчиб кетганидан унинг қимматини билиб бўлмасди.

Пахса девор ости талаба кутганчалик бўлмаса-да, ҳарқалай, бўш эмас, уч-тўрт бекорчихўжа офтобшувоқда нималарнидир валақлашиб ўтиришарди. Уларнинг усти бошидан тортиб нима қилиб ўтиришганигача, нима дейишларигача талабага беш қўлдай аён. Лекин, ҳозир уларнинг сафида ўзи танимаган-бilmagan begona bir йигитning ҳам борлиги талabanning эътиборини tortdi. У бир четда қўлидаги чўп билан ерга алланималарни чизиб ўтиради. Нафсилаамрини айтганда, йигирма уч-йигирма тўрт ёшлардаги барваста бу йигит ҳам бехуда фурсат ўтказишнинг машқини олаётганга ухшаб кўринарди.

У бу ерларга кўп ҳам ёт эмаслигини намойиш қилмоқчи бўлаёттандек бошига эскигина дўппи ҳам қўндириб олганди. Дўппи, ҳойнаҳой, бировники бўлса керак, бегонасираёттандек унинг чеккасида омонатгина туради.

— Ҳа-а, оғайни, келяпсанми? — деб сўради ўтирганлардан бири талабани ҳар куни кўриб юргандек. — Ўрисчани ҳам ўрганяпсанми?

Талаба бориб улар билан кўришиб-сўрашмоқчи эди. Бу совуқ гап туфайли туйқусдан у тўнини тескари кийди — нега бундай қилди, бу ёлғиз унинг ўзига ва худога аён, негаки, талаба ҳам шу қишлоқдан чиққан, олманинг остига олма, ўрикнинг остига ўрик тушади деганларидек, гап-сўзу ҳолатлар ҳам шу қишлоққа мос, уни биров била олмас эди.

— Нимани ўрганяпман, нимани ўрганмаяпман,

айтганим билан барибир фойдаси йўқ, — деди тала-ба ҳам бўш келмай дабдурустдан тиғли савол ташла-ганни ўйиб олиш қасдида. — Сен барибир тушун-майсан.

— О-ҳо, тушунадиган бўлиб қоптилар-да, — деди офтобшувоқда куч йигиб миясини тўлдираётгандек кўринган ҳалиги шаввоз талаба билан ҳозироқ жан-жал бошлиб юборадигандек бир алпозда.— Хўп, ана энди кўрамиз, қанча ўқиганингни, ўқиган бўлсанг анави оққулоқ билан гаплаш-чи...

Ўзи томонга ишора қилинганини пайқаган нота-ниш йигит сергакланиб, гоҳ ўтирганларга, гоҳ тала-бага қаради.

— Толик, — талабани қўйиб, энди ён томонига ўтирилганича нотаниш йигитта мурожаат қилди у. — Вот студент... Русский гаплаш, русский билади...

Нотаниш йигит ўрнидан турди. Унинг бўйи ба-ланд, қўллари узун-узун эди.

У талабага дадил яқинлашди. Унинг сап-сариқ от юзининг ияги ингичка, қуй кўзларининг мулойим боқиши талабага кимнидир эслатиб тургандек эди.

У қўл узатиб:

— Анотолий, — деб ўзини таништириди.

Талаба унинг куракдек кафтига қўлинни қўйиб ўзининг исмини айтди.

— Жуда хурсандман, — деди Анотолий нотаниш жойларда офтобда қатиқ ялашган эски танишини учратиб қолгандек беҳад суюниб.

Шу чоқда рус тилидан ҳамиша қийналиб, зачёт ва имтиҳонларини амал-тақал ёпиб юрадиган талаба пахса девор остини ишғол этишган ҳамқишлоқлари наздида бир зумда донишманд мутаффаккирга ай-ланди-қолди. Ҳарқалай, у Анатолийнинг Анатолий, жайдаричасига айтганда, Толик эканлигини, унинг совуқ бир ўлка — Хабаровскдан келганини, келга-

нига йигирма кун бўлганини билиб олди. Бундан ташқари ўзига маълум бўлган нарсаларни, яъни бу ерларнинг иқлими ниҳоятда иссиқ эканлигини, мева-чевалари кўплигини, айниқса, энди-энди пиша бошлаган чиллаки узум Толикка жуда-жуда ёқсанини ҳам меҳмоннинг оғзидан эшитиб қандайдир гуур ҳам туйгандек бўлди. Яна у ўзига номаълум нарсалардан, инчунин, Хабаровск деганлари жуда узоқда эканлигидан, у ёқларда ёз ойлариям намгарчилик бўлишидан, магазин-дўконларида ичимлик, айниқса, вино топиб бўлмаслигидан ҳам хабар топди.

Улар уч-тўрт дақиқа шу тариқа гурунг қилишди. Тамом.

Бошқа гап-сўз бўлгани йўқ.

Лекин, бу ҳол негадир пахса девор остидагиларга бошқача таъсир қилгандек бўлди.

Улар талаба билан Толик ўртасида бўлаётган гап-сўзларни эшитишмаса-да, маъқуллаётгандек ғалати тарзда бош чайқаб туришди.

Ҳатто, ўзаро:

— Ўқиган барибир ўқиган-да! — деган олқишлиловчи сўзларни ҳам айтишди — эътироф этишдими, пичинг қилишдими — буни ўzlари ҳам аниқ била олишмади.

Талаба Толик билан хайрлашган бўлиб, бош ирғади-да магазин-дўконга томон юрди.

Толик бир лаҳза хаёлланиб қолди, кейин хайрлашган одамига ниманидир айтиш ёдидан кўтарилгандек талабанинг ортидан эргашди.

Талаба дўконга кириб борди.

Пештахта ортида куймаланиб турган сотувчидан бўлак дўконда ҳеч ким йўқ эди.

Талаба томоқ қириб қўйганча, унга салом берди.

— Ваалайкум... — дея бош кўтарган сотувчи

одам боласини ҳам күрар кун бор экан-ку, дегандек маҳталлик билан:

— Э, келсиналар! — деди.

Ғұлабирдан келган, олтмиш ёшлардаги тепакал сотувчи жуда серилтифот, останадан ким қадам боссаям унинг мавқенини билиб, касб-коридан келиб чиқиб гап-сўзни дўндирадиганлар хилидан эди.

— Ўқиши, ўқиши ва яна ўқиши! — деди у талаба билан кўришаркан, шу заҳотиёқ яна бу гапга ишониб юрма дегандек қўшиб ҳам қўйди.— Бизнинг қишлоғимизда ўқиган одамни эмас, пул топган алломани тўрга ўтқазишади.

Талаба индамади. Сотувчининг алломаликнинг белгиси ҳақида айтган ҳикматидан ўзи ҳам йироқда эмаслигини исботлагиси келгандек чўнтағидаги бор пулини чиқарди.

— Хўш, нима берай? — деб сўради сотувчи унинг қўлидаги пулни кўрган заҳотиёқ чап қўлига олган қофозни ўнг қўли билан воронкадай ўрай бошлиб, талабанинг ортидан кириб келган Толикка кўз қирини ташлаб қўяркан.

Талаба оқ қанд, печенье, новвот сўради.

— Офарин ақлингга! — деб мақтади уни сотувчи. — Бугун уйларингда байрам экан-да? Бир килоданми?

Талаба бош ирғади.

Оддий бир талабанинг бу катта хариди сотувчи ни заррача ажаблантирмади. У талабанинг айтганларини бир зумда алоҳида-алоҳида қофозга солиб, тарозида тортди-да, уларни қофоз пакетга жойлаб, қўлига тутқазди.

Талаба ортига бурилиб, энди дўкондан чиқаётганида пештахта ёнида уймалашиб, негадир ҳадеб чўнтағини кавлаётган Толик дабдурустдан:

— Бир сўм қарз қилиб тур, — деди.

Бу талаба учун кутылмаган ҳол әди: негаки, бу қишлоқда қоққани қозиғи, оғсани хурмачаси бўлмаганлар ҳам жанда чопонда тишларининг кирини сўриб юришса-да, бошларини ғоз кўтартганча қарз-қавола қилишни хаёлларига келтиришмасди. Толикнинг бу қилиғи сотувчининг оғзини очдириб қўйганининг сабаби ҳам шунда әди.

Талабанинг минг тешикка бош уриб топган пулдан бирорга бергиси йўқ әди. Бироқ, чўнтағидан бор пулини чиқариб сотувчининг олдида бойғозилик қилгани учун Толикка сўраётган пулини бермасликнинг сира иложи қолмади. У жонини суғираётгандек қилиб Толикка бир сўм тутқазди. Толик дарҳол чўнтағидан чиқарган чақани шу бир сўмга қўшди-да, сотувчидан бир шиша вино сўради.

Сотувчи ўқиши ҳақида беҳуда лоф урмаган, ўзи ҳам китоб кўриб, тил билар әди. Шунинг учун Толикни огоҳлантираётгандек:

— Сени бирордан пул қарз олиб вино ичганингни отанг билса мени жонимни суғуриб олади, — деди уни нимадандир огоҳлантираётгандек.

Толик бу гапни маъқуллаб, бош иргади. Лекин, пулни узатиб тураверди. Сотувчи ўйланиб қолди. Харидор насия сўраганда ёки балоғат ёшига етмаган ёш бола бўлганида ҳам бошқа гап әди, ҳозирги ҳолатда нима қиларини билмаётгандек бошини қашиди.

— Аслида бермасдим-куя... — деди ён бераётгандек лигини билдириб.

Толик ҳамон пулни узатганча унга тик қараб турарди.

Ахийри, сотувчи унинг қўлидаги пулни худди тортиб олаётгандек шартта олди-да:

— Бўпти, — деди.

Толик илжайди.

— Фақат бир шарти бор, — деди сотувчи огоҳлантираётгандек талабага ва Толикка бир-бир жиғдий қарааш қилиб.

— Қанақа шарт әкан? — деб сүради талаба пул беріб балони сотиб олаётгандек күнгли ғашланганча.

— Буни учовимиздан бўлак ҳеч ким билмаслиги керак, — деди сотувчи қатыйй қилиб.

Толик шоша-пиша бош ирғади.

Сотувчи бир шиша винони қофозга қанд ўрагандек ўраб, унинг қўлига тутқазди. Толикнинг оғзи қулоғида бўлганча қувониб, аввал сотувчига, кейин талабага миннатдорчиллик билдириб дўконни тарк этди.

— Ишқилиб, охири баҳайр бўлсин, — дея минғирлаб қўйди сотувчи ўзига-ўзи гапираётгандек.

Талабанинг кўнглига қандайдир номаълум шубҳа оралади.

— Нега бунака деяпсиз? — деб сүради у сотувчи-га қаттиқ тикилиб.

— Бу ерда ор-номус масаласи бор-да, одам шундан ховотир олади, йўқса нима, бир шиша эмас, икки шишани ҳам ўзим беріб юбораверардим... Бу зормондани қишлоқда бирор оғзига олмаса...

— Қанақа ор-номус? — деб сүради талаба унинг кейинги сўзларига эътибор бермай.

— Усмонали аканинг ор-номуси.

— Қайси Усмонали ака?

— Анави... колхоз фермасидаги молбоқар борку, наҳотки, танимасанг?

— Нега танимай, ҳамиша ерга қараб, бир нималарни ўйлаб юрадиган Усмонали амаки-да.

Сотувчи дўконда ҳеч ким йўқлигига ишончи

комил бўлса-да, теварак-атрофга олазарак назар ташлаб олиб, пештахта устига энгашди.

— Шу-у, Усмонали ака Хабаровск томонларда аскарликда бўлган, — деди шипшиётгандек.

Талабанинг хаёлига нимадир келди. Толик ҳам Хабаровскданман деди-ку, таниш-билишимикан?

— Ҳалиги йигит Усмонали аканинг ўғли, — деб маълум қилди сотувчи.

— Толикми?

— Анотолий Усмоналиевич, — ишшайди сотувчи талабанинг сўзини ўзича тўғрилаган бўлиб.— У киши аскарликда ўша ерда ўйланиб, бир ўғил, бир қиз орттирган дейишарди. Аскарликдан кейин ҳам қолиб кетиб, беш-олти йилча ўша ёқларда яшаган. Кейин-кейин юрт соғинчи устун келиб қолиб, уларни бу ерта олиб келмоқчи бўлган, кўндиrolмаган, кейин шартта барига этак силтаб келаверган...

— Оиласини ташлаб келганми? — деб сўради талаба сотувчи ҳамма нарсани биладигандек.

Сотувчи, шуям савол бўлдими, дегандек ғалати тарзда лабини бурди.

Кейин талабани огоҳлантираётгандек бўлиб:

— Аммо-лекин, унинг ўғли сендан қарз олганини ҳеч кимга оғзингдан чиқаза кўрма, — деди. — Усмонали ака қўра-била туриб бу ишга жим қараб турганим учун аввал келиб мени ейди, кейин сени ейди...

— Менга тиши ўтмайди, — деди талаба қандайдир ғурури қўзиб.

Сотувчи афсусланаётгандек бош чайқади.

— Қанча ўқиган билан фаросат битмаса қийин экан-да, — деди у бу гапи талабага оғир ботишини хаёлига ҳам келтирмай. — Катта одам бир нарса деганда кичик қулоқ солсин-да, бу дўконда мен қирқ йилдан бўён ишлайман, кимнинг қанақалигини,

кимнинг нимага тиши ўтиш-ўтмаслигини мен билаланми, сен биласанми?

Талаба энди миқ этолмай қолди. Негадир тарвузи құлтиғидан тушганча ташқарига чиқди.

Пахса девор остида носвой капалаб ўтирганлар бироз күпайған, аммо Толик күрінмасди.

У ташқарига чиқиши биланоқ:

— Сенга оққулоқ нима деди? — дея кимдир қиңқириди.

Талаба киғтини қисди:

— Ҳеч нима...

— Күзингга қара-да.

Талаба кетди.

У катта йўлни эндиғина кесиб ўтган эдики, ёнбошдаги тор кўчадан йўтала-йўтала Тилла бобо чиқиб қолди.

“Оббо!”, дея ўйлади талаба ичида.

Кейин салом берди. Тилла бобо алик оларкан, жуда яхши таниб турса ҳам, ўзини танимасликка олганича:

— Ие, ие, Тоживоймисан? — деб сўради.

— Ҳа, — малолланганича бош иргади талаба.

— Буни қара-я... Ўқишдан келяпсанми?

Талаба яна бош иргаш билан уни тасдиқлади.

— Дуруст, дуруст, — Тилла бобо ўз йўлида давом этмоқчи эди, қандайдир муҳим нарса ёдига тушиб қолгандек тўхтади. — Усмоналининг ўрис хотинидан бўлган ўғлини кўрмадингми мободо? — деб сўради.

— Кўрдим, — деди талаба.

Тилла бобо унга синовчан тикила туриб:

— Шу бола бирон фалокатни бошлаб қўйиб, бу ёқларга қочиб келган-ов! — деди томоқ қириб қўйганча.

— Билмадим, — деди талаба кифт қисиб, ўзини бу гапларга алоқасиз кўрсатиб.

— Йұқса, үз-үзидан нима қилади келиб? — деди Тилла бобо үз мuloхазасини асосли далиллар билан тасдиқлаётгандек. — Усмоналини отам деганда, шунча вақт кутиб юрармиди, аввалроқ келарди-да. Тинчгина юрувдиг-а, — Тилла бобо ҳам сотувчи каби теварак-атрофга олазарак назар ташлаб олиб, огохлантириш маъносида, — ҳамманг ундан күз-кулок бўлиб, ўзларингта эҳтиёт бўлиб юринглар, худа-бехуда яқинлашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетманглар — дўст бор, душман бор, ёмон кўзлардан сақласин-да, ишқилиб, — деди.

Шундан сўнг Тилла бобо миқ этмай турган тала-бага сарософ назар ташлаб қўйди-да:

— Е, овло, ўзинг асра, — деганича йўлида давом этди.

Талабанинг ичидаги номаълум ҳадик баттар кучайди.

У қишлоқда бир ҳафта турди. Ўқиш бошли-нишига ҳали бир ой бор эди, бироқ август ойини пахта чопиғида ўтказиш ҳақидаги деканат буйруғи билан танишганига қўл қўйиб келгани учун далада киядиган эски кийимларини халтага жойлаб жўнаб кетди. Шу билан пахта чопиғидан сўнг ўқишлиар бошланди ва орадан бир ярим ойни ўтказиб, талаба яна қишлоққа келди.

У бу гал қишлоққа етмаёқ автобусдан тушди.

Бу чоқда узумлар ғарқ пишган, талаба қишлоқ четидаги ўзларининг токзор боғларини оралаб, кейин уйларига боришни хаёл қилганди.

Шундай қилди ҳам.

Кечқурун уйларига кириб бориб отаси билан кўришиб-сўрашиб бўлувди ҳамки, изидан акаси ҳам келди.

Энди ўттизга тўлган акасининг қоп-қора ёноқла-ри ичига ботган, ўз ёшидан ўн-ўн беш ёшлар катта

күринарди. У устачилик қилар, пойтеша-ю тұнғизарра ишлаторди, касбига яраша жаҳли ҳам бурнининг учида туради. Қишлоқ ахлининг ҳамиша иши тушиб юргани учун унга аллада азиз, тұrvада майиз қабилида муомала қилишарди. Сал гапгаям пойтеша-ю тұнғизаррасини итқитиб, араз уриш одати бор эди. У алоҳида ховли қилиб чиқиб кетган, ор-номуси ҳам зардасига яраша — кунаро ота ховлига бирров кириб, хабар олиб кетар эди.

Акаси келганида талаба пешайвон остидаги болалигидан қадрдон бұлған нашвати остида турған эди.

— Қалайсан? — деди акаси қўлини узатиб, у ҳаргал қучоқлашиб кўришарди.

— Дуруст, — деди талаба ҳам қўл узатиб.

— Үқишлиар қалай?

— Ёмонмас.

— Қишлоққа келганингда эҳтиёт бўлиб юр.

— Нега?

— Шаҳарда юрган одам қишлоқ шароитларини кўп ҳам билавермайди.

— Мен тамоман шаҳарлик бўлиб кетганим йўқку.

— Барибир ҳам-да, — гапни узокдан бошлаган акаси ичини ёрди. — Одам деган сал камтар бўлиш керак. Ўрисчани билар эканман деб ҳар ким билан ҳар хил гапларни гаплашиб юраверма.

— Тушунмадим...

— Нимани тушунмайсан? Усмонали аканинг оққулоқ ўғли билан нималарни гаплашдиларинг?

— Нималарни гаплашибмиз?

— Сен биласан-да, гаплашаман деса ўша пахса девор остида ўтирганлар ҳам балодай гаплашишади, ўрисчаниям сендан яхши биладиганлари бор, аммо ўзларини билмасликка олишади.

— Нега?

— Нега эмиш? — деди акаси унинг соддалиги-данми, билиб билмасликка олишиданми жаҳли чиқаётгандек лабини буриб. — Ахир, унинг у ёқларда нима ишлар қилиб келганини ким билади? Балки, бирорни ўлдириб бу ерларда қочиб юргандир, балки, ўғирлик қилгандир...

Талаба ўзини зўрлаб кулди.

— Куласан-да, куласан, — деди акаси бу кулагининг йифиси ҳам бор, деган маънода. — У сени сўрайвериб мени ҳоли жонимга қўймаяпти.

— Нима гапи бор экан?

— Айтармиди...

— Бориб сўрай бўлмаса.

Акаси талабани катта хавф-хатардан қутқариб қолмоқчи бўлаётгандек:

— Калланг ишламайди-да, энди шу етмай турувди, — деди. — Сен, яххиси, унинг кўзига кўринмай юр.

Талабанинг отаси уруш кўрган, тўғри-дангал одам. У миш-мишу ғийбатларга аралашиб қолмай деб, кўчагаям кам чиқади, лекин шундаям бирорлар келиб униям бунаقا гаплардан хабардор этишадики, шундай чоқларда қизишиб аралашиб қолганини пайқамай, кейин-кейин ўзидан-ўзи домангир бўлиб юради.

Ҳозир у ўмровига болишни тортганча пешайвонда ёнбошлиб ётганди. Ака-уканинг тик турганча нималарнидир муҳокама қилишаётганидан тоқати тоқ бўлиб:

— Ҳа-а, нима гап экан? — дея бақириб сўради.

Ака пешайвон томонга уч-тўрт одим босиб, ортга ўтирилди-да:

— Бу Усмонали аканинг ўрис ўғли билан нималарнидир гаплашибди, — деди.

— Гаплашса гаплашар, — деди ота парво қил-

май.— Усмоналининг ўзи ким-у, ўғли ўрис бўлар-кан?

— У буни мендан сўрагани сўраган.

— Бирон иш-юмуши бўлса сўрайди-да, — деди ота, шунгаям ота гўри қозихонами, деган оҳангда.

Ака қўл силтади.

— Сиз кўчага чиқмай ётасиз, қишлоқда одамлар қанақа бўлиб кетишганини билмайсиз-да, — деди энди отасини ҳам аяб ўтирмай нималаргadir ишора қилганича. — Қараб турсам, кўча-куйдами, тўй-маъракадами улар висир-висир гап қўзғашяпти.

— Э! — ота ётган жойида қандайдир ҳафсаласизлик билан қўл силтади.

— Нима, сиз уни бу ёқларга беҳуда келган деб ўйлаяпсизми? — деди ака.

— Мен ҳеч нима деб ўйлаганим йўқ, — деди ота. — Боёқиши Усмоналининг ўғли экан, ҳамқишлоғимиз экан, қондошимиз экан, қора тортиб келибдими, ўшангга балли...

— Э, кўйинг-э, сиз ҳам ўша касофатнинг ёнини олманг.

Ота нимадир демоқчи бўлди-ю, пуштикамаридан тўралгани билан гап талашиб ўтиришни ўзига лозим кўрмай, нариги ёнбошига ағдарилиб олди.

Ака шундаям ўз фикрида событ қолганини билдириб:

— Кўзига қарасин-да, — деди-ю, тилининг остига бир кафт носвой ташлаб, кейин индамай чиқиб кетди.

Талаба ёшу қари ҳамқишлоқларининг ҳамиша носвой капалаб юришлари боисини пайқагандек бўлди: худа-беҳуда ортиқча бирон-бир сўз айтиб юборишдан улар ўзларини шу тариқа асрашса керак.

Эртаси куни талаба акасининг насиҳатига кўра

Толикка дуч келмаслик учун дўкон олдидағи бекатта тушмай, узумзор оралаб келган йўли билан изига қайтди. Бироз олислигини айтмаса, талабанинг ўзига ҳам шу маъқул тушди, пахса девор остидагиларнинг ҳар хил пичингли саволларига жавоб бериш даҳмазасидан қутилади, Тилла бобога ҳам тўқнаш келмайди.

Талаба энди қишлоққа етмай автобусдан тушадиган, шу ердан автобусга чиқадиган бўлди.

Бу ёғини ўйламаган экан, энди автобусдагиларнинг гап-сўзлари бошланди.

— Нимадан қочасан? — дейишарди унга эрмакталаблик билан. — Тўғри бориб бекатта тушаверсанг бўлмайдими? Ёки ким биландир талашиб-тортишиб қолдингми?

— Айтавер, кимдан нега қочиб юрибсан?

— Сенда бир гап бор-ов!

Талаба бундай гап-сўзлар қаршисида ўзини қандайдир ожиз ҳис қилар, ҳақиқатдан ҳам нимадир қилиб қўйган каби довдираф қоларди. Бунга сайин автобусдагиларнинг тиллари ешилиб, ўзаро муҳокама-мунозараларни бошлаб юборишар, гоҳ тоғдан, гоҳ боғдан келишар, талаба эсдан чиқиб, ўзаро тортишиб кетган ҳоллари ҳам кўп бўлар эди.

Талаба тишини-тишига қўйиб бу гапларга чидар, ҳатто ўқища ҳам қишлоққа қандай боришу у ердан қандай қайтиш фами энди уни тарк этмайдиган бўлиб қолган эди. Иложини топса-ку, бир йилда бир бориб-келсаям бўлар, аммо, бунинг имкони йўқ, отаси индамасаям, онаси айюҳаннос солиб қидириб келишдан ҳам тоймайди.

Унинг барибир қулоғи тинчимади. У уйга келган заҳотиёқ акаси ҳам пайдо бўлар, ғоят ташвишли қиёфада:

— У сени яна сўради, — дерди.

Акаси бу гапни ҳар гал ҳар хил тарзда айтарди: бир гал, у фалончи-пистончининг жанозасида отасининг ёнида турган әкан, бутун қишлоқ аҳли йиғилган эди, у эса жаноза-паноза деб ўтирумай менга яқинлашди-да, сени сүради, деса; бошқа гал, мен фалончи-пистончининг уйини қураётганимда ҳашар баҳонасида уям келди, ўзиям роса лой ташиди-ю, энди тушликка чиқаётганимизда яна ёнимга келиб сени сүради, дерди. Кейин сен у билан нималарни гаплашгандинг, ишқилиб, ўшанда унга қандайдир ваъдалар бермаганимдинг, агар шунақа бўлган бўлса очигини айт, очиқ-оидин ҳал қилиб олайлик, деган сўраб-суриштиришлар бошланарди. Уни кўришга мениям юрагим безиллаб қолди, шунақа қиласкерса мен ҳам энди бу қишлоқда ишламай, бошқа жойлардан иш излашимга тўғри келиб қолади, дерди акаси.

Бир томони талабанинг акасига раҳми ҳам келди. Намунча у мени сўраб-суриштирмаса, деган жумбоқ ҳамон талабанинг бошини қотирарди. Тикка бориб, нима гап, мана мен келдим, деса бўлади-ку, аммо акаси унинг бундай ҳаракат қилишига мутлақо қарши, тинч юр, у қандайдир касофатни бошлаб келган — ҳамма шундай деяпти, буни ўзимнинг ҳам кўнглим сезиб турипти, сен яххиси у билан учрашма, гаплашиб ҳам юрма, дейди.

Бу гапларни әшитиб, талабанинг гумонсираши баттар ортади.

“Балки, Толикнинг яна вино ичкиси келиб пул тополмаганидан мени излаб-қидириб юргандир?”, деган фикр ҳам талабанинг миясига бот-бот келиб қолар, бу дардисарнинг даҳмазасидан қандай қутисам экан, деб ўйларди.

Орадан ойлар ўтиб, талаба янги йилни кутиб

олиш учун қишлоққа келди. Шаҳарда қор учқунлаб турарди, қишлоқда эса қалин ёқсан экан.

У автобусдан одатдагидек қишлоқ четида тушиб қолди.

Ҳаммаёқ оппок, күз қамашади.

Талаба тиззадан қор кечиб, тепаликлар оралаб кетди.

Қачонлардир ёғиши бошлаган лайлаккор ҳамон гупиллаб уриб турарди.

Туйқусдан талаба ортидан кимнингдир бақириб-чақираётганини эшитиб қолди.

У ўгирилди.

Узокда узун қора чопонли кимдир бирор у томонга шошиб келар, қўлларини тепага қўтарганча, тўхта, ишорасини қилиб тўлғар, ошиқиб-шошиққанидан ўқтин-ўқтин йиқилиб ҳам қоларди. Унинг бошида қора телпаги бор эди.

“Ким бўлсайкин?”, деб ўйлаган талаба бироз тўхтаб кутишга қарор қилди.

У яқинлашаверди.

Орада озгина масофа қолганда талаба унинг Толик эканлигини билди-ю, юраги дук-дук урганича, бурила солиб қоча бошлади.

Қор қалин, из тушмаган эди, талаба қанча қочгани билан қадами унмас, устига устак мункиб қандайдир чуқурга тушиб кетгани боис ўзини ажал домига тушгандек ҳис этди.

У чуқурдан амаллаб чиққанида Толик унга етиб олди.

Толик бошидаги телпакни юлқиб ечди. Шунда унинг қора терга ботгани маълум бўлди. У телпаги билан юз-кўзини артаркан:

— Уф-ф!.. — деганича ўзини шартта қор устига ташлади.

У нафас ростлай бошлади.

Кейин чопонининг барини қайириб ташлаб, шимининг чүнтағига қўлини сукди ва бир сўм чиқазиб ўтирган жойида талабага узатаркан:

— Ма, ол! — деди.

Талаба беихтиёр:

— Нега? — деб юборди.

— Нега бўларди? — деди ҳамон ҳарсиллаб кўкси кўтарилиб тушаётган Толик. — Бу сендан олган бир сўм қарзим. Ўшандан кейин сени ҳеч учратолмадим, пулингни ўшандаёқ қайтармоқчи эдим. Кимга беришими билмайман. Сўраб-суришириб акангни топдим, сендан олган қарз пулни унга тайинлаб бериб юбормоқчи бўлдим-у анави сотувчи учовимиздан бўлак ҳеч ким билмасин дегани учун бундай қилмадим. Акангдан сени сўрасам бирон аниқ жавоб бермайди.

Талаба ҳам негадир шу чоқда ҳолдан тояётганини пайқаб, унинг ёнига ўтирди.

Уфқдан осмонга қоп-қора қуюқ булувлар кўтарилиб келаётганди.

— Сени шу томондан келаётганингни эшитганимдан сўнг, бир ойдан бери ҳар куни тушдан кейин келадиган автобусни кута бошладим, — дей давом этди Толик. — Буни дадам ҳам билиб қолиб, ҳар куни кимнидир кутиб олишга чиқяпсанми деб сўрайди, — Толикнинг юзини майин табассум қоплади. — Мен сотувчи амаки учовимиз келишганимиз бўйича ҳеч кимга ҳеч нарса демай, сендан олган қарзимни фақат ўзингга қайтариб бермоқчи бўлгандим, мана, ахийри сени топдим.

Кўнгли хотиржам бўлганига қаноат ҳосил қилгандек Толик кўксини тўлдириганча чуқур нафас олди.

— Кераги йўқ эди, — гўлдиради талаба.

— Нега энди? — бу гапдан қандайдир хафа бўл-

гандек сўради Толик. — Ахир, ўшанда мен ҳеч кимни танимасдим, таниганим билан барибир фойдаси йўқ, кўпчилигининг чўнтағи қуп-қуруқ эди, ҳозир ҳам шундай.

— Мен мардикорчилик қилиб пул топгандим, — деди талаба негадир шу сирни айтгиси келиб.

— Сени тушунаман, — деди Толик унинг елкасига ғамхўрона қоқиб қўяркан.

Толик жилмайди. Унинг жилмайишида ўзини кетма-кет кунлар, кетма-кет ҳафталар, кетма-кет ойлар мобайнида қийнаб келган мушкулотдан фориғ бўлганининг қувончи мужассам эди.

Талаба юзини бошқа томонга бурди.

Унинг қўзлари жиққа ёш эди.

Толик ўрнидан қўзғалди.

У қўлини узатиб:

— Сендан олган қарзимни қайтариб берганимни сотувчи амакига ўзим айтаман, — деди. — Бу сир учовимиз ўргамизда қолганини билиб, кўнгли тинчиди-да. Ҳар гал дўконга кирганимда менга ғалати-ғалати қараб қўярди, мен ҳам унинг юзига қандай қараашни билмасдим, мана энди яхши бўлди.

Талаба унинг муздек кафтига қўлини қўйди.

— Хайр, — деди Толик.

— Хайр, — деди талаба.

Толик яна нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтламоққа ҳозирланди-ю, қандайдир мулоҳазага бориб индамади.

Индамай изига қайтди.

Бу чоқда ёғаётган қор сийраклашиб, қора союз заптига олмоқда, унинг қачонгача давом этиши энди ҳеч кимга маълум эмасди.

---

Үюлган түпроқ тақбир айтар әди. Қизиган осмон тақбир айтар әди. Атрын сочар әди бултурғи шувоқ – кечанинг атри әди, шириң таъми әди кечанинг. Эси оғиб кезган далли-гулли шабаданинг бүйи қолган әди шувоқ атрида. Түпроқ донасининг; ҳаво тозалигининг; қүёш ботишининг; қалб сокинлигининг бүйи қолган әди шувоқ атрида. Шифтдаги күш инидан тушган хасда – полапон қанотининг ҳиди, қалдирғоч фарёдинг охи-зори. Инини бутлаётган қалдирғоч, гувала деворларда – ҳаёт сабогини ўргатар әди. Қалдирғоч келиши билан – ҳаёт уйғонар әди, янгиланар әди бизнинг ҳаёт. Қалдирғочнинг тепамизда туриши – ўртамиздаги сирли boglaniш. Полапон тумшигу ин четидан, оламнинг сирли дарчасини чертар әди. Энтикиб ютинар әди – ютган озгина ҳавосидан миннатдор қүища. Ўзига маскан ахтарар әди – қүища бўғзида адаишган ҳаво чуғур-чуғур овозга айланар әди; чулдур-чулдур овозга айланар әди; нағмали куйга айланар әди – яна неларгадир қодир адаишган ҳаво. Ҳавонинг шукронасига – қора оғоч яшил; митти майса чақмоқ – яшил оламлардан бир тимсол әди. Қиёқ тиалли қилдеккина ҳис – тошиюракни ёриб чиқа олур әди. Шу қилдеккина ҳис ибтидонинг тимсоли әди. Мұхаббат учун шу ҳис – менга тимсол кибоя әди. Мұхаббат учун тозалик керак – Кўнгил, нигоҳ, қўл тозалиги ва яна... ювининг, ювининг, ювининг – майса ва ҳис мойбуёги билан юрак ёғларини қатронлаб ташламоқ зарур мұхаббат учун. Ўзингизни қурбон қилманг – ўзингизга ишонинг

ва ҳар инсонни севинг. Ва яна – бир майсани қадрламаганнинг олам яшиллигини қадрламогига ишонманг; кичик ҳисни пайқамаганнинг катта туйгуларга ошно бўлмогига ишонманг; бир инсон учун қайгурмаганнинг миллат қайгусида эканлигига ишонманг – асло ишонманг: қатра қон тўка олганнинг дарё-дарё қон тўкмаслигига ишонманг; Кўнгилнинг якка фарёди Арии аълони титратмаслигига ишонманг – асло ишонманг. Шу ишончсизлик сизда ишонч уйготсин – инсонга муҳаббат ишончини уйготсин; етти фалак инсон қалбида эврилмогига ва унинг тубида хазина-ю дафиналар сизни кутаётганига ишонинг; у ерда улкан гавҳар борлигига ва уни сўқир илон қўриқлаб ётганига ишонинг; уммон борлигига ва бу уммонни жаҳолат пардаси ётиб турганига ишонинг; гўзал Ватан борлигига ва унга иккюзламачилик, хоинлик ҳужум қилиб турганига ишонинг. Ўзингизни асранг – ичингиздаги турфа ёгийларнинг басма-бас ҳужумидан асрай олинг ўзингизни; арzon ва пуч нарсаларнинг васвасасига бериб қўйманг ўзингизни. Ахир, ўша нарсаларнинг барча-барчаси сўқир илоннинг кўзини бир очиб кўйишига ва аждаҳонинг нафси қониб тин олганига арзимас. Арzon ва пуч нарсаларнинг васвасасига учиб ўзингизни совуриб юборманг. Вақт шамолининг елаётган томонига кетманг; ўзингизни англанг, чуқурроқ англанг, йўқса, соврулиб кетасиз, бугдойдек сочилиб кетасиз – ахир, сиз бугдой донасидан тикланган вужуд. Инсонда қисм бўлмайди, жузъ бўлмайди унда – инсонни бутунича севмоқ керак, бутунича қадрламоқ керак, инсонга ситам – худога ситамдир. Ватан сўзи инсон сўзидан бошлангани каби миллат сўзи ҳам инсон сўзидан бошланар; осмон эса инсонга қофиядошдир. Усиз – жаннат мукаррам эмас; осмон қуп-қуруқ бўшлиқ; қўёш куйган тараша; ой муаллақ ҳасрат – усиз унинг ўзи

ҳам ҳечдир. Келажакнинг чорлаши қонилмаган майлардандир. Олга босмоқ учун ортга чекинмоқ зарур – тарих дараҳтининг ҳар новдасида ва кесилиб кетган шохларида етти ўлчаб бир кесмоқнинг сири яширин; бу дараҳт бўйлаган ҳавода буюк инсонларнинг овози ва ҳаракатларининг шарталари агадийлик созини олган. Олга босмоқ учун ортга чекинмоқ зарур – ичингдаги нағс чорраҳаларидан ўтиб, ҳирсу ҳавас сўқмоқларидан ўтиб, ўзликка ҳижрат этмоқ олга кетмоқдир. Ҳаёт Саҳнаси – тасодифий Ибтидо ва муқаррар Интиҳонинг ҳарир қаноти ва пўлат найзаси; кўпирган сутни ва қатрон қони мувозанатининг тигида елаётган оқ ва қора самовий тулпорларнинг ингичка ёлидан ясалган тузоқ ёнида тикланган чодирхәёлдир. Қазилажак қабрларга эмас, ортда қолган қабрларга сигинмоқ керак – зеро, ҳаёт саҳнасига йўл заминнинг шувоқ шохida асраран хуш бўйли ҳавоси-ю, бир қўчоқ атридан шу қабрлар аро ўтажак.

---

## БЕҚИЁС НЕОМИФОЛОГИЗМ

Америка ёзувчиси, Нобель мүкофоти совриндори Эрнест Хемингуэй “Бадий адабиётда мангу мавзулар бешта: инсон, муҳаббат, меҳнат, уруш ва ўлим”, деган эди. Дарҳақиқат, Лев Толстой, Фредрик Стендалъ, Эрнест Хемингуэй, Жон Дос Пассос, Уильям Фолькнер каби адиллар асарларида даҳшатли ва бемаъни урушлар ичидаги чукур изтироб ва дард билан яшаётган инсон қисмати тураган эди. Тўғрисини айтсанам, бутун ижоди давомида урушни лаънатлаб ўтган, инсоннинг букилмас, мустаҳкам иродасига қаттиқ ишонгани Эрнест Хемингуэйнинг машҳур “Күёш бариверади” (“Фиеста”) асари дастлаб ўқиганимда “Алвидо, қурол”, “Чол ва денгиз” асарлари, ҳикоялари каби ёрқин таассурот қолдирмаган эди. Шу орада рус хемингуэйшуносларининг илмий тадқиқотлари билан таниши бошладим. И. Кащин, Ю. Попаров, Б. Грибанов, Ю. Лидский, А. Старцевларининг таҳлилу талқинларини ўқиб чиқиб, “Күёш бариверади” асари қаҳрамонларининг менга галати туюлган бемаъни ва бемақсад кезишлари, саёҳатлари, гап-сўзлари жўяли кўрина бошлади. Ана ўшанда мен “бадий матн остидаги” ҳақиқий сир-асрорларни китобхонга содда тил билан тушунтириб берувчи қандайдир “ноёб мутахассис”га адабиёт муҳтоҷ эканлигини, янада аниқрорги, танқидчи “китобхон билан ёзувчи ўртасида” тўғри ва аниқ муносабат ўрнатиб берувчи “дипломат шахс” эканлигини тушуниб етдим. Адамасам, адабиётшунос О. Шарафиддинов олимларни, танқидчиларни “адабий барометр” деб атаган эди.

Истеъододли адаб Шойим Бўтаевнинг "Юлдузларга элтар йўл" қисса ва ҳикоялар тўпламига жамланган асарлар мавзуси Эрнест Хемингуэй ёътироф этган абадий мавзулардан бири "уруш" билан алоқадор. Китобга "Юлдузларга элтар йўл" (2012) қиссаси ва "Отам нега жим?" (1979), "Мактаб қоровули" (1981), "Номус" (2009), "Кора совуқ" (2009) ҳикоялари киритилганд. Хронологик нуқтаи назардан қаралганда, бу асарлар турли йилларда яратилган.

Шойим Бўтаев уруши мавзусида асарлар яратган салафларидан фарқли равишда, бир қараашда оддий, яна бир қараашда эса янгиланган неомифологик бекиёс асарлар битган. Уларни ўқиб, оддий қишлоқ одамларининг нечогли гўзал қалб соҳиблари эканлигидан гоят мутассир бўлдим. Ваҳоланки, ўзим ҳам уша оддий одамлар орасида тугилиб-ўсанман. Шойим Бўтаев қаҳрамонлари аввало, мен тугилиб-ўсан қишлоқ шароитида яшаётган одамлар қисмати, характери, оддий турмуш тарзига яқин. Эҳтимолки, ёзувчининг адабий олами шунинг учун ҳам менинг кўнглимга яқиндир. Ҳатто энг майда тасвирдек туюлган, оғзига нос отиб олиб, товушларни алмаштириб гапираётган қаҳрамонлар айнан шу жиҳати билан менинг дадамни, тогамни, амакимни, қўни-қўшиниларимни эслатган бўлса ажаб эмас.

Мазкур тўпламга кирган барча асарларда ёзувчининг болалиги кечган Туркистон тог тизмалари этагида жойлашган Майдонча қишлоғи, шу қишлоқда яшовчи майдончаликлар ҳаёти ва қисмати, хуллас автобиографик маълумотлар жуда маҳорат билан сингдириб юборилган. Ёзувчи Туркистон тог тизмалари этакларида жойлашган элликка яқин қишлоқ номларини санайди. Кенагас, Иторчи, Мужун, Кизили, Хўжақўргон, Яхтан, Тўққизчелак, Кипчоқ, Кўшкент, Увок, Кўштоир, Корасоқол, Яssi, Лакат, Қаландархона, Туркман-Найман,

Яңгишер, Тол, Яккабог, Мангит, Болгали, Ўроқли, Қайирма, Қарапчи, Кенгкүл, Құчина, Бұраган, Тулкилик, Турк, Сават, Куроқ, Жарқұргон, Кесакли, Құргонча, Яңгиқишилоқ, Яңгиариқ, Яңгиқұргон, Мұғул, Оққарчигай, Җұянчи, Тарнов, Овчи, Уяс, Бобурчак, Тут, Тапқоқ, Баландчақыр .... Бу номларнинг ҳар бирида олам-олам тарих, олам-олам ўтмиш, одамлар ва әлатлар қисмати мужассам экани аён.

Шойим Бұтаевнинг "Юлдузларга әлтар йүл" асарыда бундан олдинроқ ёзилган "Кайвонининг мангу макони" әртак-қиссасида фойдаланилган халқ оғзаки ижоди жанрлари (достон, әртак, ривоят, афсона)га хос стилизацияни (оханғ, мотив, тасвир, бадий ритм) күзатиши мүмкін. Бинобарин, бу ҳар бир вөкеа, тағсилот, қистирма ривоят, рухий ҳолат тасвиридан сұнг тақрорланиб келувчи "Шұнақа әкан. Шұнақа бұларкан. Шұнақа бұлған әкан" жумлаларидан янада ёрқын сезилади. Умуман, адебининг барча асарлари ти哩да халқона содда, жонли тил етакчilik қиласы. Шойим Бұтаев ҳавойи гаплардан, совун күпигидан атайды ясалған сұнъий қаҳрамонлардан (совун күпиги сұнъий шар ясайды, аммо унинг умри дақиқага ҳам етмайды, тез ёрилади, ҳавога сингиб кетади), хаёлий үйдирма тасвиirlардан үзини йирок тутади. Адебининг ҳар бир тасвирида, қаҳрамонлари хаттى-харакатидан тортиб, гап-сұзларигача, фикрлаши, үзини тутиши-ю, хаёлларигача жонли ва самимий принцип амал қиласы. Зоро, бадий ижоддаги әнг мұхим шартлилік талабларидан бири тасвирда самимийлік, аниқлік, жонлилік, ҳаққонийлік, халқона рұхни сақтай билишдір. Бир қараашда жайдари ва содда күриндиган бундай бадиият шартларини адо этиши осондек туюлади. Аммо уни амалга отиши юксак истеъодод әгаларигагина насиб этади, холос. Шойим Бұтаев бадий шартлилікнинг мұхим үнсурлари: самимийлік, аниқ-

лик, жонлилик, ҳаққонийлик, халқона рухни маромига етказиб тасвирлай билади. Шундай экан, ўз касбининг устаси сифатида ўзбек адабиётини бойитишга хизмат қиласётган катта ижодкорнинг жозибали асарлари қалбимизни бойитиб бораверади.

“Юлдузларга элтар йўл” қиссаси марказида умрида рўшинолик кўрмай ўтган бир оила Хотам (ота), Бувииш (она), Турсунмурод (ўғил)нинг фожиавий қисмати туради. Турсунмурод ота-онасининг худодан тилаб олган еттинчи фарзанди. Эр-хотин фарзанд додигда куийиб-адо бўлган. Уларнинг олти боласи тугилиб, ўн кун яшаб-яшамай оламдан кўз юмган. Мазкур мотив бир тарафдан халқ достонларига хос бўлган “бефарзандлик мотиви”, “азиз-авлиёлардан фарзанд ва унга умр сўраши” мотивларини эсга туширади. Иккинчи тарафдан, бу мотив жудаям ҳаққоний ва ҳаётий ҳамдир. Адив қиссада Илон, Қарга (Шоҳид), Қобил ва Ҳобил, Шайтон ва Раҳмон, Яъжуҷ ва Маъжуҷ ҳақидаги диний мифологияни унумли истифода этган. Бозор бобо, Невъматилло бобо нутқидаги “Чулчут одамлар ва уларнинг екасида ўтирувчи икки илон” ҳақидаги афсонавий миши-миши гап, Коратош ота қабристонидаги катта илон ҳақидаги одамларнинг гурунгларида “Илон” диний-мифологик образи билан боғлиқ халқона қарашлар кўзга ташланади. Бу бадиий тасвирларни асло четлаб ўтиш мүмкин эмас. Қишлоқ аҳли кўзи билан ҳеч қачон кўрмаган, аммо йиллар давомида қатиқ бериб, илонни сийлаб юрадиган Невъматилло бобо хасталаниб, Коратош ота қабристонида кўз кўриб, қулоқ эшишмаган воқеа содир бўлади. Яъни катта илон ташқарига чиқади. Бу воқеага Невъматилло бобо “Илоннинг инини қўзгашитти”, деб муносабат билдиради. Хуллас, катта илоннинг ташқарига чиқиши билан Иккинчи жаҳон урушининг бошлиниши параллел бадиий рамз сифатида қўлланилар экан, бу халқо-

на-рухоний ҳодиса асарга бекиёс сирлилик, халқчиллик, тақрорланмас рух бахш эта олган.

Умуман, қиссада илон урушнинг бошланишига рамзий шиора этиб, бу совуқ хабар билан бадиий параллизмлик касб этади. Уруш – совуқ хабар. Илон – ташқи кўриниши билан совуқ, инсон юрагига ваҳм солади. Бу икки ҳодиса ўртасидаги аналогия (ўхшашилик) – совуқлик, бу икки образни бир-бирига қаршилантириш, ёхуд ёнма-ён қўллаб, бадиий параллел рамзий образлилик ҳосил этилишига асос бўлган.

Ота-бала Ҳотам билан Турсунмурод бир-биридан яширин равишда кўнгилли бўлиб урушга кетишига ариза бершиади. Қора қисмат бу оила ҳаётига машъум чизигени тортади. Қиссада Исмат почтачи, Шоҳид Карга образлари ҳам бадиий-мантиқий давомийликка эга бўлиб, Ҳотам, Бувши, Турсунмурод, Невъматилло бобо, Бозор бобо, Кумри она, Илёс Бўтакўз, Нуъмон қиртиши, Элёр, Хушҳол хола, Носир чўтири, Ҳайит, Илон, Корахаёл каби ҳаётий ва мифологик-рамзий образлар бир-бири билан узвий алоқадорликда акс эттирилган. Улар бир-бирига боғланиб, мустаҳкам бадиий қўргон барпо бўлган.

Қобил ва Ҳобил ҳақидаги диний мифологияга кўра Карга одамзодга майитни кўмишни ўргатади. Ҳудди ўша ақлли қарганинг авлоди бўлган Шоҳид тирик гувоҳ каби Ҳотамнинг отаси васият этиб кетганидек, оила аъзоларининг ҳар бирининг қисмати, шум тақдиридан боҳабар бўлиб туради. Шу маънода қаргага ёзувчи рамзий маънода “Шоҳид” номини беради. Қиссада бир наслнинг қуриб йўқ бўлиб кетишига уруш сабабчи бўлиб қолди, деган умумбашарий гоя илгари суриладики, буни англамаслик мумкин эмас.

Карга нафақат туркий халқлар мифологиясида, умуман, Евроосиё халқлари мифологиясида ҳам азалдан мавжуд бўлган, узок умр кўриши билан “Ақл тим-

соли", "Инсонга ҳомий, мададкор" образ сифатида акс этишини биламиз. Асарда ёзувчи Исмат почтачи ва Корахаёл образлари воситасида инсонни ич-ичига кириб таҳлил этиши, мамлакатда, одамлар ҳаётида бўлаётган Кора урушга нисбатан чуқур таҳлилий, аммо оддий инсоннинг (бир қўли йўқ оддий бир почтачи) руҳий изтироблари, қора хат ташишдан табиий равишда одамийлиги устун бўлган бир инсон ҳақида ўта таъсирчан ҳикоя қиласиди. Қари ёнгок дараҳти устига қўнгани катта қарга (Шоҳид)нинг қагиллаши унинг юрагига кучли ваҳм солади. Исмат почтачи ва унинг бир пайтлари улоқда чопган қирчангни оти ўртасидаги муносабатлар халқ достонларига хос бадиий ритмни эсга туширади. Исмат почтачининг бўрилар чангалида фожиавий ўлим топиши китобхонни ларзага солади. Ич-ичимизда унинг тирик қолишини истаймиз. Аммо ёзувчи китобхоннинг гуманизм билан йўғрилган якунини қўлламайди. Балки бадиий асар мантиги ва пафосига мувофиқ йўлдан боради. Қишлоқ аҳли жасад юзида зоҳир бўлиб қолган "қувонч" руҳий ҳолатидан мутаасир бўлишади. Бунинг сабаби эса аниқ — почтачи Турсунмуроднинг, яна аллақанча қишлоқдошлиарининг ўлими ҳақидаги қорахатни жигар-багри эзилган Бувишга, уруш иштирокчиларнинг оиласига етказиб беришдан қутмлади.

Бувиш эна соchlари оқарив, мункиллаб қолса ҳам, урушдан йигирма йил ўтиб кетса ҳам, ўғли Турсунмуродни кутаверади. Чунки, она ўглининг ўлими ҳақида хат олмаган. Ёзувчи инсоният ҳаёти ва тарихида тақрорланниб турувчи урушларнинг, бир-бирини ўлдиришининг Қобил ва Ҳобил ҳақидаги диний мифология билан нақадар уйғун эканлигини, гўёки, бу улардан мерос бўлиб келаётганлигига рамзий ишора беради: "Ер юзида Қобилнинг Ҳобилни тош билан уриб ўлдиргани, унинг майитини



нима қилишни билмай елкасида ортмоқлаб юрганидан бошланған одамзод мұхорабаси абадул абад бардавом экан.

Хеч тугамас экан.

Одам болалари Жин ибн ал-Жон менгизлик қон түкаверар экан.

Кимсасиз саҳроларда, үрмөнларда, дарёларда, уммонларда, осмонларда жангу жадаллар давом этавераркан...”.

Қиссада одамзоднинг ўлимига сабабчи бўлган, ер юзи га ҳукмронлик қилишига даръво қилган, энг катта урушлар ва ҳукмдорлар, эллар тилга олинади: Қобил, Нуҳ, Кайсар, Искандар, Отиласон, Чингизхон, Темурбек, Напалеон, римликлар, форслар, хуннлар, ханлар, турклар, Ажам, Адам.... Буларнинг ҳар бири катта мұхораба тарихига, инсониятнинг яратилишига рамзий ишора беради.

Қиссада икки бадиий фалсафа бўй кўрсатади, биринчиши урушлар инсоният тарихида бот-бот тақрорланади, унга нуқта қўйиш мумкин. Аммо одамзоднинг руҳониятидаги Шайтон ва Раҳмон мұхорабаси асло тўхтамайди. Одамзод Аллоҳ томонидан мана шундай жазога мусатажик қилинган, деган кенг қамровли фалсафа бор. Аслида ҳар икки уруш ҳам даҳшатли. Дунёни бўлиб олиш учун қилинган сиёсий урушлар инсон ва жамият ҳаётини издан чиқарса, руҳониятидаги Шайтон ва Раҳмон кураши ҳар бир бандани исталган сонияда жар ёқасига олиб келиши мумкин. Бу башарият пешонасига битилган оғир ёзук. Бу руҳоний мұхорабада кимнингдир Шайтони голиб келса, яна кимнингдир Раҳмони голиб келади. Қиссада Шайтони кучли бўлган Нуъмон қиртиши, Носир чўтирир одамлар ҳаётда қандай бўлса, ўшандай табиийлик, жонлилик билан тасвирга олиб кирилган. Мана бу тасвирга эътибор қаратамиз: “Носир чўтирир шунақа бўлгани билан анча-мунча қийинчилкларни кўрган, наст-баландни биладиган одам экан.

Аммо феъли шунақа экан.

Феълни тузатиш қийин экан.

Букрини гүр тузатади деганлари шундан экан.

У пиёлага нон бўктириб ебди. Тиззаларига думалаб тушиган ушоқларни тергилаб оғизга тиқипти. Кетма-кет пиёла бўшатиб чой ичипти. Ўзини бечораҳол кўрсатиб, болаларини оғзини кўпиртирганча ёмонлабди. У сўзлагани сайин Ҳайитнинг жаги билан ёноги орасидаги без тинимсиз қимиirlаб, ияклари пир-пир учча бошлабди". Бу тасвирлар жуда ҳаётӣ, реал, жонли. Бошқа яна нима деб таътифлаш мумкин экан. Билолмаяпман. Адид Носир чўтирнинг ўзини бечораҳол қилиб кўрсатиши, болаларини ёмонлаши, нон ушокларини тергилаб ейиши, кетма-кет икки пиёла чой ичиши, унинг қилигидан (болаларини ёмонлашидан) жаҳли чиққан, урушида ярим жон бўлиб қайтиб келган Ҳайит аканинг жаги билан ёноги ўртасидаги безнинг қимиirlашию, иягининг пир-пир учшии — яъни қаҳрамон руҳий ҳолатини (жаҳли чиқиб, қизишиши) жуда маромига етказиб тасвирлаган.

Уруш Ҳайит каби минглаб эркакларни ногирон қиласан. У урушда бир кўзи, чап оёги, ўнг қўлидан айрилган. Уруш унинг нафақат жисмини майиб-мажруҳ этди. Балки қалбини ҳам хаста қиласди. Бувши эна билан тут дарахтининг муруввати, саховати, ҳаёти бадиий параллеллик касб этади. Бувши эна тутдай тўкилиб, ич-ичидан куйиб-адо бўлиб яшади. Тут — Бувши эна, умуман, юраги-багри куйиб адo бўлган ўзбек аёлларига рамзий метафорадир.

"Юлдузларга элтар йўл" қиссасида бадиий-фалсафиј маънолар қарам мисоли қаватма-қават бўлиб бораверади. Ўлимнинг ота-онадан мерос бўлиб қолиши ҳам бор гап. Бу бадиий мотив қиссада диний-мифологик нуқтаи назардан гўзал тарзда асосланади.

Шунингдек, асарда "қора" ранг билан боглиқ бадиий образлилик кузатилади. Зоро, рангларнинг ўз тарихи, мифологияси, символик қатламлари турли фан йўналишлари доирасида тадқиқ этилган. Кора ранг — шарқ мумтоз адабиётида мотам, совуқ хабар рамзини ифодаласа, баъзан улугворлик, буюклик маъноларини ҳам англатади. Бинобарин, Шойим Бўтаевнинг "қора" сифати билан боглиқ образли иборалари, рамзий тимсолларига эътиборимизни қаратамиз: қора балиқча, Коратош ота қабристони, қорахат, тепаликда бир қора кўринипти, бир қора эмас, бир шарпа кўринипти, қоп-қоронги туғлар, қора сухбат, қоп-қора соч-соқолли қоп-қора бир киши қоп-қора кўзларини унга тикиб турган экан, қора воқеа, қора телпак, Кора тарих... ва ҳоказо. Қора сўзи билан ясалган образли бирималар тасодиф эмас, албатта. Бу ижоддаги муҳим қонуният. Шойим Бўтаев бу қонуниятни яхши билади. Билгани учун ҳам ёзувчи "қора" сифати билан ҳалқали бадиий образлилик яратишга муваффақ бўлади.

Киссага иллюстрация қилинган лойдан қўғирчоқ ясаб, унга айрилиқ ва ёр ҳижрони дардини айтган келинчак ҳақидаги ривоят эса инсоннинг доимо, мудом дардкаш излашига рамзий ишорадир. Тириклик ва инсоният ҳаёти ҳақида Шойим Бўтаев неомифологизм унсурларидан маҳорат билан фойдаланиб битган "Юлдузларга элтар ўйл" қиссаси янги ўзбек насрининг жиддий адабий қиёфаси бўлиши билан бирга кенг китобхонлар учун азиз-ардоқли тухфга сифатида адабий қарашларимизни бойитишга хизмат қиласди.

Бундан таисқари, китобга жамланган воқеалар ва қаҳрамонлар ҳаётининг албатта, уруши билан боғланган тўрт ҳикоя ҳам ўзига хос услуб билан ёзилган. "Отам нега жим?" ҳикоясида рус шоираси Марина Цветаеванинг автобиографик, болалик хотираларини маҳорат

билин асарга сингдириб юбориши услубини күргандек бўлдим. Ҳажми ҳам унча катта бўлмаган ҳикояда ортиқча тафсилот, иллюстрация, кенг воқеалик ҳам йўқ. Икки хил характер яратилган. Хидир бува ва Ота характери. Тасвирда кўпроқ икки уруш иштирокчисининг сұхбати берилади. Асосан Хидир бува гапиради, муаллиф-ҳикоячининг отаси эса эшиштади. Онда-сонда ота ўзининг пассив муносабатини билдириб қўяди, холос. Масалан, “Оббо, Хидир полвон-ей!”, деб қўя қолади. Узун қиши кечасидаги гурунглар бола нигоҳи, бола ҳиссиётлари билан баҳоланади, ҳикоя қилинади. Хидир бува урушда кўрган-кечирганларини муболага қилиб ошириб-тошириб гапиради. Ҳикоячи боланинг тасаввурнида Хидир бува жуда улуглашиб кетади, отаси эса унинг “қаҳрамонликлари” олдидаги жуда кичрайиб қолади. Ҳикояда урушнинг икки иштирокчиси Хидир бува билан Ота қаршилантирилади. Болаликда улугвор бўлиб кўринган ҳиссиётлар вақти келиб алдамчи ҳислар эканини ҳикоячи томонидан аниқ эътироф этилмаган бўлса-да, ҳикоядаги бадийи ўзан ўша тарафга қараб бурилиб кетади. Асл ҳақиқат ойдинлашади. Асар “Ташқарида аёз. Танча муздек. Кеча узундан узок. Отам эса... У ҳамон жим”, дега якунланади. Шеърда анафора бўлади. Яъни тақрорий мисра. Шойим Бўтев насрода анафора мусиқий оҳанг билан бирга аниқ бадийи-фалсафий маъно ташийди. Сўзлар, жумлаларнинг тақрор-тақрор кўлланиши Марина Цветаеванинг “Менинг Пушкиним”, “Онам ва мусиқа”, “Отам ва музей” эсселарида учрайди. Шойим Бўтаев услубидаги тақрорий сатрлар айтилмоқчи бўлган фикрга залвор беради, мусиқий оҳангдан таишқари, воқеалар ва характерларни бир жойга ўюштириб берувчи фокус вазифасини ҳам ўтайди.

“Ташқарида аёз” жумласи ҳикоянинг олти ўрнида тақрорланади. Ҳар сафар тақрорланганида янги жумла-

лар қўшилиб бораверади. Биринчи марта мазкур жумла келган ўрин қўйидагича: "Ташқарида аёз. Дараҳтлар шохидаги сумалаклар ларzon-ларzon. Нариги уйда ойим, укаларим донг қотишган. Хидир бува туришни хаёлига ҳам келтирмайди, болишни ўмровига тортади". Иккинчи ўринда: "Ташқарида аёз. Танча муздек. Отам жим. Хидир бува оқ оралаб қолган мўйловини бармоқлари орасида секин-секин товлай бошлиайди". Учинчи ўринда: "Ташқарида аёз. Хидир бува ҳикоясининг энг қизиқ жойига келган бўлади". Тўртинчи ўринда: "Ташқарида аёз. Отам жим. Жунжикиб кетаман. Нега отам ўз қаҳрамонликларидан гапирмайди, дея алам билан ўйлайман. Балки, Хидир бува айтмоқчи, Fани чўлтоқча ўхшаб... Хаёлимга илкис келган бу фикрдан кўзларим ярқ этиб очилар, мудраб ўтириб сесканиб кетардим". Бешинчи ўринда: «Ташқарида аёз. Хидир буванинг оғзи қимирлайди, гаплари эшишилмайди. У қачон туриб кетгани ю чироқнинг қачон ўчганини, ўрнимга ким ётқизиб қўйганини билмай қоламан».

Ота руҳиятидаги самимият ҳикояга ҳам кўчган-дек таассурот қолдиради. Ўта самимий, ёқимли ҳикоя. Отанинг, Хидир буванинг, боланинг руҳий ҳолати сизнинг ҳам қалбингизга осонгина кўчади. "Отам нега жим?" ҳикояси мароқ билан ўқилади.

Кейинги ҳикоя "Кора совуқ"да Хабаровскидан келган Толик ва талаба ўртасидаги муносабатлар, қишлоқ аҳлининг ўта қашшоқ турмуш тарзи, иқтисодий қитинчиликлар, ишисизлик, даромадсизлик, шунингдек, кишилар ўртасидаги ишончсизлик тасвирланади. Қолган икки ҳикоя қаҳрамонлари мактаб қоровули Эшни-ёз чол, Уста ҳам уруши иштирокчилари. "Кора совуқ"да уруши қатнашчисининг мардана қиёфаси бир ўринда юксак маҳорат билан чизиб ўтилади. Номланиши

чүкүр рамзий маънога эга бу ҳикояда халқлару миллатлар ўртасида пайдо бўладиган совук муносабатларда оддий одамларнинг заррача айби йўқлигиги ишора қилинади. Бу ерда ҳам уруши ҳақиқатларидан мосуво бўлолмаган отанинг ёлгизлиги, майдалашиб бораётган туйгуларга нафрати кўзга ташланиб туради.

“Юлдузларга элтар йўл” тўплами ёзувчининг умумбашарий гояларни нечогли теран бадиий ифода эта олишини намоён қилгани билан ҳам биз учун қадрлидир.

Ёзувчининг бадиий оламига саёҳат қилмоқчимисиз, марҳамат, мутоллага шайланинг! Ўқинг, фикрланг, мушоҳада қилишидан эринманг! Аммо асло хаёлингизга бошқачароқ услубда ёзилибдими, ўқий олмайман, кўзим, кўнглим ўрганимаган, деган фикрлар келмасин. У сизни оддий халқнинг изтироблари, дардлари билан оишно этаркан, қалбингизда шу азиз замин, бебаҳо ҳаёт учун ўз жонини аямай фидо этган танти ва мард аждодларимизга нисбатан чексиз эҳтиром уйгонади. Уларнинг ўлмас Руҳлари мангу сўнмас юлдузларга элтар йўлни масаввурингизда жонлантиради, Мангулликка дахлдор бу йўл чорраҳасида тиниқ туйгулар таронаси авадий акс-садо бериб туради.

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Ўзбек тили адабиёти ва фольклор институти  
катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

## МУНДАРИЖА

Муаллифдан.....	3
Юлдузларга элтар йўл. <i>Кисса</i> .....	7
Қора совуқ. Ҳикоялар	
Отам нега жим?.....	104
Мактаб қоровули.....	112
Номус.....	122
Қора совуқ.....	126
Бекиёс неомифологизм. <i>M.Кўчқорова</i> .....	147

*Адабиий-бадиий нашр*

**Шойим БҮТАЕВ**

**ЮЛДУЗЛАРГА ЭЛТАР ЙҮЛ**

*Кисса ва ҳикоялар*

*Мұхаррір*  
**Мұхаммад АҲМАД**

*Наширет мұхарріри*  
**Лайло ҲАСАНОВА**

*Мұсаввир*  
**Уйғун СОЛИХОВ**

*Мұсақхұж*  
**Мехрибон ЁДГОРОВА**

*Саҳифаловчи*  
**Мұхаррам ЗОЙТОВА**

Нашриёт лицензияси AI № 160. 11.08. 2009.

Босишка рухсат этилди 16.06.2018. Офсет босма усулида босилди. Бичими 84 x 108  $\frac{1}{32}$ , Palatino Linotype гарнитураси. 10.0 нашр т. 9.25 шартли б.т. Адади 10 000 (биринчи босма 1000) нусха. Буюртма № 262. Баҳоси келишилган нархда.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий  
нашриёти, Тошкент – 011. Навоий кўчаси 30-уй.

«SAYDANA-PRINT» МЧЖ босмохонасида босилди.  
Тошкент ш., Қамарнисо к., 3. E-mail: Saydana-print@mail.ru  
тел.: +99899 862-08-43; +99891 162-08-43.



ЯНГИ  
ЎЗБЕК  
НАСРИ

## ШОЙИМ БУТАЕВ

Туркистон тизма тоғлари этакларига сочилган қишлоқларда ажойиб одамлар яшаркан. Уларнинг кўринишларига, ёноқларининг суюклари туртиб чиқиб, кўзлари косасида чуқур ботиб кетганига, қорайган юзларини ажин кавлаб ташлаганига, ҳорғинликларига, содда-дўлворликларига қараманг экан, ва яна ажабланманг экан, азал-абад ҳаёт абадиятини яратиб келаётган мангуликка дахлдор халқ мана шу одамларнинг ўзлари экан.

ISBN 978-9943-07-549-8

9 789943 075498